МУНДАРИЖА

I. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2019 йилги ижроси, 2020 йилги кутилаётган якунлари ҳамда 2021-2023 йиллар учун асосий йўналишлари 2

1.1. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2019 йилги ижроси 2

1.2. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилги кутилаётган якунлари 5

1.3. 2021-2023 йилларда макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар 12

1.4. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2021-2023 йиллар учун асосий йўналишлари 15

II. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йилда кутилаётган ижроси 22

2.1. Давлат бюджети даромадларининг 2020 йилда кутилаётган ижроси 22

2.2. Давлат бюджети харажатларининг 2020 йилда кутилаётган ижроси 30

2.3. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларининг 2020 йилги кутилаётган ижроси 56

2.4. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2020 йилги кутилаётган баланси 63

III. Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2021 йилги прогнози ва 2022–2023 йиллар учун мўлжаллари 64

3.1. Давлат бюджети даромадларининг 2021 йилги прогнози ва 2022–2023 йиллар учун мўлжаллари 64

3.2. Давлат бюджети харажатларининг 2021 йилги прогнози ва 2022–2023 йиллар учун мўлжаллари 69

3.3. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларининг 2021 йил учун прогноз кўрсаткичлари 87

3.4. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети даромад ва харажатлари 2021 йилги прогнози ва 2022–2023 йиллар учун мўлжаллари 94

IV. 2020 йилда кутилаётган давлат қарзи прогнози ва 2021–2023 йилларда давлат қарзини бошқариш сиёсати 98

4.1. Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзи ҳолати ва динамикаси 98

4.2. Давлат қарзи билан боғлиқ хатарларни баҳолаш 100

I. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2019 йилги ижроси, 2020 йилги кутилаётган якунлари ҳамда 2021-2023 йиллар учун асосий йўналишлари

1.1. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2019 йилги ижроси

Ўзбекистон Республикаси ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг 2019 йилги ижроси тўғрисида

2017 – 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган устувор вазифаларни изчил амалга ошириш, жамиятнинг ижтимоий-иқтисодий соҳаларини янада ривожлантириш ва амалга оширилаётган таркибий ислоҳотлар самараси 2019 йил давомида иқтисодиётнинг барқарор ва мувозанатлаштирилган ҳолда ривожланишини таъминлади.

Натижада, 2019 йилда мамлакатнинг ялпи ички маҳсулоти 5,7 фоизга ўсиб, 511,8 трлн. сўмни ёки аҳоли жон бошига ҳисоблаганда 15,2 млн. сўмни ташкил этди ва бу кўрсаткич ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,6 фоизга ошди.

Ялпи ички махсулот ўсиш суръати асосан саноат тармоғининг 5,0 фоизга, хизматлар соҳасининг 5,6 фоизга, қурилиш ишлари ҳажмининг 22,9 фоизга, қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалигининг 3,1 фоизга кўпайиши ҳисобига таъминланди.

Ишлаб чиқаришнинг рақобатбардошлигини рағбатлантириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлаш, шунингдек маҳаллий экспорт қилувчилар учун савдо шароитларини яхшилаш бўйича амалга оширилган чора-тадбирлар ва асосий экспорт товарлари нархларининг жаҳон бозор конъюнктурасидан ошиши натижасида товар ва хизматлар экспорти 24,8 фоизга ошди.

Олтин-валюта захираларимиз 2019 йил давомида 2,2 млрд. АҚШ долларига ортиб, 28,6 млрд. АҚШ долларига етди.

Капитал қўйилмалар ҳажми 2018 йилга нисбатан қарийб 38,1 фоизга ошиб, ялпи ички маҳсулотдаги улуши 37,1 фоизни ташкил этди. 2019 йилда жами ўзлаштирилган хорижий инвестициялар ҳажми 9,7 млрд. АҚШ долларни, шу жумладан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 6,5 млрд. АҚШ долларини ташкил қилиб, 2018 йилга нисбатан 4,1 мартага ошди.

Иқтисодиётда фаолият кўрсатаётган кичик бизнес субъектлари сони 262,9 мингдан 334,8 (2019 йилнинг июль ойида 309,7) минггача ёки 27,3 (2019 йилнинг июль ойида 17,8) фоизга кўпайди. Бунда тадбиркорликни ривожлантириш борасида амалга оширилган қуйидаги ислоҳотлар муҳим роль ўйнади:

энергетика, нефть-газ, геология, транспорт, йўл қурилиши, қишлоқ ва сув хўжалиги, ичимлик суви ва иссиқлик таъминоти ҳамда бошқа қатор тармоқларда чуқур таркибий ислоҳотлар бошланди. Саноатнинг 12 та етакчи тармоғида модернизациялаш ва рақобатдошликни кучайтириш дастурлари жадал амалга оширилди;

қишлоқ хўжалигида илғор технологиялар ва кластер тизими жорий этилди ва давом эттирилмоқда;

тадбиркорликни кенг ривожлантириш ва бу соҳа учун янги шароитлар яратилиши давом эттирилди. “Ҳар бир оила – тадбиркор” дастури доирасида ўз бизнесини бошлаётган оилаларга 5,9 трлн. сўм кредитлар ажратилди;

янги солиқ сиёсати доирасида иш ҳақига солиқ юки 1,5 баробар камайтирилиши натижасида расмий секторда ишлаётганлар сони йил давомида 500 мингтага кўпайди;

қўшилган қиймат солиғи ставкаси 20 фоиздан 15 фоизга туширилди. Бунинг ҳисобидан 2019 йилда солиқ тўловчилар ихтиёрида 2 триллион сўм қолдирилди. Бу албатта, уларга ўз бизнесларини ривожлантириш учун қўшимча имкониятлар яратади.

Ислоҳотлар натижасида ўтган йили 93 мингта ёки 2018 йилга нисбатан қарийб 2 баробар кўп янги тадбиркорлик субъектлари ташкил этилди.

Жаҳон банкининг “Бизнес юритиш” рейтингида 7 поғона кўтарилиб, бизнесни рўйхатга олиш кўрсаткичи бўйича дунёнинг 190 та давлати орасида 8-ўринни эгалладик ва энг яхши ислоҳотчи давлатлар қаторидан жой олдик.

Шунингдек, 86 та давлат фуқароларига визасиз ва 57 та давлат фуқароларига соддалаштирилган виза режими жорий этилиши натижасида ўтган йили юртимизга 6,7 миллион нафар хорижий сайёҳ ташриф буюрди. Бу 2016 йилга нисбатан 4,7 миллион нафарга ёки 3,3 баробар кўп демакдир.

2019 йилда пахта-тўқимачилик кластерлари 77 тага етказилиб, жами 677,5 минг гектар (66 фоиз) майдонда пахта етиштирилди. Ушбу кластерларда 1 млн. 946 минг тонна (ялпи ҳосилга нисбатан 72 фоиз) пахта хом ашёси тайёрланди ва ҳосилдорлик ўртача 29 ц/га ни ташкил этди.

Пахта ҳосилдорлиги 51 та кластерда 30 центнердан кўп бўлган бўлса, 11 та кластерда 35 центнердан ошди.

Шу билан бирга, 8 та кластерда қайта экишлар ва пахтанинг кеч етилиши натижасида ҳосилдорлик ўтган йилга нисбатан паст бўлди.

Шуни таъкидлаш керакки, кластерларда пахта етиштиришда янги инновацион ва ресурс тежамкор технологияларни жорий этишга катта эътибор қаратилмоқда. 2019 йилда вилоятларда 13 та пахта тўқимачилик кластерларининг 2753 гектар майдонида пахта етиштиришда томчилатиб суғориш тизими жорий этилди.

Аҳоли фаровонлигини ошириш бўйича:

Иш ҳақи, пенсия, стипендиялар ва ижтимоий нафақалар миқдорини оширишнинг ноинфляцион услуби қўлланилди. Хусусан, иш ҳақи, пенсия ва стипендия миқдорлари инфляция доирасида оширилиб, айрим соҳа ходимлари (ўқитувчилар, тиббиёт ходимлари, маданият соҳаси, давлат бошқаруви органлари ходимлари)нинг эса иш самарадорлигини оширишга қаратилган алоҳида қарорлар қабул қилинди. Натижада аҳолининг реал даромадлари 6,5 фоизга ошди;

“Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари доирасида 479 та қишлоқ ва овулда, шаҳарлардаги 116 та маҳаллада кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари бажарилди. Бунга 6,1 трлн. сўм ёки 2018 йилга нисбатан 1,5 трлн. сўм кўп маблағ сарфланди.

Қишлоқ жойларда – 17 100 та, шаҳарларда – 17 600 та, жами 34 700 та ёки 2016 йилга нисбатан салкам 3 баробар кўп арзон ва шинам уйлар қурилди.

Кам таъминланган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож 5 мингта оилага, жумладан ногиронлиги бўлган аёлларга ипотека кредити асосида арзон уй-жой сотиб олиш учун 116 млрд. сўмдан зиёд бошланғич бадал пуллари тўлаб берилди.

1.2. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2020 йилги кутилаётган якунлари

2020 йил бутун дунёда COVID-19 пандемияси тарқалиши жаҳон иқтисодиётига кескин таъсир кўрсатди. Шу муносабат билан жаҳон иқтисодиётидаги вазиятни баҳолашда кўплаб ноаниқликлар юзага келиши натижасида унинг келгусидаги ривожланиш тенденцияси бўйича хатарлар ноаниқлиги юқорилигича қолмоқда.

Ижтимоий-иқтисодий ҳолатнинг кескинлашуви дунёдаги кўплаб мамлакатларни карантин чораларини енгиллаштиришга мажбур қилмоқда.

Дунёда пандемия ҳолатининг ёмонлашуви натижасида жорий йилда Халқаро валюта жамғармаси томонидан 2020 йил учун жаҳон иқтисодиётининг ривожланиш прогнози бир неча маротаба қайта кўриб чиқилди. Жумладан, жамғарма апрель ойида жаҳон иқтисодиётининг 3 фоизга пасайишини прогноз қилган бўлса, июнь ойида 4,9 фоизга, октябрь ойида эса 4,4 фоизга пасайишини прогноз қилган. Шунингдек, жамғарма прогнозларига кўра жорий йилнинг иккинчи чорагида ялпи ички маҳсулот ҳажми АҚШда 34,5 фоизга, Японияда 22,3 фоизга, Ҳиндистонда 18,9 фоизга, Хитойда 6,8 фоизга ва Евро ҳудудда 10-20 фоизга қисқарган.

Шу билан бирга, 2020 йил якуни билан ривожланган давлатлар иқтисодиёти 5,8 фоизга, ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти 3,3 фоизга, АҚШ 4,3 фоизга, Япония 5,3 фоизга, Германия 6 фоизга, Туркия 5 фоизга, Россия 4,1 фоизга, Марказий Осиё ва Кавказ минтақаси иқтисодиёти 2,1 фоизга, Қозоғистон 2,7 фоизга қисқариши кутилаётган бўлса, Ўзбекистон иқтисодиётини ўсиш суръати 0,7 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, Халқаро валюта жамғармасининг прогнозига кўра, **ривожланган мамлакатлар** гуруҳи иқтисодиётининг 2020 йилда 5,8 фоизга қисқариши кутилмоқда. Бу жаҳон иқтисодий прогнози 2020 йил июнь ойига нисбатан 2,2 фоиз бандга юқори. Йилнинг биринчи ярмида кутилганидан кўра кўпроқ иқтисодиёт ривожланиши секинлашган бўлиб, карантин чоралари эълон қилингунга қадар ихтиёрий равишда масофа сақлаш ҳолатлари кузатилди. Бу ўз навбатида, 2020 йилнинг иккинчи ярмида иқтисодиётнинг аста-секинлик билан тикланишини англатади, чунки коронавирусни юқтириш ҳавфидан қўрқув давом этмоқда. Синхрон чуқур инқирозлар Францияда (-9,8 фоиз), Италияда (-10,6 фоиз), Испанияда (-12,8 фоиз), Буюк Британияда (-9,8 фоиз), Ҳиндистонда (-10,3 фоиз) қисқариши кутилмоқда. 2021 йилда ривожланган мамлакатлар ўсиш суръати 4,8 фоизгача кўтарилиши прогноз қилинмоқда.

1-жадвал

Халқаро валюта жамғармаси ҳисоб-китоблари бўйича жаҳон ва айрим давлатлар иқтисодиётининг 2020 йил учун ўсиш суръатлари прогнози

(фоизда)

Мамлакатлар	Ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати (июнь прогнози)	Ялпи ички маҳсулот ўсиш суръати (октябрь прогнози)	Фарқи
Жаҳон иқтисодиёти	**-4,9**	**-4,4**	**0,5**
Ривожланган давлатлар	**-8,0**	**-5,8**	**2,2**
Ривожланаётган давлатлар	**-3,0**	**-3,3**	**-0,3**
Евро ҳудуди	**-10,2**	**-8,3**	**1,9**
АҚШ	-8,0	-4,3	3,7
Германия	-7,8	-6,0	1,8
Франция	-12,5	-9,8	2,7
Италия	-12,8	-10,6	2,2
Испания	-12,8	-12,8	0
Буюк Британия	-10,2	-9,8	0,4
Хитой	1,0	1,9	0,9
Ҳиндистон	-4,5	-10,3	-5,8
Россия	-6,6	-4,1	2,5
Бразилия	-9,1	-5,8	3,3
Қозоғистон	-2,7	-2,7	0
Беларусь	-	-3,0	-
Туркия	-5,0	-5,0	0
Ўзбекистон	**1,5**	**0,7**	**-0,8**

Манба: Халқаро валюта жамғармаси маълумотлари.

Даромади паст ривожланаётган давлатлар иқтисодиёти эса 2020 йилда 1,2 фоизга қисқариши кутилмоқда. Бу 2020 йилнинг июнь ойидаги прогнозидан 0,2 фоизга пастроқ, аммо мамлакатлар ўртасида фарқлар мавжуд. Алоҳида иқтисодиётларда сезиларли фарқлар мавжуд бўлиб, бу пандемия эволюцияси ва олдини олиш чораларини самарадорлигини акс эттиради. Иқтисодий тузилишнинг ўзгариши (масалан, туризм ва нефть каби жиддий салбий таъсир кўрган соҳаларга боғлиқлик) ташқи молиявий оқимларга, шу жумладан пул ўтказмаларига ва инқироз ривожланиш тенденцияларига боғлиқ.

Биринчи чоракда Хитой иқтисодиёти кескин секинлашгандан сўнг, 2020 йилда ўсиш сурати 1,9 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда ва июнь

ойидаги прогнозга нисбатан 0,9 фоизга баландроқ. Пандемия билан боғлиқ узилишлар натижасида ҳамда ёқилғи нархларининг кескин пасайиши сабабли нефть экспорт қилувчи мамлакатлар даромадлари сезиларли даражада пасайиши натижасида, жумладан Россия (-4,1 фоиз), Саудия Арабистони (-5,4 фоиз), Нигерия (-4,3 фоиз) ва Жанубий Африкада (-8,0 фоиз) кескин рецессияга сабаб бўлмоқда.

Жорий йилда **глобал савдо ҳажми 10 фоиздан зиёдроққа қисқариши кутилиб**, бу эса товарлар ва хизматларга, шу жумладан туризмга бўлган талабнинг кескин пасайганлигини англатади. Келгуси йилда ички талабнинг аста-секин жонланиши эвазига савдо ҳажмининг ўсиши 8 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, Халқаро валюта жамғармасининг жорий йилнинг июль ойидаги Минтақавий иқтисодий прогнозига кўра, Яқин Шарқ ва Ўрта Осиё минтақасининг 2020 йилдаги реал ялпи ички маҳсулотининг 4,1 фоизга пасайиши кутилмоқда. Бу 2020 йилнинг апрелида нашр этилган Минтақавий иқтисодий прогноз кўрсаткичига нисбатан 0,6 фоизга баландроқ.

Кавказ ва Марказий Осиё минтақаси бўйича прогнозлар июль ойидаги прогнозларга нисбатан октябрь ойидаги прогнозда 2020 йилда 0,6 фоизга пасайтирилиб, 2,1 фоизга қисқариши кутилмоқда. 2021 йилда эса 3,9 фоизга ўсиши кутилмоқда.

Жорий йининг март ойида коронавирус пандемияси эълон қилинган пайтдан бошлаб биринчи ўриндаги устувор вазифа инфекцияни кенг тарқалишини олдини олиш ҳамда инсонлар ҳаётини сақлаш деб белгиланди. Шунингдек, иқтисодиётнинг барқарорлигини таъминлаш ҳам муҳим эканлиги таъкидланди.

Шу билан бирга, пандемия даврида коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш, аҳолининг ижтимоий ҳимоясини кучайтириш ва даромадлари кескин камайишини олдини олиш билан бирга иқтисодиёт тармоқларини қўллаб-қувватлаш мақсадида:

10 трлн. сўм миқдоридаги маблағга эга Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил этилди;

1,6 трлн. сўмлик солиқ ва божхона имтиёзлари берилди;

15,7 трлн. сўмлик тижорат банклари томонидан кредитлар ажратилди;

24,5 трлн. сўмлик кредитлар қайтариш муддати узайтирилди;

корхоналарни айланма маблағлари билан таъминлаш мақсадида солиқ тўловчиларга қоплаб берилган қўшилган қиймат солиғи суммаси 1,6 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 3,3 баробардан кўпроқ бўлди;

давлат улуши бор корхоналар учун ижтимоий солиқ ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга камайтирилди;

карантин вақтида ўз фаолиятини тўхтатган 95 144 та якка тартибдаги тадбиркорларга 155,3 млрд. сўм қатъий солиқлар ҳисобланмади;

20 273 та бўш объект мулкдорларига нисбатан оширилган ставкада 1 079,4 млрд. сўм мол-мулк ва ер солиғи ҳисобланмади;

2020 йилнинг 1 апрелидан 31 декабрига қадар 1764 та туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш

хизматлари) кўрсатувчи субъектларига мол-мулк ва ер солиғидан 69,1 млрд. сўм миқдорида имтиёз берилди;

17 247 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 2020 йил апрель ва май ойлари учун мол-мулк солиғи ва ер солиғидан умумий ҳисобда 29,5 млрд. сўмлик қарзлари, жумладан мол-мулк солиғидан 11,6 млрд. сўм ва ер солиғидан 17,9 млрд. сўм кечиб юборилди;

4 490 та муддати ўтган дебитор қарздорлиги мавжуд тадбиркорларга нисбатан 1 781,5 млрд. сўм жарималар қўлланилмади;

якка тартибдаги тадбиркорларга 1 октябргача ижтимоий солиқ ставкаси 50 фоизга пасайтирилиши натижасида 247 286 та тадбиркорлар ихтиёрида 155,3 млрд. сўм қолдирилди;

май-июнь ойлари ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизгача пасайтирилиши натижасида 232 075 та кичик тадбиркорлик субъектларининг 220,7 млрд. сўм маблағлари ўз ихтиёрида қолди;

импорт қилувчилар учун божхона божи ҳамда акциз солиғи бўйича 63 млрд. сўм ва қўшилган қиймат солиғи бўйича 811 млрд. сўм миқдордаги солиқ тўловлари кечиктириб берилди.

Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш, коронавирус инфекцияси тарқалишининг олдини олиш бўйича муҳим тадбирларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш мақсадида тегишли Ҳукумат қарорларига мувофиқ, Давлат бюджети харажатлари 8 трлн. сўмга мақбуллаштирилди.

2020 йилда иқтисодиётда талабни рағбатлантириш мақсадида ижтимоий нафақалар, моддий ёрдам, компенсация тўловлари ва аҳоли бандлик даражасини оширишга Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳамда Давлат бюджетидан 2,6 трлн. сўм қўшимча маблағ ажратилди.

Кам таъминланган оилаларни коронавирус пандемияси даврида ижтимоий ҳимоясини кучайтириш мақсадида:

ижтимоий нафақа олувчи оилалар сони 1 апрелдан бошлаб 10 фоизга, 1 июндан яна 10 фоизга оширилди;

март-июнь ойларида тўлаш муддати тугайдиган ижтимоий нафақалар ариза ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда 258 минг нафар кам таъминланган оилаларга нафақа тўлаш муддатлари 6 ой муддатга узайтирилди;

ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлашнинг амалдаги тартиб-таомиллари соддалаштирилди.

Жорий йилнинг март ойида 569 минг оилага ижтимоий нафақа тўловлари тўланган бўлса, қабул қилинган фармон ва қарорлар ижросини таъминлаш натижасида жорий йилнинг декабрь ойида яна қўшимча 631 минг нафар оилага нафақа тўловлари тайинланган ҳолда жами ижтимоий нафақа олувчи оилалар сони 1,2 миллионга етказилиши кутилмоқда.

Бунинг учун Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан 2020 йилнинг март-сентябрь ойларида 588,7 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Жами ажратилган маблағлар ҳисобидан:

14 ёшгача боласи бор оилаларга тўланадиган нафақага 425 млрд. сўм *(шундан, инқирозга қарши курашиш жамғармасидан 106 млрд. сўм)*;

боласи 2 ёшга тўлгунга қадар ишламайдиган оналарга тўланадиган нафақага 728 млрд. сўм (*127 млрд сўм*);

кам даромадли оилаларга тўланадиган моддий ёрдам учун 148 млрд. сўм *(35 млрд. сўм)* харажатлар амалга оширилди.

Бундан ташқари, аҳоли бандлик даражасини ошириш масаласига ҳам жиддий эътибор қаратилди. Жумладан:

- аҳолининг ишсиз ва банд бўлмаган қатламини вақтинчалик ишларга жалб қилиш учун Жамоат ишлари жамғармасига 324,0 млрд. сўм, шундан Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан 200 млрд. сўм ажратилди;

- Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига 125 млрд. сўм, шундан инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан ишсиз, кам таъминланган оилаларга шахсий томорқаларини ривожлантириш орқали турмуш даражасини қўллаб-қувватлаш учун 50 млрд. сўм маблағ йўналтирилди.

Шунингдек, пандемия ва глобал иқтисодий инқироз шароитида иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш учун Инқирозга қарши курашиш жамғармаси орқали 2 трлн. сўмдан ортиқ маблағ ажратилди. Жумладан:

- “Тошкент метрополитени” ва “Тошшаҳартрансхизмат” корхоналарининг ишчи-ходимларига иш ҳақи тўловларини амалга оширишлари учун 24 млрд. сўм;

- “Ўзавтотранссервис” ва “Тошшаҳартрансхизмат” томонидан кўрсатилган хизматлар (фуқароларни карантин зоналарига, карантин зоналаридан уйларига олиб бориш) учун учун 9 млрд. сўм;

“Ўзтемирйўловчи” АЖнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш учун 54 млрд. сўм;

- “Иссиқлик электр станциялари” АЖ корхоналарига – 500 млрд. сўм;

- “Ҳудудий электр тармоқлари” АЖга – 250 млрд. сўм;

- “Ўзбекнефтгаз” АЖга – 401 млрд. сўм;

- “Uzbekistan Airways” АЖга – 406 млрд. сўм;

- “Uzbekistan Airports” АЖга – 101 млрд. сўм;

- “Биринчи резинотехника заводи” МЧЖнинг биринчи даражали харажатларини амалга ошириш учун – 40 млрд. сўм;

- “Ҳудудий сув таъминоти” МЧЖга – 61 млрд. сўм;

- Давлат экология қўмитасига – 53 млрд. сўм маблағ ажратилди. Шунингдек, пандемия шароитида халқаро авиақатновлар тўхтатилиши, чегараларнинг вақтинча ёпилиши ҳисобига энг катта зарар кўрган соҳалардан бири туризм соҳасини рағбатлантириш учун Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармасига ҳам – 20 млрд. сўм маблағ ажратилди.

Ушбу кўрилган чоралар натижасида 2020 йилнинг 1-ярим йиллигида ялпи ички маҳсулотнинг кескин тушиб кетиши олди олинди ва ўтган йилнинг мос даврига нисбатан реал ўсиш 0,2 фоизни ташкил этди.

Бунда қишлоқ хўжалиги соҳаси 2,8 фоизга, қурилиш соҳаси 7,3 фоизга ўсган бўлса, саноат соҳасида ишлаб чиқариш 1,9 фоизга, хизматлар ҳажми 0,7 фоизга пасайди.

Ушбу даврда саноат тармоғида қайта ишлаш саноатида 2,2 фоизга ижобий ўсиш таъминланди. Бунда асосан тўқимачилик саноатида 7,7 фоиз, озиқ-овқат ишлаб чиқариш саноатида 4,2 фоиз, металлургия саноатида 3,8 фоиз ўсиш кузатилди.

Қазиш саноатида ишлаб чиқариш ҳажми эса 20,1 фоизга, шундан газ қазиб олиш (кўмир, лигнит ва нефть билан бирга) 23,5 фоизга қисқарди.

Хусусан, карантин даврида етказиб бериш занжиридаги узилишлар сабабли апрель ойида саноат тармоқлари ишлаб чиқариш ҳажми 26,9 фоизга, шундан қазиб олиш саноати – 33 фоизга, қайта ишлаш саноати – 28,9 фоизга қисқарди.

1-ярим йилликда хизматлар соҳасида алоқа хизматларининг 15,1 фоиз ва молиявий хизматларда 35,9 фоиз ўсиши кузатилган бўлса, транспортда 9,1 фоизга, яшаш ва овқатланиш хизматларида 17,1 фоизга пасайиш кузатилди.

Жорий этилган карантин чоралари ва чегараларнинг ёпилиши натижасида жорий йилнинг апрель ойининг ўзида пуллик хизматлар 37,5 фоизга, шундан умумий овқатланиш хизматлари 66,6 фоизга, транспорт хизматлари 55,8 фоизга қисқарди.

Жорий йилнинг май ойидан бошлаб карантин чоралари юмшатилиши ҳамда ўз вақтида инқирозга қарши иқтисодий тадбирлар амалга оширилиши натижасида иқтисодиёт тармоқларида жонланиш кузатилди.

Ушбу даврда инфляция даражаси ўтган йининг декабрига нисбатан 4,6 фоизни, ишсизлик даражаси эса 12,3 фоизни ташкил этди.

2020 йил якуни билан Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнози бўйича ялпи ички маҳсулот ҳажми йил охиригача 590,3 трлн. сўмни ташкил қилиши ва ўтган йилга нисбатан 1,2 фоизга ошиши кутилмоқда. Бунда, саноат 2,1 фоизга, қурилиш 5,0 фоизга, қишлоқ хўжалиги 2,2 фоизга ўсиши прогноз қилинса, хизматлар эса – 0,9 фоизга пасайиши кутилмоқда.

Пандемия таъсирида капитал қўйилмалар ўтган йилга нисбатан 13,8 фоизга паст бўлиб, 191,9 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 32,5 фоизни ташкил этиши кутилмоқда. Чакана савдо айланмаси солиштирма нархда 1,3 фоизга ўсиши ва 187,1 трлн. сўм бўлиши кутилмоқда.

Капитал қўйилмалар миқдорининг, умуман, иқтисодиётда ялпи талабнинг пасайиши ҳисобига импорт ҳажмининг 2019 йилга нисбатан 17,7 фоизга камайиши ва 20,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Бутун дунёда COVID-19 пандемияси таъсирида ялпи талабнинг камайиши, етказиб бериш занжирларини узулиши сабабли барча давлатлар экспорти кескин тушиб кетишига олиб келмоқда. Экспорт қилувчи тадбиркорлик субъектларни ҳамда иқтисодиёт тармоқларини Ҳукумат томонидан пандемия даврида қўллаб-қувватлаш учун ўз вақтида амалга оширилаётган инқирозга қарши кўрилаётган чоралар: солиқ имтиёзлари, солиқларни ҳисоблашни тўхтатиб туриш, кредит тўловларидан имтиёзлар бериш, уларни тўлаш муддатларини кечиктириш каби

молиявий қўллаб-қувватлашлар, шунингдек ташқи бозор конъюнктурасида олтин нархининг ижобий ўзгариши натижасида экспорт ҳажми кескин тушиб кетишининг олди олиниб, 2019 йилга нисбатан 11,1 фоизга пасайишда сақлаб қолиниши ва 15,5 млрд. АҚШ долларини ташкил этиши кутилмоқда. Натижада ташқи савдо баланси 4,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида манфий сальдога эга бўлиши кутилмоқда.

2020 йилда инфляция даражаси дастлабки прогнозлардан пастроқ бўлиб, 11,5 фоиздан ошмаслиги кутилмоқда. Пандемия шароитида ҳаракатчанлик даражасининг пасайиши ва уни рағбатлантириш учун аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш, талабни рағбатлантириш, пандемия оқибатларини юмшатиш учун кўрилаётган иқтисодий чоралар, шунингдек кўп зарар кўрган тармоқларни қўллаб-қувватлаш учун банклар томонидан ажратилган кредитлар ҳажмининг ва бюджет харажатларининг ўсиши каби омиллар таъсир қилди.

1.3. 2021-2023 йилларда макроиқтисодий кўрсаткичларга таъсир этувчи ички ва ташқи омиллар

Иқтисодиётнинг прогнози пандемия таъсири натижасида мавҳумликлардан холи эмас. Прогноз 2020 йил иккинчи чорагида иқтисодиётнинг қисқариш даражаси ва унинг 2021 йилга таъсири, шунингдек салбий шокларнинг даражаси ва давомийлигига боғлиқ. Булар, ўз навбатида, **бир нечта ноаниқ омилларга боғлиқ, шу жумладан:**

• пандемия ва талаб этилган карантин чораларининг давомийлиги;

• пандемия таъсирида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш харажатларининг кескин ошиб кетиши ва натижада харажатларни молиялаштириш муаммолари юзага келиши;

• харажатларга таъсир кўрсатадиган ижтимоий масофани сақлаш лозимлиги;

• ишдан бўшатилган ишчиларнинг турли секторларда бандликни таъминлаш имкониятлари, шунингдек меҳнат бозоридаги босим;

• иш жойидаги хавфсизликни кучайтиришдаги ўзгаришларнинг таъсири, масалан, гигиена талаблари ва сменалар орасидаги дезинфекция ва тозалаш ишлари, ишлаб чиқариш линияларида ходимларнинг ижтимоий масофа сақлаш билан боғлиқ қўшимча бизнес харажатларига олиб келади;

• глобал таъминот занжирини қайта тузиш билан боғлиқ бўлган ўзгаришлар ва буларнинг самарадорликга салбий таъсир кўлами *(яъни, логистика занжиридаги узилишлар, трансчегаравий талабларнинг кучайиши, санитария-эпидемиология талаблари кучайиши, қўшимча кутилмаган харажатлар ва логистика тизимидаги бошқа салбий босимлар)*;

• ташқи талаб заифлашган ҳамда молиявий танқисликдан келиб чиқадиган иккиламчи чегараларарo таъсирлар кўлами *(масалан, даромадларнинг кескин тушиши сабабли қўшни мамлакатлараро савдо ҳажмларининг камайиши)*;

• трансчегаравий пул ўтказмалари ҳажми тикланиш (бу, ўз навбатида, ички истеъмолни рағбатлантиради ва ялпи ички маҳсулотнинг *(якуний истеъмол улуши 70 фоиз атрофида)* ўсишига ижобий таъсир кўрсатади;

• Ўзбекистоннинг асосий савдо ҳамкор давлатларида иқтисодий фаолликнинг пасайиши, шунингдек энергия ташувчи ва бошқа хомашё ресурслари нархларининг пасайиши;

• асосий савдо ҳамкорлари миллий валюталари курси девальвацияси Ўзбекистон миллий валютаси, инвестиция муҳити, инфляция даражаси ва қайта молиялаштириш ставкасига салбий таъсири;

• жаҳон иқтисодиёти секинлашуви натижасида ташқи савдо дефицитига ҳамда бу, ўз навбатида, тўлов балансига салбий босимлари;

• пандемия ҳолатининг бартараф этилиши ёки давомий бўлиши ва иқтисодиёт тармоқларининг қайта тикланиш муддатлари;

• авиа ташувчилар ва туризм соҳасининг тикланиш муддатлари;

• асосий савдо ҳамкорларида иқтисодий фаолликни тиклаш чоралари кўрилиши.

Шу билан бирга, иқтисодиётни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

• инвестиция киритиш тартибини соддалаштириш, амалдаги қонунчиликни тартибга солиш, барча иқтисодиёт агентларига тенг шароитлар яратиш, шаффофликни ошириш;

• пандемия даврида:

- солиқ тўловларини кечиктириб тўлаш чораларини кўриш;

- кредит тўловларининг асосий қарзни қайтариш даврларини узайтириш;

• хорижий инвесторлар кўп жалб қилинадиган нефть-газ, тоғ-кон, машинасозлик ва тўқимачилик соҳаларидан ташқари, қишлоқ хўжалиги, молия ва банк сектори, қурилиш ҳамда телекоммуникация соҳаларига ҳам инвестицияларни жалб қилишни жадаллаштириш;

• ўрта муддатли истиқболда жалб қилинаётган ва қилинган давлат қарз маблағларини самарали лойиҳаларга йўналтириш;

барқарор тартибга солинган башорат қилиш имконини берувчи тариф сиёсатини ташкил этиш асосида инвестициявий муҳитни янада яхшилаш (бизнес вакиллари ишончини ошириш);

бюрократик тўсиқларни янада қисқартириш ҳамда давлат бошқаруви фаолиятига замонавий бошқарув тамойилларини жорий қилиш асосида маъмурий харажатларни пасайтириш;

узоқ муддатли жамғармалар ва кредитлаш сиёсатини янада такомиллаштириш бўйича янги тизимларни жорий этиш асосида инвестиция фолиятини молиялаштириш учун арзон манбалар ҳажмини ошириш;

жаҳон бозори конъюнктурасига мос инвестиция лойиҳаларни фаол амалга ошириш орқали меҳнат ресурсларига талабни ошириш, шу билан бирга меҳнат унумдорлигини ошириш орқали аҳоли даромадлари ўсишини таъминлаш (бунда, сунъий интеллект, иқтисодиётнинг турли соҳаларида самарали платформалардан фойдаланишни кенгайтириш, бандликни иш ҳақи паст ва меҳнатталаб секторлардан хизматларнинг иш ҳақи юқори соҳаларга йўналтириш).

Шу билан бирга, халқаро ҳамжамиятда Ўзбекистон иқтисодиётига катта қизиқиш билдирилиши билан бир қаторда, ўрта муддатли истиқболда ички ва ташқи муҳит ўзгариши билан боғлиқ айрим хатарлар мавжудлиги кўринмоқда:

геосиёсий кескинлашув, ОПЕК мамлакатлари томонидан олиб борилаётган чеклов чораларининг давом этиши, пандемия таъсирида ялпи талабнинг пасайиши сабабли жаҳон иқтисодиёти ўсишига салбий таъсирлар Ўзбекистон иқтисодиётини ўрта муддатли прогнозлаштиришда хавфлар бўлиши эҳтимолига олиб келади;

товар-хомашё ва молия бозорларида циклли ўзгаришларнинг давом этиши мамлакат экспорт имкониятларига салбий таъсир кўрсатиши ва хорижий капитал оқимига тўсқинлик қилиши мумкин;

мамлакатимиз савдо ҳамкорлари томонидан импорт маҳсулотларга талабнинг пасайиши, шу билан бирга халқаро савдо муносабатлари кескинлашуви мамлакатимизнинг жаҳон бозорига киришини чеклаши мумкин;

инсон капитали ва фойдаланилаётган технологияни ривожлантиришга, ишлаб чиқариш омиллари самарадорлигининг ўсишига қатъий талаб қўядиган глобал бозор рақобат муҳитининг кучайиши. Бу эса мутлақо янги ғояларни амалга ошириш, инновацияларни амалиётга жорий этиш ва юқори малакали кадрларни рағбатлантириш каби масалаларнинг долзарблигига олиб келади;

жадал суръатлар билан ўсаётган меҳнат ресурсларининг бандлигини таъминлаш, фаолияти тўхтаб қолган тармоқларда фаолият юритган меҳнат ресурсларини қайта малакалаш иқтисодиётдаги асосий масалалардан бири бўлиб, инвестиция ресурсларини жалб қилиш ва меҳнат сиғими юқори корхоналарни ташкил этиш учун қулай шароит яратишни талаб этади;

саноатлаштириш жараёнининг ўсиши, янги табиий хомашё конларининг ўзлаштирилиши ҳамда атроф-муҳит ва сув ресурсларидан ҳаддан ортиқ фойдаланилиши глобал экологик муаммоларни юзага келтириб, барқарор ривожланиш вазифалари ва мақсадларининг ўз вақтида амалга оширилишини талаб қилади.

1.4. Мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг 2021-2023 йиллар учун асосий йўналишлари

Жаҳон иқтисодиёти ривожланиши прогнози ва тенденциялари

Халқаро молия институтларининг ҳисоб-китоблари ва кутилмаларига кўра, пандемиядан кейинги даврда жаҳон иқтисодиётининг секинлик билан ўсиши прогноз қилинмоқда.

Хусусан, Жаҳон банкининг жорий йилнинг июнь ойидаги прогнозларига кўра, глобал иқтисодий ўсиш 2021 йилда 4,2 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда. Бунда иқтисодиёти ривожланган давлатлар 3,9 фоизга, ривожланаётган давлатлар 4,6 фоиз, Евро ҳудуд 4,5 фоиз, АҚШ 4 фоиз, Япония 2,5 фоиз, шунингдек Ўзбекистоннинг асосий ҳамкорлари Хитой 6,9 фоиз, Россия Федерацияси 2,7 фоиз, Қозоғистон 2,5 фоизга ўсиши прогноз қилинмоқда.

2-жадвал

2021 йилда Жаҳон банкининг баъзи мамлакатлар учун иқтисодий ўсиш прогнозлари

(фоизда)

Мамлакатлар	2020 йил январь ойидаги прогнози	2020 йил июнь ойидаги прогнози	Фарқи
Жаҳон иқтисодиёти	**2,6**	**4,2**	**1,6**
Ривожланган давлатлар	**1,5**	**3,9**	**2,4**
Ривожланаётган давлатлар	**4,3**	**4,6**	**0,3**
Евро ҳудуди	**1,3**	**4,5**	**3,2**
АҚШ	1,7	4,0	2,3
Япония	0,6	2,5	1,9
Хитой	5,8	6,9	1,1
Ҳиндистон	6,1	3,1	-3,0
Россия	1,8	2,7	0,9
Қозоғистон	3,9	2,5	-1,4
Беларусь	0,5	1,0	0,5
Бразилия	2,5	2,2	-0,3
Туркия	4,0	5,0	1,0
Ўзбекистон	6,6	6,0	0,6

Манба: Жаҳон банки маълумотлари

Халқаро валюта жамғармасининг жорий йилнинг октябрь ойидаги прогнозига

кўра дунё иқтисодиёти 2020 йилдаги пандемия таъсирида кескин тушгандан сўнг 2021 йилда 5,2 фоизга, ривожланган давлатлар 3,9 фоиз, ривожланаётган давлатлар 6,0 фоизга ўсиши айтилган бўлса, Ўзбекистоннинг асосий ҳамкорлари саналган Россия Федерацияси иқтисодиёти 2,8 фоизга, Хитой 8,2 фоиз, Қозоғистон 3 фоиз, Евро ҳудуд 5,2 фоизга ўсиши кутилмоқда. Шу билан бирга, Ўзбекистон иқтисодиёти ушбу даврда 5 фоизга ўсиши прогноз қилинган.

1-расм

Жаҳон иқтисодиёти ва Ўзбекистон Республикасининг асосий савдо ҳамкорлари ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши (фоизда)



Манба: IMF, World Economic Outlook (June and October 2020).

Халқаро валюта жамғармасининг жорий йилнинг июнь ойидаги прогнозга кўра 2021 йилда жаҳон иқтисодий ўсиши кўп омилларга боғлиқ. Хусусан:

кейинги йилда истеъмол ва инвестициялар секинлик билан мустаҳкамланади, бироқ заифлигича қолади;

2021 йил якунига қадар иқтисодиёти ривожланган ва ривожланаётган мамлакатларнинг йирик Марказий банклари ўз фаолиятининг молиявий шароитларини жорий ҳолатда сақлаб қолиши;


ёқилғи маҳсулотлари нархлари бўйича тахминлар 2020 йил апрелдаги жаҳон иқтисодий прогнозидаги нархларга нисбатан деярли ўзгармайди (2021 йилда 37,50 АҚШ доллари). Ёқилғи бўлмаган товарлар нархлари 2020 йилнинг апрель ойидаги тахминларга нисбатан тезроқ кўтарилиши;

гарчи баъзи соҳаларда фаолият қайта тикланаётганлиги ҳақида маълумотлар бўлсада, чакана савдо, дам олиш, транзит бекатлари хизмати ва иш жойларида фаоллик аксарият мамлакатларда анча паст бўлиб қолиши;

турғунлик даврида истеъмолчилар ижтимоий муҳофазага таянган ҳолда истеъмол харажатларини қисқартириб омонатга йўналтириши ва натижада истеъмол ва хизматлар ишлаб чиқарилиши сезиларли даражада пасайиши ва бошқалар.

2-расм

Ўтган охирги 12 йилда табиий газ ва миснинг жаҳон нархлари ўзгариши тенденцияси



Манба: Henry Hub natural gas prices (https://tradingeconomics.com/commodity/natural-gas)
COMEX copper prices (https://www.macrotrends.net/1476/copper-prices-historical-chart-data)
Изоҳ: 2020 йил нархлари 8 ой учун ўртача кўрсатилган.

2021-2023 йилларда ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг мақсадлари ва устувор йўналишлари

2017-2021 йиллар учун қабул қилинган Ҳаракатлар стратегиясидан, шу билан бирга амалга оширилаётган давлат дастурлари ва қабул қилинган ҳукумат қарорларидан келиб чиққан ҳолда 2021-2023 йилларда қуйидагилар иқтисодий сиёсатнинг устувор вазифалари бўлиб қолади:

а) мамлакат аҳолисининг турмуш даражасини оширишга хизмат қиладиган макроиқтисодий барқарорлик ва барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш;

б) реал сектор тармоқларининг жадал ўсишини, янги иш ўринлари яратилишини, аҳоли бандлиги ва даромадларининг ўсишини таъминлайдиган қулай бизнес муҳитини яратиш;

в) инвестиция муҳитини янада яхшилаш, мамлакат иқтисодиёти тармоқлари ва ҳудудларига хорижий, энг аввало, тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш;

г) давлат мулкини хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш;

д) аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича фаол сиёсат олиб бориш.

Миллий прогнозларга кўра, устувор вазифаларни амалга оширишни ҳисобга олган ҳолда, 2021 йилда ялпи ички махсулот ўсиш суръатини 5,1 фоизга етказиш ва унинг ижобий динамикасини кейинги йилларда ҳам давом эттириш прогноз қилинмоқда (2022 йилда 5,8 фоиз, 2023 йилда 5,4 фоиз).

2021 йилда ялпи ички маҳсулот ўсишининг асосий омиллари бўлиб қуйидагилар ҳисобланади:

саноат ишлаб чиқариш ҳажмини 5,8 фоизга, қурилишни 6,5 фоизга, қишлоқ хўжалигини 2,7 фоизга, хизматларни 6,4 фоизга, чакана савдо айланмасини 5,6 фоизга, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ва кредитлар 17,9 фоизга, товарлар ва хизматлар экспортини 8,4 фоизга, ички ишлаб чиқарувчиларни хомашё ва асосий воситалар билан таъминлаш мақсадида импортни 8,6 фоизга оширган ҳолда бажариш, бунда ташқи савдо айланмасининг 8,1 фоизга ошиши кутилмоқда.

2021 йилда инфляция даражаси 9-10 фоиз атрофида бўлиши прогноз қилинмоқда. Шу билан бирга, 2023 йилгача босқичма-босқич инфляция даражасини битта рақамли даражагача пасайтириш кўзда тутилмоқда. Бу, ўз навбатида, монетар ва фискал сиёсатни қатъийлаштиришни тақозо этади. Хусусан, фоиз ставкаларини либераллаштириш, кредитлар ҳажмининг талабдан келиб чиққан ҳолда кескин ўсишини олдини олиш, умумий фискал тақчилликни 2023 йилга келиб ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,9 фоизгача пасайтириш лозим бўлади.

3-жадвал

Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози

№	Кўрсаткичлар	2021 йил	2022 йил	2023 йил
1.	**Ялпи ички маҳсулот, млрд. сўм**	**688 936**	**843 191**	**985 377**
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	*105,1*	*105,8*	*105,4*
	ялпи ички маҳсулот дефлятори, фоизда	*111,1*	*115,7*	*110,9*
	Ялпи ички маҳсулот, млн. АҚШ долл.	**63 205**	**70 976**	**79 115**
	аҳоли жон бошига ялпи ички маҳсулот, **АҚШ долл.**	1 805	1 985	2 160
1.1.	**Саноат, млрд. сўм**	**176 423**	**222 145**	**271 406**
	ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда	*28,1*	*28,9*	*30,2*
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	*105,8*	*107,6*	*106,0*
1.2.	**Қурилиш, млрд. сўм**	**44 785**	**57 411**	**68 623**
	ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда	*7,1*	*7,5*	*7,6*
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	*106,5*	*107,2*	*109,1*
1.3.	**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжаликлари, млрд. сўм**	**183 477**	**218 348**	**250 279**
	ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда	*29,3*	*28,4*	*27,9*
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	*102,7*	*103,4*	*103,6*
1.4.	**Хизматлар, млрд. сўм**	**222 572**	**270 223**	**307 846**
	ялпи ички маҳсулотдаги улуши, фоизда	*35,5*	*35,2*	*34,3*
	ўтган йилга нисбатан, фоизда	*106,4*	*106,2*	*105,7*

Манба: Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги.

2021-2023 йилларда иқтисодий ўсишнинг прогноз кўрсаткичларини ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлашда, пул-кредит сиёсати ва банк соҳасини ислоҳ қилишнинг асосий йўналишлари бўлиб қуйидагилар белгиланди:

2020-2021 йилларда ташқи талабнинг қисқариши ва глобал иқтисодий фаолликнинг секинлашуви шароитида иқтисодиётдаги ялпи талабни рағбатлантиришга қаратилган макроиқтисодий сиёсатни юритиш;

бюджет тушумлари тўлиқлигини таъминлаш, иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия ва нафақаларни ўз вақтида ва тўлиқ молиялаштириш ҳамда аҳолининг камбағал қатламини қўллаб-қувватлаш;

макроиқтисодий барқарорликни, шу жумладан банк тизимининг молиявий соғломлигини таъминлашга ва инфляцияни жиловлашга қаратилган монетар ва макропруденциал сиёсатни қатъиян давом эттириш;

таркибий ўзгартиришларни изчил давом эттириш, хусусан қишлоқ хўжалиги, транспорт, энергетика, таълим ва соғлиқни сақлаш соҳаларида ислоҳотларни чуқурлаштириш, ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш;

давлат корхоналарини ислоҳ қилиш, жумладан рақобатни рағбатлантириш ва монополияларни кескин қисқартириш, хусусийлаштириш жараёнларини жадаллаштириш орқали иқтисодиётда умумий самарадорликни ошириш;

мамлакатнинг ташқи иқдисодий позициясини яхшилаш ва мутаносиблигини таъминлаш, хусусан давлат ташқи қарзи ҳажмининг ўсиш суръатларини секинлаштириш ва тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳамда экспорт ҳажмини кенгайтириш.

2021 йилда ликвидликни қўллаб-қувватлаш ҳамда пул-кредит, фискал чоралар бўйича Халқаро валюта жамғармасининг тавсиялари:

- соғлиқни сақлаш тизимини барча босқичларида зарурий ресурслар билан таъминлаш;

- нақд пул кўринишидаги трансфертлар, иш ҳақига субсидиялар, ижтимоий тўловларни кенгайтириш орқали пандемия назоратда бўлмаган ҳудудларда юқори иқтисодий зарарларни олдини олиш;

- мамлакатда қайта тикланган ҳудудларда фаоллик кўтарилгандан сўнг аста-секинлик билан карантин чораларини юмшатиши, қайта тақсимлаш сиёсатини осонлаштириш;

- шокни кучайишини чеклаш:

- давлат қарзларини сўндириш, давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича тўлов муддатларини кечиктириш, суддан ташқари қарорлар қабул қилишни самарали усулларини жорий этиш орқали фаолият юритиб келаётган ва ҳали ҳам молиявий ҳолати нобарқарор бўлган тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш;

- қайта тақсимлашга имкон берадиган тармоқларни қайта тайёрлаш ва қайта ишга тушириш;

- кредит таъминотини қўллаб-қувватлаш учун банклар капитал ва ликвидлик буферларидан фойдаланиш;

- инфляция кутилмалари барқарор бўлганда мослашувчан пул-кредит сиёсатини қўллаб-қувватлаш.

Фискал чекловлар мавжуд давлатларда инқирозни молиялаштириш талабини қондириш имкониятларини яратиш устувор вазифа бўлиши зарур.

- соғлиқни сақлаш ва таълим тизими, камбағалларнинг даромадларини қўллаб-қувватлаш харажатларига устувор эътибор қаратиш;

- самарадорлиги паст бўлган харажатлар ва субсидияларни қасқартириш;

- давлат қарзига хизмат кўрсатиш харажатларини қисқартириш мақсадида имкон қадар давлат қарзларини сўндириш муддатларини узайтириш ва паст фоиз ставкаларидан фойдаланиш;

- даромадни ошириш чораларини кўриш: тадбиркорлик субьектлари даромадларидан келиб чиқиб солиқ тўлаш имконини берувчи прогрессив солиқларни ошириш, корпоратив солиқларга тузатишлар киритиш.

Ўрта ва узоқ муддатга мўлжалланган тавсиялар

- Давлат қарз мажбуриятларини ҳаддан ташқари ошиб кетишини олдини олиш:

- зарур ҳолларда капитализация қилиш, реструктуризация қилиш ёки фаолият юритиши имконсиз фирмаларнинг фаолиятини тўхтатиш;
- ривожланиш истиқболларини қўллаб-қувватловчи ва фискал хатарларни бошқариш имконини берувчи ўрта муддатли ҳақиқатга яқин фискал стратегияни қабул қилиш. Бунда, эҳтимол суверен қарзни тартибли реструктуризация қилиш талаб этилиши мумкин.
- Давлат қарзи шаффофлигини ошириш.

- ишлаб чиқариш унумдорлиги пасайишини ва таклифнинг заифлашувини бартараф этиш. Меҳнат бозоридаги номутаносибликларни бартараф этиш, берилган солиқ преференциялари натижасида айрим субъектларнинг ички бозорда мавқеининг ошиб кетишини олдини олиш;
- иқтисодий ўсишнинг янги имкониятларини қўллаб-қувватлаш;

- меҳнат унумдорлигини ошириш ва рақамлаштиришдаги қолоқликни олдини олиш мақсадида рақамлаштиришга инвестицияларни ошириш;
- инқироз билан боғлиқ инсон капитали имкониятларининг тушиб кетишини олдини олиш;
- молиявий тизим самарадорлигини ошириш.

- банклар буферларини босқисма-босқич тиклаш ва муаммоли активларни камайтириш;
- соғлиқни сақлаш ва таълим тизимидаги муаммоларни бартараф этиш, ижтимоий ҳимоя тизимини барқарорлаштириш ҳамда даромадларни прогрессив солиққа тортиш.

II. Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг 2020 йилда кутилаётган ижроси

2.1. Давлат бюджети даромадларининг 2020 йилда кутилаётган ижроси

2020 йилда Давлат бюджети даромадлари прогноз кўрсаткичлари **128,5 трлн. сўм** бўлиб, ҳақиқатдаги ижроси **129,6 трлн. сўм** бўлиши кутилмоқда. Жумладан, Давлат солиқ қўмитаси бўйича **101,6 трлн. сўм** даромадлар шакллантирилади, Давлат божхона қўмитаси бўйича эса **24,4 трлн. сўм** маблағ ундирилади.

Жорий йилда солиқ-божхона сиёсатини такомиллаштириш юзасидан амалга оширилган тадбирларнинг энг асосийси, бу – янги таҳрирдаги Солиқ кодексининг амалга киритилиши бўлди. Шу тадбир доирасида бюджет даромадлари базасини мустаҳкамлаш ҳамда солиқ солишнинг адолатлилик тамойилини таъминлаш мақсадида қуйидаги асосий тадбирлар амалга оширилди:

1) Қуйидаги солиқларнинг **ставкалари ўзгартирилди:**

а) фойда солиғининг ставкаси 12 фоиздан 15 фоизгача оширилди;

б) давлат корхоналари учун ижтимоий солиқ ставкаси 25 фоиздан 12 фоизгача камайтирилди;

в) ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқнинг қатъий белгиланган миқдордаги ставкалари ҳамда ер қаъридан фойдаланганлик учун мутлақ миқдорларда белгиланган солиқ ставкалар 15 фоизга индексация қилинди;

г) акциз солиғининг қатъий белгиланган миқдорларда белгиланган ставкалари йил давомида 7-23 фоиз миқдорларида индексация қилиниши кўзда тутилган.

2) Қуйидаги солиқларнинг ставкалари эса **ўзгаришсиз қолдирилди**:

– қўшилган қиймат солиғи ставкаси – 15 фоиз;

– жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи ставкаси – 12 фоиз;

– айланмадан олинадиган солиқнинг базавий ставкаси – 4 фоиз;

– дивидендлар кўринишидаги даромадлардан олинадиган солиқ ставкаси – 5 фоиз;

– юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси – 2 фоиз;

– жисмоний шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқ ставкаси – 0,2 фоиз. Жисмоний шахсларга солиқ юкининг кескин ўсишига йўл қўймаслик мақсадида, жисмоний шахслар мулкига кадастр қиймати асосида белгиланган мол-мулк солиғи суммаси 2019 йилда ҳисобланган солиқ суммасининг 1,3 баробаридан ортиқ оширилмаслиги белгилаб қўйилди.


3) Қуйидаги тоифадаги солиқ тўловчилар учун **алоҳида солиқ солиш режимлари бекор қилинди** ва улар учун йиллик оборотига кўра солиқ солиш шартлари жорий қилинди:

– қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирувчилар учун ягона ер солиғи бекор қилинди;

– бозорлар ва савдо комплекслари даромадларининг 50 фоизи миқдорида маҳаллий бюджетларга ажратма қилиш тартиби бекор қилинди.

3-расм

2020 йил учун солиқ ставкалари



Шу билан бирга, 2020 йилда жаҳонда коронавирус пандемиясининг тарқалиши туфайли карантин чекловларининг киритилиши натижасида, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш мақсадида, Давлат бюджети даромадларини йўқотишига олиб келувчи қатор чоралар кўрилди, хусусан:

✓ кичик тадбиркорлик субъектлари учун мол-мулк солиғи ва ер солиғидан имтиёзлар берилди;

✓ 20 турдаги товарлар импорти учун акциз солиғи ва божхона божи бекор қилинди;

✓ давлат активлари учун ижара тўловлари бекор қилинди;

✓ мулкини ижарага берган жисмоний шахслар учун даромад солиғи бекор қилинди;

✓ солиқ қарзларини ундириш инкассо топшириқномалари вақтинчалик тўхтатилди;

✓ импорт қилувчилар учун қўшилган қиймат солиғи ва божхона божини тўлашни кечиктириш ҳуқуқи берилди;

✓ солиқ қарзларини ундириш бўйича қўйилган инкассо топшириқномалари ижроси вақтинча тўхтатиб турилди ва шу каби қатор енгилликлар тақдим этилди.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, шунингдек бошқа омиллар ҳисобига 2020 йилда Давлат бюджети даромадларининг кутилаётган ижроси қуйидагича бўлиши кўзда тутилмоқда.

Жаҳон бозоридаги олтиннинг нархи юқорилиги, пандемия шароитида Давлат бюджети даромадлари йўқотишини қоплаш юзасидан олиб борилган чоралар натижасида прогноз кўрсаткичлари фойда солиғи бўйича **4,7 трлн. сўмга** (+21,4 фоиз), божхона божи **335 млрд. сўмга** (+12,3 фоиз), ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ **833 млрд. сўмга** (+5,3 фоиз), сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ **3,9 млрд. сўмга** (+1,1 фоиз) ва бошқа даромадлар (жумладан, давлат улушига ҳисобланган дивидендлар) бўйича **8,3 трлн. сўм** (+94,0 фоиз) ортиғи билан бажарилиши тахмин қилинмоқда.

4-жадвал

2020 йилда Давлат бюджети даромадлари прогнози ва кутилаётган ижроси

(млрд. сўм)

№	Даромад турлари	Прогноз	Ижро	%	Фарқи
	ЖАМИ	**128 460,0**	**129 574,9**	**100,9**	**1 114,9**
I.	**Бевосита солиқлар**	**40 584,6**	**42 908,3**	**105,7**	**2 323,7**
1.1	Фойда солиғи	22 058,7	26 786,0	121,4	4 727,3
1.2	Айланмадан олинадиган солиқ	2 458,1	1 301,4	52,9	-1 156,7
1.3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	16 067,8	14 820,8	92,2	-1 247,0
II.	**Билвосита солиқлар**	**58 285,0**	**48 364,2**	**83,0**	**-9 920,8**
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	44 199,4	33 918,8	76,7	-10 280,6
2.2	Акциз солиғи	11 373,6	11 398,8	100,2	25,2
2.3	Божхона божи	2 712,0	3 046,6	112,3	334,6
III.	**Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи**	**20 796,0**	**21 245,7**	**102,2**	**449,7**
3.1	Мол-мулк солиғи	2 369,6	2 167,0	91,4	-202,6
3.2	Ер солиғи	2 474,4	2 290,1	92,6	-184,3
3.3	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	15 606,4	16 439,2	105,3	832,8
3.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	345,6	349,5	101,1	3,9
IV.	**Бошқа даромадлар**	**8 794,4**	**17 056,7**	**194,0**	**8 262,3**

2020 йилда Давлат бюджетининг даромадлари 2019 йилга нисбатан **17,4 трлн. сўмга** (+15,5 фоиз), жумладан бевосита солиқлар **11,3 трлн. сўмга** (+35,7 фоиз), билвосита солиқлар **1,9 трлн. сўмга** (+4,2 фоиз), ресурс солиқлари

1,6 трлн. сўмга (+8,0 фоиз) ва бошқа даромадлар **2,7 трлн. сўмга** (+18,6 фоиз) ошади.

2019 йилга нисбатан айланмадан олинадиган солиқ иқтисодий фаолликнинг пасайиши ҳисобига **687 млрд. сўмга** (-34,6 фоиз), имтиёз берилиши ҳисобига мол-мулк солиғи **193 млрд. сўмга** (-8,2 фоиз) камайиши кутилмоқда. Тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари учун қатъий белгиланган солиқ эса 2020 йилдан жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи таркибига киритиб юборилди.

5-жадвал


2019-2020 йилларда Давлат бюджети даромадлари

(млрд. сўм)

№	Кўрсаткичлар	2019 йил	2020 йил (кутилаётган)	%	Фарқ
	ЖАМИ	**112 165,4**	**129 574,9**	**115,5**	**17 409,5**
I.	**Бевосита солиқлар**	**31 676,8**	**42 908,3**	**135,5**	**11 231,5**
1.1	Фойда солиғи	16 360,6	26 786,0	163,7	10 425,4
1.2	Айланмадан олинадиган солиқ	1 988,7	1 301,4	65,4	-687,3
1.3	Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	13 327,4	14 820,8	111,2	1 493,4
II.	**Билвосита солиқлар**	**46 428,6**	**48 364,2**	**104,2**	**1 935,6**
2.1	Қўшилган қиймат солиғи	33 809,8	33 918,8	100,3	109,0
2.2	Акциз солиғи	10 316,0	11 398,8	110,5	1 082,8
2.3	Божхона божи	2 302,7	3 046,6	132,3	743,9
III.	**Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи**	**19 680,7**	**21 245,7**	**108,0**	**1 565,0**
3.1	Мол-мулк солиғи	2 360,2	2 167,0	91,8	-193,2
3.2	Ер солиғи	2 313,2	2 290,1	99,0	-23,1
3.3	Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	14 692,8	16 439,2	111,9	1 746,4
3.4	Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	314,5	349,5	111,1	35,0
IV.	**Бошқа даромадлар**	**14 379,3**	**17 056,7**	**118,6**	**2 677,4**

4-расм

2020 йилда Давлат бюджети даромадлари таркиби қуйидагича ўзгарди
(*жами даромаддаги улуши)*



Солиқ ставкаларининг ўзгариши ва бошқа омиллар шароитида бевосита солиқлар улуши 28,2 фоиздан 33,1 фоизгача, бошқа даромадлар салмоғи эса 12,8 фоиздан 13,2 фоизгача ошаётган бўлса, билвосита солиқлар улуши 41,4 фоиздан 37,3 фоизгача, ресурс солиқларининг улуши эса 17,5 фоиздан 16,4 фоизгача камаяди – кескин ўзгариш кузатилмайди.

Бевосита солиқлардан 2020 йилда **42,9 трлн. сўм** (Давлат бюджети даромадларидаги улуши 33,1 фоиз), шу жумладан: фойда солиғи – 26,7 трлн. сўм (20,7 фоиз), айланмадан олинадиган солиқ – 1,3 трлн. сўм (1 фоиз), жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – 14,8 трлн. сўм (11,4 фоиз) миқдорида кутилмоқда.

Фойда солиғи бўйича кутилаётган тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 10,4 трлн. сўмга (+64 фоиз) кўп бўлади. Тушумларнинг ўсиши асосан:

фойда солиғининг базавий ставкаси 12 фоиздан 15 фоизгача оширилиши;

фойда солиғи тўловчиларининг сони ошиши;

тоғ-кон саноати корхоналарини, шунингдек бозор ва савдо комплексларини солиққа тортиш тартиби ўзгариши;

давлат улушига ҳисобланган дивидендлар тушуми кескин ўсиши ҳисобига – дивидендлар кўринишидаги даромадлардан олинадиган солиқ тушумларининг ошиши;

олтиннинг жаҳон бозоридаги нархининг ошиши ҳисобига таъминланади.

Хусусан, жорий йилнинг январь-сентябрь ойларида фойда солиғи бўйича умумий тушумнинг 67 фоизи айнан тоғ-кон саноати корхоналари ҳиссасига тўғри келди.

Шу билан бирга, пандемиянинг салбий таъсирини юмшатиш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли фармонларига асосан тадбиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлаш бўйича кўрилган чора-тадбирлар доирасида айрим солиқ тўловчиларга фойда солиғи базасини камайтириш бўйича имтиёзлар тақдим қилинди.

Айланмадан олинадиган солиқ бўйича кутилаётган тушумлар 1,3 трлн. сўмни ёки ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 687 млрд. сўмга камайиши кузатилади.

Даромадлар тушуми камайишининг асосий сабабларидан бири бўлиб, коронавирус пандемияси шароитида хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий фаолиятига берилган қатор имтиёзлар, солиқ тўловларини фоизсиз кечиктириш ёки бўлиб-бўлиб тўлаш имконияти берилганлиги бўлди.

Жорий йилда **жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи** бўйича тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 2,1 трлн. сўмга кўпайиб (2019 йилдаги тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари учун қатъий белгиланган солиқни қўшган ҳолда), 14,8 трлн. сўмни ташкил этади ва бу қуйидаги омиллар таъсири остида шаклланади:

5-расм

2020 йилда жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумларига таъсир қилувчи омиллар

Тушумларнинг ўсишига сабаб бўлувчи омиллар	**Тушумларнинг камайишига сабаб бўлувчи омиллар**
«+» Корхоналарда меҳнатга ҳақ тўлаш фондининг ўсиши ва энг кам иш ҳақининг 5,6 фоизга ошиши	«–» Бюджетда кўзда тутилган иш ҳақи индексациясининг амалга оширилмаганлиги
«+» 2020 йилда солиққа тортилмайдиган моддий ёрдам суммаси меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорининг 4,22 бараваридан 7,5 бараваригача оширилиши	«–» Бюджет ташкилотларида иш ҳақига устамалар берилишининг вақтинчалик тўхтатилганлиги
«+» Кичик тадбиркорлик субъектлари ва иқтисодиётнинг айрим тармоқлари учун ижтимоий солиқ ставкасини 12 фоиздан 1 фоизгача камайтирилиши	«–» Айрим тармоқларда иш ҳажмининг камайганлиги натижасида меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасининг камайиши

Даромадлар асосий таркибини **билвосита солиқлар** ташкил қилиб, **48,4 трлн. сўм**ни ёки Давлат бюджети умумий даромадларининг 37,3 фоизини ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 8,2 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда (2019 йилда 46,4 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 9,1 фоизни ташкил қилган).

Қўшилган қиймат солиғи бўйича тушумлар 44,2 трлн. сўм миқдорида прогноз қилинган эди. Лекин пандемия даврида карантин чоралари кўрилиши натижасида иқтисодий ўсиш кузатилмаганлиги сабабли, ушбу солиқ туридан тушумлар 33,9 трлн. сўмни ташкил қилиши кутилмоқда.

2020 йил 1 январдан қўшилган қиймат солиғини ҳисоблаб чиқиш ва тўлашнинг соддалаштирилган тартиби бекор қилинди. Натижада қўшилган қиймат солиғининг соддалаштирилган тартибида бўлган 3 456 та хўжалик юритувчи субъектлар умумбелгиланган солиқ тўлаш тартибига ўтказилди.

2019 йил якуни бўйича 91 084 та қўшилган қиймат солиғи тўловчилари рўйхатдан ўтган бўлса, 2020 йилнинг 1 сентябрь ҳолатига келиб уларнинг сони 104 182 тани ташкил этиб, йил бошига нисбатан 13 098 тага кўпайган.

Жорий йилнинг 1 июлидан бошлаб, қўшилган қиймат солиғи бўйича ҳисобга олинадиган суммасининг ҳисобланган суммасидан ошиб кетган қисми, фақат “ноль даражали” солиқ ставкасини қўллайдиганлар учун эмас, балки барча тоифадаги солиқ тўловчиларга қайтариладиган тартиб жорий қилинди.

Натижада жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари давомида қўшилган қиймат солиғи тўловчиларига 4,5 трлн. сўм, хусусан 1-ярим йилликда 1,6 трлн. сўм, июль ойида 577 млрд. сўм, август ойида эса 779 млрд. сўм, сентябрь ойида эса 1,5 трлн. сўм қайтарилди. Йил охиригача 7,5 трлн. сўм атрофида қўшилган қиймат солиғи суммаси қайтарилиши кутилмоқда. Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра эса солиқ бўйича 3,4 трлн. сўм миқдорида қайтариш прогноз қилинган эди.

Акциз солиғи бўйича кутилаётган тушумлар **11,4 трлн. сўм** ёки Давлат бюджети даромадларининг 8,8 фоизи миқдорида, ўтган йилга нисбатан 10 фоизга ёки 1,1 трлн. сўмга кўпайиши кутилмоқда.

Акциз солиғи бўйича тушумларнинг ўсиши асосан 2019 йил 1 октябрдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғи ставкасининг 20 фоиздан 15 фоизгача камайтирилиши билан боғлиқ равишда, полиэтилен гранулалари учун акциз солиғи ставкалари 25 фоиздан 30 фоизга, мобил алоқа хизматини кўрсатганлик учун 15 фоиздан 20 фоизга, табиий газ учун 15 фоиздан 20 фоизга оширилганлиги сабаб бўлди.

2020 йил учун солиқ сиёсати концепциясида алкоголь ва тамаки маҳсулотлари ҳамда якуний истеъмолчига бензин, дизель ёқилғиси ва газни реализация қилишдан акциз солиғи ставкалари 2 босқичда индексация қилиниши кўзда тутилган эди, лекин коронавирус пандемияси шароитида истеъмолчиларга оғирлик туширмаслик мақсадида, акциз солиғи ставкалари индексация қилинмади. Натижада бюджет йўқотишлари 530 млрд. сўм атрофида кутилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 3 июндаги “Ташқи иқтисодий фаолиятни янада тартибга солиш ва автотранспорт воситаларининг ички бозорини ривожлантиришни рағбатлантиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-4739-сон қарорига мувофиқ, 2020 йил 1 августдан бошлаб, 8701, 8702, 8703 ва 8704 ТИФ ТН кодлар бўйича транспорт воситаларини олиб киришда амалда бўлган акциз солиғи ставкалари бекор қилинди.

Алкоголь маҳсулотлари *(пиво билан бирга)* бўйича кутилаётган тушумлар 1,6 трлн. сўмни ташкил қилиб, тушумлар 2019 йил даражасида сақланиб қолинади. Сигарет учун акциз солиғи бўйича 2019 йилда 1,4 трлн. сўм солиқ тушумлари тушган бўлса, жорий йилда 1,6 трлн. сўм тушиши кутилмоқда (+18 фоиз).

Божхона божлари бўйича йил якунига қадар кутилаётган маблағ **3,0 трлн. сўм**, ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 744 млрд. сўмга (+32,3 фоиз) ўсиши кутилмоқда. Бу асосан 2020 йил 1 январдан бошлаб 11 293 та товар позицияси бўйича **божхона божлари ставкаси**нинг ўртача арифметик қиймати **5,6 фоиздан 8,0 фоизгача** оширилиши ҳисобига амалга оширилади.

Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича тушумлар **21,2 трлн. сўм** ёки Давлат бюджети даромадларининг **16,4 фоизи** миқдорида бўлиши кутилмоқда.

Ресурс солиқларининг асосий қисми **ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ**қа тўғри келади. 2020 йил якунларига кўра ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумлари 2019 йилга нисбатан 1,7 трлн. сўмга ўсиб, **16,4 трлн. сўм**ни ташкил этади.

Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ тушумларининг ўсиши асосан:

- қимматбаҳо металлар бозорида олтиннинг нархи 2019 йилга нисбатан ўсиши;
- мутлақ миқдорларда белгиланган солиқ ставкаларининг 15 фоизга индексация қилиниши ва фойдали қазилмаларнинг айрим турлари учун, қатъий белгиланган миқдорлардан кам бўлмаган миқдорда тўлашни кўзда тутувчи ставкалардан келиб чиқиб тўлаш жорий қилиниши ҳисобига юз беради.

Жорий йилда мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича тушумлар ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 181 млрд. сўмга камайиб, 4,8 трлн. сўмни ташкил этади.

Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича тушумлар:

- ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг (1,15 бараварга) индексация қилиниши ҳисобига;
- 2020 йил 1 январдан бошлаб алкоголь маҳсулотлари (пиво ва винодан ташқари) ишлаб чиқарувчи корхоналар учун, ишлаб чиқаришга фойдаланиладиган сув ҳажми бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаларининг оширилиши ҳисобига;
- 2020 йил 1 январдан бошлаб мол-мулк солиғи, тўлиқ амортизацияланган бинолarни, унинг қайта баҳоланган (бозор) қиймати асосида солиққа тортиш жорий қилиниши натижасида;
- жорий йилнинг 1 апрелидан бошлаб солиққа тортиладиган объектлар рўйхатининг кенгайтирилиши ҳисобига таъминланади.

Умуман олганда, 2020 йил январь-сентябрь ойлари тушумлари асосида қилинган ҳисоб-китобларга кўра, жорий йил якунлари бўйича Давлат бюджети даромадлари **129,6 трлн. сўм**ни ёки Ўзбекистон Республикасининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонунида кўзда тутилган прогнозга нисбатан 1,1 трлн. сўмга ортиқча бажарилиши кутилмоқда.

2.2. Давлат бюджети харажатларининг 2020 йилда кутилаётган ижроси

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети харажатлари параметрларининг 2020 йилда кутилаётган ижроси (Инқирозга қарши курашиш жамғармаси харажатларини ҳам инобатга олган ҳолда) **149,3 трлн. сўмни** ёки тасдиқланган параметрларга нисбатан **18,2 трлн. сўм**га ошган ҳолда ялпи ички маҳсулотнинг 25,3 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

Харажатларнинг тасдиқланган режага нисбатан ошиши асосан 2020 йилда COVID-19 пандемиясининг республикамиз бўйича тарқалишини олдини олиш тадбирларига, Бухоро вилоятида юз берган табиий офат ва Сардоба сув омборида юзага келган фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш учун ҳамда йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорлари билан қабул қилинган муҳим ижтимоий-иқтисодий тадбирларга қўшимча маблағлар ажратилиши билан асосланади.

7-расм



Шу билан бирга, Давлат бюджети тақчиллиги кескин ошиб кетмаслиги учун 7,8 трлн. сўм харажатлар мақбуллаштирилди. Бундан асосий мақсад коронавирус пандемияси оқибатларига қарши курашиш тадбирларига маблағлар йўналтириш учун захира яратишдан иборат.

I. Давлат бюджетининг соҳалар кесимида 2020 йилги харажатларининг кутилаётган ижроси

Таълим.

2020 йилда Давлат бюджетининг жами **таълим соҳаси харажатлари 31,2 трлн. сўм** миқдорида ёки Давлат бюджети жами харажатларининг


15,8 фоизини ёки тасдиқланган параметрларга нисбатан ўсиш 4,2 фоизни ташкил қилиши кутилмоқда. Шундан:

мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришга Давлат бюджетидан **5,5 трлн. сўм** ёки тасдиқланган параметрларга нисбатан 7,2 фоиз кўп маблағ йўналтириш кутилмоқда;

умумий ўрта таълим харажатлари 22,2 трлн. сўмни ёки тасдиқланган параметрга нисбатан 7 фоизга ошган ҳолда Давлат бюджети жами харажатларининг салкам 14,9 фоизини йўналтириш кутилмоқда;

ўрта-махсус ва олий таълим харажатлари 3,5 трлн. сўмни ёки тасдиқланган параметрга нисбатан 14 фоизга кам ижро этилиши кутилмоқда.

8-расм



Соғлиқни сақлаш.

2020 йилда соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари 19,3 трлн. сўмни ёки тасдиқланган параметрларга нисбатан 36 фоизга ошган ҳолда жами харажатларнинг 12,9 фоизини, ялпи ички маҳсулотнинг эса 3,3 фоизини ташкил этиши кутилмоқда.

Маданият ва спорт соҳаси.

Маданият ва спорт соҳасига харажатлар 2020 йилда 2,4 трлн. сўмни ташкил қилиб, тасдиқланган параметрга нисбатан **5,5 фоизга** ошиши

кутилмоқда. Жумладан, маданият соҳасига 1,4 трлн. сўм, спорт тадбирларини ўтказиш учун 1,0 трлн. сўм ажратилиши кутилмоқда.

Фан.

Фанни янада ривожлантириш тадбирлари учун 2020 йилда **1 трлн. сўм,** жами харажатларнинг 0,7 фоизини йўналтириш кутилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя.

Ижтимоий нафақалар, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва компенсация тўловлари харажатлари **8,5 трлн. сўм**ни ташкил этиб, бу тасдиқланган параметрларга солиштирганда **30 фоиз**га кўпдир.

2020 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга моддий ёрдам бериш, болали оилаларга барча турдаги ижтимоий нафақаларни тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш, шунингдек уй-жой коммунал хизматларни тўлаш бўйича компенсация тўловларини амалга ошириш имконини беради.

Бунинг натижасида:

• ҳар ойда ўртача 70 мингга яқин оилага бола туғилгани учун нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатларга – 370 млрд. сўм;

• ҳар ойда ўртача 286 мингдан ортиқ болаликдан ногиронлар нафақа тўловларига – 1 512 млрд. сўм;

• 105 мингга яқин пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қариялар ва меҳнатга лаёқатсизлар нафақа тўловларига – 340 млрд. сўм;

• ҳар ойда ўртача 1 600 мингга яқин пенсионерларга ун ва қолипли нон учун қўшимча харажатларининг компенсация тўловларига – 947 млрд. сўм;

• ҳар ойда ўртача 595 мингдан ортиқ нафақа олувчиларга ун ва қолипли нон учун қўшимча харажатларининг компенсация тўловларига – 357 млрд. сўм;

• 264 мингдан ортиқ оналарга бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун бериладиган нафақа тўловларига – 1 368 млрд. сўм;

• 265 мингтадан ортиқ 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа тўловларига – 785 млрд. сўм;

• 65 мингдан ортиқ кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тўлаш билан боғлиқ харажатларга – 288 млрд. сўм йўналтирилади.

Бундан ташқари, аҳолини қўллаб-қувватлаш, пул тўланадиган жамоатчилик ишларига, тадбиркорликка кенг жалб этиш асосида бандликни таъминлаш мақсадида Жамоат ишлари жамғармасига **550 млрд. сўм,** Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармасига **350 млрд. сўм**, Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасига **120 млрд. сўм** ажратилиши кўзда тутилган. Шунингдек, шаҳар транспортларида имтиёзли тарифлар билан хизмат кўрсатишдаги йўқотишни қоплаш учун жами **407 млрд. сўм** миқдорида

маблағлар ажратиш кутилмоқда.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва эҳтиёжманд оилаларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида “Темир дафтар”га киритилган 410 мингга яқин оилаларда яшовчи ногирон ҳамда боқувчисини йўқотган вояга етмаган ёшдаги болаларга ҳар бирига 500 минг сўмдан Давлат бюджетидан жами **454 млрд. сўм** маблағ ажратилди.

Аҳолининг муҳтож қатламларини арзон уй-жойлар билан таъминлаш учун 2020 йилда қишлоқ жойларда ва шаҳарларда кўп квартирали уйларни қуришни молиялаштириш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **1,9 трлн. сўм** ажратиш кўзда тутилган.

Иқтисодиёт харажатлари.

Давлат бюджетидан иқтисодиётга ажратилиши кутилаётган харажатлар 22 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,7 фоизни ташкил этиб, жами харажатларнинг 14,7 фоизини ташкил этади.

Марказлашган инвестиция харажатлари.

2020 йилда Давлат бюджетининг тасдиқланган параметрларида марказлашган капитал қўйилмалари ҳисобидан 2 343 та объектларга **14,0 трлн. сўм** маблағ ажратилиши белгиланган.

Жорий йилда COVID-19 пандемияси ва бошқа юз берган фавқулодда вазиятлар ҳолатидан келиб чиқиб, 2020 йилги ижтимоий ва ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастури параметрларига ўзгартиришлар киритилди.

Жумладан, дастур параметрларидан **204 та** объектлар учун ажратилган **2,7 трлн. сўм** маблағ лойиҳа-смета ҳужжатлари ишлаб чиқилмаганлиги ва қурилиш-таъмирлаш ишлари бошланмаганлиги сабабли мақбуллаштирилди ҳамда Давлат бюджети параметридаги тақсимланмаган ва иқтисод қилинган маблағларни қайта тақсимлаш орқали **170 та** янги лойиҳаларга **0,4 трлн.сўм** маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, COVID-19 пандемияси оқибатларини юмшатиш ва макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **2 932 та** объектлар учун **3,9 трлн.сўм** ажратилиши кўзда тутилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари, қабул қилинган фармон ва қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорлари ва топшириқлари ижросини таъминлаш ҳамда COVID-19 пандемияси ва бошқа юз берган фавқулодда вазиятлар ҳолатидан келиб чиқиб марказлашган инвестиция харажатларига йил охирига қадар жами **15,6 трлн. сўм** молиялаштириш кутилмоқда.

9-расм

Марказлашган инвестиция харажатлари

2020 кутилаётган

Харажатларга нисбатан (фоизда)	10,4%

Маълумот *(трлн. сўм)*	
Жами харажатлар	**15,6**
Ижтимоий соҳани ривожлантириш	6,2
Суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш давлат дастури	0,3
Маъмурий, муҳандислик инфратузилма, сув хўжалиги ва бошқа объектлар	4,5
Ичимлик суви таъминоти ва канализация	1,9
Йўл қурилиши давлат дастури	2,3
Оролбўйи минтақасини ривожлантириш	0,2



**** Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари билан бирга***

Ажратилган маблағларнинг йўналишлар кесимидаги кутилаётган ижроси қуйидагича:

1. Маъмурий, муҳандислик инфратузилма, сув хўжалиги, шунингдек алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларга **3 842,2 млрд. сўм** маблағ йўналтирилади.

Ажратилган маблағлар ҳисобига 993,1 км каналлар, 115,8 км лоток тармоқлари, 82 та гидротехник иншоотлар, 66 та насос станциялари ва насос станцияларининг 12,8 км босимли қувурлари, 252 та суғориш тик қудуқларини қуриш ва реконструкция қилиш орқали 380,5 минг гектар суғориладиган ерларнинг кафолатланган сув ресурслари билан таъминланишига эришилади.

Шунингдек, 2020 йилда умумий сиғими 3 193,1 млн. м^3 бўлган 9 та сув омборларини қуриш лойиҳаларида қурилиш-монтаж ишларини давом эттиришга, бунинг натижасида **1 019,0** минг гектар суғориладиган ерларни кафолатли сув билан таъминланишига эришилади.

Жумладан, йирик объектлардан:

Сурхондарё вилояти Бойсун туманидаги “Ҳангарансой” сел сув омборини қуриш лойиҳаси бўлиб, ушбу сув иншооти жорий йилда фойдаланишга топширилади. Мазкур объектда қурилиш ишларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан жами **61,3 млрд. сўм** маблағ сарфланиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу маблағлар эвазига сиғими 6,12 млн. м^3 сув омбори қурилади.

Шунингдек, сув омбори қурилиши ҳисобига Бойсун туманининг “Кофрун” ва “Бандихон” қишлоқлари сел-тошқин сувларидан ҳимояланади, “Кофрун”

қишлоғи ҳудудидаги **1 000 гектар майдонларда** деҳқончилик қилиш учун кафолатли сув билан таъминланишига эришилади.

Бундан ташқари, ушбу ҳудудда қурилиши режалаштирилган “Мустақилликнинг 25 йиллиги” газ-кимё мажмуасида қазиб олинадиган газ ўрнини сув билан тўлдиришда мазкур сел сув омбори сувидан фойдаланиш имконияти яратилади.

Қашқадарё вилояти Яккабоғ туманидаги “Гулдара” сел сув омборини қуриш лойиҳаси бўлиб, жорий йилда фойдаланишга топширилиши белгиланган.

Мазкур объектда қурилиш ишларини амалга ошириш учун Давлат бюджетидан жами **26,7 млрд. сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу маблағлар эвазига сиғими **3,0 млн. м^3** сув омбори қурилади.

Ушбу сув омборининг қурилиши ҳисобига Яккабоғ туманининг “Чуброн” қишлоғи сел-тошқин сувларидан ҳимояланади ҳамда ушбу ҳудуддаги **1 600 гектар майдонларда** деҳқончилик қилиш учун кафолатли сув билан таъминланиш имконияти яратилади.

Бундан ташқари:

Тошкент шаҳрида узунлиги **52,1 км** бўлган ер усти ҳалқа метро йўналишини қуриш лойиҳаси бўлиб, **7,1 км** бўлган Сергели йўналишини қуриш лойиҳаси доирасида қурилиш-монтаж ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда ва Шаҳристон станциясидан Туркистон станциясигача **2,9 км** бўлган Юнусобод йўналишини қуриш ишларининг иккинчи босқичи лойиҳаси доирасида қурилиш-монтаж ишлари якунига етказилди.

Мазкур лойиҳалар қуриб фойдаланишга топширилиши Тошкент шаҳри аҳолисининг транспорт воситаларига бўлган эҳтиёжларини қондиришга ҳамда шаҳар транспорт инфратузилмасининг сифат жиҳатдан яхшиланишига хизмат қилади.

Шу билан бирга, вилоят марказларида истиқомат қилувчи аҳолининг иссиқлик таъминоти билан боғлиқ эҳтиёжларини қондириш мақсадида, жорий йилда **5 та** марказий ва **3 та** маҳаллий иссиқлик қозонхоналари ҳамда **39,9 км** иссиқлик таъминоти тармоқларини қуриш ишлари учун **128,4 млрд. сўм** маблағ ажратиб берилади.

Ушбу қозонхоналарни қуриб фойдаланишга топшириш эвазига **670 та аҳоли хонадонлари ва 57 та ижтимоий ва бошқа соҳа объектларининг** кафолатланган иссиқ сув ва иситиш тизимлари яхшиланиши орқали **154,3 мингдан** ортиқ аҳолининг сифатли иссиқлик таъминотига эга бўлиши назарда тутилмоқда.

Бундан ташқари, 2020 йилда ҳудудий аҳамиятдаги ижтимоий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга ошириш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари бўйича **146 та** объектларни қуриш, реконструкция қилиш ишлари учун жами

775,9 млрд. сўм йўналтирилиши назарда тутилмоқда.

Жорий йилда дарё ўзанларини тозалаш ва қирғоқларни мустаҳкамлаш тадбирларини амалга ошириш учун ажратиб бериладиган мазкур маблағлар эвазига **3 662,5 минг м^3** тупроқ ишлари, **277,6 минг м^3** тош ишлари, **2 294,5 минг м^3** бетон ишлари амалга оширилиши натижасида **52 та** объектда дарё ўзанларини тозалаш ва дарёларни мустаҳкамлаш ишлари бажарилади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 20 июндаги “Протез-ортопедия буюмлари ва реабилитация техник воситаларини ишлаб чиқаришни ривожлантириш ҳамда ижтимоий муассасаларининг моддий-техника базасини янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-3787-сон қарорининг ижроси доирасида 2020 йилда “Мурувват” ва “Саҳоват” уйларини, кекса ёшдаги ва ногирон болалар санаторияларини қуриш ва реконструкция қилиш ишларини амалга ошириш учун **55,9 млрд. сўм** маблағ ажратиб берилади.

Ушбу Дастур доирасида ажратиладиган маблағлар эвазига **6 та** “Муруват” интернат уйлари, **3 та** уруш фахрийлари, кекса ва ногиронлар “Саҳоват” санаторияларида қуриш ва реконструкция қилиш ишлари амалга оширилади.

Бундан ташқари:

Тошкент шаҳрининг Олмазор туманида “Ғалаба боғи” мажмуасини қуриш ишларини амалга ошириш учун **120,0 млрд. сўм** маблағ ажратилган бўлиб, ушбу маблағлар тўлиқ ўзлаштирилиши натижасида мазкур объектни қурилиш ишлари якунига етказилди.

Шу билан бирга, Тошкент шаҳрининг Чилонзор туманида жойлашган Ўзбекистон Миллий боғи ҳудудида “Адиблар хиёбони” мажмуасини қуриш ишларини амалга ошириш учун **49,3 млрд. сўм** маблағ ажратилди ва ушбу объектнинг қурилиш ишлари жорий йилда якунланиши ва фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

2. 2020 йилги дастур доирасида **суғориладиган ерларнинг мелиоратив** ҳолатини яхшилаш тадбирларига ҳам алоҳида аҳамият берилиб, республика ҳудудларидаги турли даражада шўрланган экин майдонларида **122 та** объектларга **233,3 млрд. сўм** ажратилиши кўзда тутилган.

Дастур доирасида **545,5 км** коллектор, **179,3 км** ёпиқ горизонтал коллектор, **183 та** гидротехник иншоотлар, **69 дона** мелиоратив тик қудуқлар қуриб фойдаланишга топширилиши кўзда тутилган.

Ажратилган маблағлар ҳисобига жорий йилда **203,3 минг гектар** турли даражада шўрланган экин майдонларининг мелиоратив ҳолати яхшиланишига эришилади.

3. 2020 йилда автомобиль йўллари, кўприклар ҳамда йўл ўтказгичларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек объектларни жиҳозлаш ҳамда техникалар харид қилиш манзилли дастури доирасида **1 294,6 млрд. сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилган.



Ажратиладиган маблағларнинг ўзлаштирилиши ҳисобига йил охиригача **86,0 км** узунликдаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўллари ва **1 743,3 км** узунликдаги кўприк ва йўл ўтказгичларни фойдаланишга топширилиши белгиланган.

Шу билан бирга:

хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўллари, шаҳарлар, шаҳар посёлкалари, қишлоқлар ва овуллар кўчаларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун **130,0 млрд. сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, ушбу ажратиладиган маблағлар эвазига **114,9 км** узунликдаги автомобиль йўллари ва кўчалар таъмирланиб фойдаланишга топширилади;

эркин иқтисодий зоналар, эркин иқтисодий индустриал зоналар, эркин иқтисодий фарм-зоналари ва бошқа махсус эркин ва кичик саноат зоналарига олиб борувчи ва ички йўлларини қуриш-таъмирлаш ишларига **120,0 млрд. сўм** маблағ ажратилиши назарда тутилган бўлиб, мазкур ажратиладиган маблағлар ҳисобига **55,1 км** узунликдаги автомобиль йўллари фойдаланишга топширилади;

янгидан қурилаётган наъмунавий уй-жой массивларининг ички йўлларини қуриш ишларига **60,0 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган бўлиб, ушбу ажратиладиган маблағлар эвазига **44,6 км** автомобиль йўллари фойдаланишга топширилиши режалаштирилган.

Ушбу автомобиль йўллари ва кўчалар фойдаланишга топширилиши натижасида тадбиркорлик субъектлари томонидан амалга оширилаётган лойиҳаларга инфратузилма яхшиланади ва транспорт-логистика тизимини ривожланишига сезиларли таъсир қилади, шунингдек кўприк ва йўл ўтказгичларда ҳаракат хавфсизлиги таъминланади, йўлларнинг ўтказувчанлик қобилияти ошади ва сезиларли миқдорда ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари иқтисод қилиниб, йўловчиларнинг манзиллари яқинлашади.

Шундай объектлардан мисол қилиб Самарқанд вилоятидаги 4 Р 45 (М-37а) "Самарқанд ҳалқа йўли" автомобиль йўлининг 10-33 км қисмларини реконструкция қилиш ишларини кўрсатиш мумкин.

Ушбу ишларга қурилиш бошидан Давлат бюджети ҳисобидан **157,5 млрд.сўм** маблағ ажратилиб, шундан 2020 йилда **41,8 млрд.сўм** маблағ ажратиб бериш кўзда тутилган. Ҳисобот даврига қадар **141,6 млрд.сўм**, шундан жорий йилда **25,9 млрд.сўм** маблағлар молиялаштириб берилди. Ушбу маблағлар эвазига автомобиль йўлининг дастлабки **10 км** қисми фойдаланишга топширилди.

Илгари ушбу автомобиль йўли икки тасмали бўлган, ҳаракат жадаллиги юқори бўлганлиги сабабли кўп тирбандиликлар пайдо бўлар, шунингдек, автомобилларни қувиб ўтиш қоидаларини бузиш натижасида йўл транспорт ҳодисалари тез-тез содир бўлар эди.

Ҳозирда ушбу автомобиль йўли икки тасмалидан тўрт тасмалига ўтказилиши натижасида ҳаракат жадаллиги қариб икки баробарига ошди, тирбандликлар бартараф этилди. Бу эса шаҳар ичидаги транспорт воситалари қатновини ва тирбандликларини олдини олади.

Шундай объектлардан яна бир мисол қилиб Қорақалпоғистон Республикасидаги 4 К 41 "А380 автойўли (797 км)-Шамуратов ДФХ-Қумжиккон ДФХ" автомобиль йўлининг 11-15 км қисмлари реконструкция қилиш ишларини кўрсатиш мумкин.

Ушбу ишларга Давлат бюджети ҳисобидан 2016-2020 йиллар давомида жами **28,8 млрд.сўм** маблағ ажратилиб, жорий йилнинг учунчи чорак якуни билан **4 км** узунликдаги автомобиль йўли фойдаланишга топширилди.

Ушбу автомобиль йўли икки тасмалидан тўрт тасмалига ўтказилди. Бунинг натижасида транспорт воситаларининг интенсивлиги икки баробар ошишига эришилди.

Қолаверса, ушбу автомобиль йўли фойдаланишга топширилиши натижасида оғир юк ташувчи автомобиллар Хўжайли туман марказига кирмасдан, туман марказини айланиб ўтади. Бу эса Хўжайли тумани марказидаги автомобилларнинг юкламасини бир неча бор камайишига ва шаҳар атроф-муҳитига автомобиллардан чиқадиган заҳарли газлар миқдорини камайишига эришилади.

4. 2020 йилги тасдиқланган Инвестиция дастурига асосан жами **1 041 та** ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишлари учун **4 487,0 млрд. сўм** маблағ ажратиб берилади.

Хусусан, 2020 йил Инвестиция дастури доирасида:

58 580 ўринли 383 та мактабгача таълим муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари учун **1 346,6 млрд. сўм**;

77 256 ўринли 362 та умумтаълим мактабларида, жумладан 43 тасида янги қурилиш, 191 тасида реконструкция ва 128 тасида мукаммал таъмирлаш ишлари олиб бориш учун **1 468,9 млрд. сўм**;

11 та ихтисослаштирилган олимпия захиралари мактаб-интернатларига **70,5 млрд. сўм** ва II типдаги 2 та болалар мусиқа ва санъат мактабларига **15,6 млрд. сўм**;

10 814 ўринли (койка) ва 4 105 қатновли 240 та соғлиқни сақлаш муассасаларига **1 040,4 млрд. сўм**;

16 372 ўқувчи ўринли ва 3 630 ётоқ ўринли 30 та олий таълим муассасаларига **486,4 млрд. сўм** ҳамда 13 та илмий тадқиқот институтларига **43,5 млрд. сўм** маблағлар йил охирига қадар ажратиб берилади.

10-расм



**** Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари билан бирга***

5. Оролбўйи минтақасини ривожлантириш тадбирлари доирасида **148 та** объектларга **242,1 млрд. сўм** ажратиш назарда тутилган бўлиб, шу жумладан йил охирига қадар Қорақалпоғистон Республикасидаги **94 та** объектга **141,7 млрд. сўм** ва Хоразм вилоятидаги **49 та** объектга **85,3 млрд. сўм** маблағлар йўналтириб берилади.



Бундан ташқари, жорий йилда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 8 январдаги ПҚ-4099-сонли қарорига асосан Бирлашган Миллатлар Ташкилоти раҳбарлигидаги Траст жамғарма ҳисоб рақамига Ўзбекистон Республикаси улуши сифатида 2020 йил Оролбўйи минтақасини ривожлантириш дастури доирасида кўзда тутилган маблағлардан **14,3 млрд. сўм** молиялаштириб берилди.

Шундан келиб чиққан ҳолда, 2020 йил ажратиладиган маблағлар эвазига **Қорақалпоғистон Республикаси бўйича** жами **94 та** объект, шу жумладан 2 та иссиқлик тизимини яхшилаш объекти, 55 та кўп квартирали уйларнинг умумфойдаланиладиган муҳандислик-коммуникацияларини таъмирлаш ва болалар майдончаларини қуриш объектлари, 37 та аҳолига тоза ичимлик суви етказиб бериш объектида қурилиш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш

ҳамда модернизация қилиш ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Бу ажратиладиган маблағлар эвазига йил якунига қадар:

Нукус шаҳри ва Тахиатош туманида **8,1 км** узунликдаги иссиқлик тармоғи модернизация қилиниб, **8 000 дан** ортиқ аҳолига иссиқ сув ва иссиқлик энергияси етказиб берилиши;

301 та кўп квартирали уйларни том қисми реконструкция қилиниши ва **30 000 м^2** дан ортиқ пиёдалар йўлакчаси қурилиши;

81 та болалар майдончалари қурилиши;

154,1 км дан ортиқ сув тармоқлари тортилиб, **12,7 км** дан ортиқ оқава сув тармоқлари қурилиши ва ўрнатиладиган 14 та резервуар ва 79 та насос станциялари орқали **32 000 дан ортиқ аҳолига** тоза ичимлик суви етказиб бериш ишларини амалга ошириш назарда тутилган.

2020 йил давомида **Хоразм вилояти бўйича** жами 49 та объект, шу жумладан 39 та аҳолига тоза ичимлик суви етказиб бериш объекти ҳамда 10 та узоқ аҳоли пунктларида сувни чучуклаштирувчи қурилмалар ўрнатиш объектларида қурилиш, реконструкция, капитал таъмирлаш ҳамда модернизация ишларини амалга ошириш кўзда тутилган.

Йил якунига қадар ушбу дастур асосида вилоят бўйича **368,8 км** дан ортиқ сув тармоқлари тортилиб, 9 та насос станциялари, 19 та сув резервуари, 10 та хлорлаш ускунаси, 9 та трансформатор ўрнатилиши натижасида 148 000 дан ортиқ аҳолига тоза ичимлик суви ва 10 та туманнинг 54 та мактабларига сувни чучуклаштирувчи қурилмалар ўрнатилиши натижасида 10 000 га яқин мактаб ўқувчилари учун тоза ичимлик суви етказиб берилади.

6. 2020 йилда **Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш тадбирлари** доирасида **1 453,0 млрд. сўм** ажратилиши кўзда тутилган.

Ажратилган маблағлар ҳисобига 2020 йил охиригача **413 та** объектда **3 815,7 км** ичимлик сув тармоқлари, **172 та** сув иншоотларини реконструкция қилиш ва қуриш ишлари амалга оширилади ҳамда **330,1 км** оқава сув тармоқлари қурилиб, **30 та** оқава сув иншоотлари реконструкция қилинади. Натижада, йил якуни билан қўшимча **1 163 мингдан ортиқ** киши марказлашган ичимлик суви ва **377 мингдан ортиқ** киши оқава сув хизматлари билан қамраб олинишига эришилади.

2020 йилда Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан амалга оширилиши кутилаётган ишлар

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ-5969-сон Фармонига асосан 2020 йилда қўшимча инфратузилма лойиҳаларини амалга ошириш учун Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан **3 600,0 млрд. сўм** ажратилиши, жумладан:

кичик саноат зоналари инфратузилма объектлари учун – **400,0 млрд. сўм**;

шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчалари, умумий фойдаланишдаги

йўлларни жорий таъмирлаш учун – **1 000,0 млрд. сўм**;

сув таъминоти ва канализация объектлари учун – **500,0 млрд. сўм**;

ирригация ва мелиорация объектлари учун – **400,0 млрд. сўм**;

соғлиқни сақлаш объектлари учун – **500,0 млрд. сўм**;

умумтаълим мактаблари ва ижтимоий соҳанинг бошқа объектлари учун – **800,0 млрд. сўм** ажратилиши белгиланди.

Мазкур Фармонда белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш мақсадида, Ҳукуматнинг тегишли қарор ва топшириқларига мувофиқ дастур параметрларига тегишли ўзгартириш ва тузатишлар киритилиб, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан қўшимча равишда **261,0 млрд. сўм,** жами **3 861,0 млрд. сўм** йил охирига қадар ажратиб бериш назарда тутилмоқда.

Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан **776 та** маъмурий, муҳандислик-инфратузилма, сув хўжалиги объектларидаги қуриш-таъмирлаш ишлари учун **646,8 млрд. сўм** ажратиб берилади.

Шундан, **Сув хўжалиги вазирлиги**га 176 та ирригация объектларидаги қурилиш-таъмирлаш ишлари учун **346,8 млрд. сўм** ва 31 та мелиоратив объектларидаги қурилиш-таъмирлаш ишлари учун **73,2 млрд. сўм** ажратилади.

Ушбу ажратиладиган маблағлар ҳисобига 38 862 гектар фойдаланишдан чиқиб кетган экин майдонларини оборотга қайтариш, 336,7 км каналлар, 91,4 км лоток тармоқлари, 608,8 км суғориш тармоқлари, 192 та мелиоратив ва суғориш қудуқлари, 81 та насос станциялари, 130,1 км коллектор, 48,9 км ёпиқ горизонтал дренаж, шунингдек аҳоли бандлигини таъминлаш мақсадида 3 та йирик сув хўжалиги объектларида қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилади.

Бундан ташқари, Кичик саноат зоналарининг 600 та муҳандислик инфратузилма объектларини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун йил охирига қадар **300,0 млрд. сўм** ажратилиши кўзда тутилган, шу жумладан,

176,7 км узунликдаги электр энергияси билан таъминлашга – 67,9 млрд. сўм;

198,3 км узунликдаги табиий газ билан таъминлашга – 48,7 млрд. сўм;

157,2 км узунликдаги ичимлик суви билан таъминлашга – 49,8 млрд. сўм;

83 км узунликдаги оқова суви билан таъминлашга – 65,9 млрд. сўм;

81,3 км узунликдаги автомобил йўллари қуриш-таъмирлаш ишларига – 67,7 млрд. сўм маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Транспорт вазирлиги ҳузуридаги Автомобиль йўллари қўмитасига 1 000,0 млрд. сўм ажратилиши кўзда тутилган.

Ушбу ажратиладиган маблағлар ҳисобидан **1 792 та** объект бўйича 995,8 км узунликдаги шаҳарлар ва бошқа аҳоли пунктлари кўчаларини қуриш-таъмирлаш ишлари ҳамда 1 171,8 км узунликдаги умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларини жорий таъмирлаш ишлари амалга оширилади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тизимидаги **13 та** муассасаларни, шу жумладан, карантин зоналарини қуриш ва реконструкция қилиш ишлари учун **815,3 млрд. сўм** ажратиб бериш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, таълим соҳасида **840,0 млрд. сўм**, жумладан:

Мактабгача таълим вазирлиги томонидан **52 та** мактабгача таълим муассасасини қуриш, реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш ишлари учун **159,8 млрд. сўм**;

Халқ таълими вазирли томонидан 163 та умумтаълим мактабларини қуриш-таъмирлаш ишлари учун **600,0 млрд. сўм**;

Олий таълим вазирлиги томонидан 4 та объектни қуриш-таъмирлаш ишлари учун **40,0 млрд. сўм** маблағ ўзлаштирилиши кутилмоқда.

Шу билан бирга, 2020 йилда **Ичимлик суви таъминоти ва канализация тизимларини ривожлантириш тадбирлари** доирасида **98 та** объектга **467,0 млрд. сўм** ажратилиши кўзда тутилган.

Ажратилган маблағлар ҳисобига 2020 йил охиригача **1 578,1 км** ичимлик сув тармоқлари, **103 км** оқава сув тармоқлари қурилиб, **29 та** ичимлик сув иншоотлари ва **5 та** оқава сув тозалаш иншоотлари қуралади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви, адлия, прокуратура ва суд органлари харажатлари

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви, адлия, прокуратура, суд ва ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари 2020 йилда кутилаётган ижроси **7,4 трлн. сўмни** ёки ялпи ички маҳсулотнинг 1,3 фоизини ташкил қилади.

II. Давлат бюджетининг биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар кесимида 2020 йилги харажатларининг кутилаётган ижроси

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети **2020 йилдан бошлаб илк бора қонун** шаклида қабул қилинди ва Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг 2020 йилги харажатлари биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар (вазирлик ва идоралар) кесимида тасдиқланди.

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларининг 2020 йил учун даромадлари ва харажатлари прогнозлари тегишлича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар, туманлар ва шаҳарлар Кенгашлари томонидан тасдиқланди.

Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан вазирлик ва идораларга 2020 йилда ажратилган маблағларнинг кутилаётган ижроси ҳамда эришилаётган натижалари тўғрисида қуйида айрим вазирлик ва идоралар кесимида келтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига 2020 йил якунига қадар республика бюджетидан **19,8 трлн. сўм** маблағ, жу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 18,7 трлн. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмалар (кейинги ўринларда – капитал қўйилмалар) миқдори 1,1 трлн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.



Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 11 мартдаги “Ижод мактаблари ва ихтисослаштирилган мактаблар фалиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 141-сон қарорига мувофиқ республикамиздаги иқтидорли ўқувчиларни қўллаб-қувватлаш ҳамда таълим ва тарбия бериш тизимини янада ривожлантириш, ёшларнинг таълим олишдаги имкониятларини оширишга хизмат этувчи замонавий ижод мактаблари ва ихтисослаштирилган мактабларига юқори салоҳиятли ўқитувчиларни жалб қилишни жозибадорлигини оширишга қаратилган кенг кўламли тадбирлар олиб борилмоқда.

2020 йил сентябрь ойидан бошлаб мактабларнинг маъмурий-бошқарув, педагогик, ўқув-ёрдамчи, техник ва хизмат кўрсатувчи ходимлари лавозим маошига 100 фоиз миқдорида ойлик устама ҳақ, шунингдек уларни жами иш ҳақи фондига нисбатан 50 фоиздан кўп бўлмаган миқдорда рағбатлантириш жамғармаси шакллантирилиши жорий этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 сентябрдаги “Халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4467-сон қарори қабул қилинди.

Мазкур қарорга мувофиқ, халқ таълими тизимидаги мактабдан ташқари таълим самарадорлигини ошириш мақсадида “Баркамол авлод” болалар мактабларининг директор ва директор ўринбосарларининг базавий тариф ставкаларини 1,55 бараварга, тўгарак раҳбарининг базавий тариф ставкаларини 1,5 бараварга ошириш ҳамда инструктор-услубчилар ва услубчилар меҳнатига ҳақ тўлаш тартибини базавий тариф ставкаларидан келиб чиқиб амалга ошириш ва уларнинг базавий тариф ставкалари миқдорларини тўгарак раҳбарлари базавий тариф ставкалари миқдорига тенглаштириш тадбирлари учун қўшимча давлат бюджетидан йил охиригача **140,0 млрд. сўм**дан ортиқ маблағлар ажратилиши кутилмоқда.

Жорий йилда халқ таълими тизимидаги жисмоний ва психик ривожланишда нуқсони бўлган болалар учун махсус мактаб-интернатлари, етим болалар ва ота-онасининг қарамоғидан маҳрум бўлган болалар учун меҳрибонлик уйлари ва SOS-Ўзбекистон болалар маҳаллалари тарбияланувчи-ўқувчиларини соғлом овқатлантиришни ташкил этиш, белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва

гигиена нормативларига мувофиқ овқатлантириш харажатларига йил охиригача **85,0 млрд. сўм** маблағ йўналтирилиши кутилмоқда.

6-жадвал

Халқ таълими тизимидаги муассасаларда жисмоний ва психик ривожланишида нуқсони бўлган тарбияланувчи-ўқувчиларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш харажатлари

(млрд.сўм)

Кўрсаткичлар	2019 йил ижро	2020 йил кутилаётган ижро	Фарқи	
			ўсиш	фоиз
ЖАМИ	**63,8**	**85,0**	**21,2**	**133**
Махсус мактаб-интернатлари	48,1	65,0	16,9	135
Меҳрибонлик уйлари	12,5	15,5	3,0	124
SOS – Ўзбекистон болалар маҳаллалари	3,3	4,5	1,3	139

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 20 августдаги “Ўқитувчилар ва ўқувчилар турмуши моддий шароитларини яхшилашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 409-сонли қарорига асосан умумтаълим мактаблардаги кам таъминланган оилалар ўқувчиларини қишки кийим-бош тўплами билан таъминлашга доир сарф-харажатлар давлат бюджети ҳисобидан амалга ошириш белгиланган.

Ўқув ёшидаги кам таъминланган оила фарздандлари учун чидамлилиги юқори бўлган сифатли қишки кийим-бош тўпламлари билан ўз муддатида таъминлаш мақсадида республика бюджетидан **54,3 млрд. сўм** маблағ ажратилган бўлиб, 2018/2019-ўқув йилига нисбатан 30,4 млрд. сўм кўп маблағ ажратилди.



Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига 2020 йил якунига қадар республика бюджетидан **5,0 трлн. сўм**, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 3,7 трлн. сўм, капитал қўйилмалар миқдори 1,3 трлн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Бугунги кунга қадар ўз фаолиятини бошлаган давлат-хусусий шерикчилиги асосидаги нодавлат мактабгача таълим муассасалари ва оилавий нодавлат мактабгача таълим муассасаларига жорий йил охиригача **300 млрд. сўм** миқдоридаги субсидия ва компенсация тўловлари тўлаб берилиши кутилмоқда.

Вазирлар Маҳкамасининг “Болаларни бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлаш тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2020 йил 9 мартдаги 132-сон қарорига асосан вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг 2019/2020-ўқув йилидан бошлаб Қорақалпоғистон

Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида болаларни бошланғич таълимга мажбурий бепул бир йиллик тайёрлаш тизимини тўлиқ жорий этилиши муносабати билан болаларни бошланғич таълим билан қамраб олиш доирасини янада кенгайтириш мақсадида 2019/2020-ўқув йилида мажбурий бепул бир йиллик 2 535 та тайёрлов гуруҳларини сақлаш харажатларига Давлат бюджетидан **50 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кутилмоқда.

Давлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни белгиланган санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига мувофиқ соғлом овқатлантиришни ташкил этиш тадбирларига 2020 йил охиригача давлат бюджетидан **774,4 млрд. сўм** ***(728,2 млрд. сўм*** *кунлик озиқ-овқат маҳсулотлари учун ва* ***46,2 млрд. сўм*** *қиш-баҳор мавсумига ғамланадиган озиқ-оқат маҳсулотларини харид қилишга)* ажратилиши кутилаётган бўлиб, 2019 йилга нисбатан ***194,7 млрд. сўмга*** кўп маблағлар йўналтирилган.

7-жадвал

Давлат мактабгача таълим ташкилотларида тарбияланувчиларни соғлом овқатлантиришни ташкил этиш харажатлари

(млрд. сўм)

Кўрсаткичлар	2019 йил ижро	2020 йил кутилаётган ижро	Фарқи	
			ўсиш	фоиз
ЖАМИ	**579,7**	**774,4**	**194,7**	**134**
Озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш	542,0	728,2	186,2	134
Қиш-баҳор мавсумига озиқ-овқат маҳсулотларини ғамлаш	37,7	46,2	8,5	123

2020 йилда манзилли дастурга асосан янги қурилган ва реконструкция қилинаётган (қилинган) мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш учун ошхона анжомлари, ўйинчоқлар, чойшаблар ва кўрпа-тўшаклар, ўқув қўлланмалар ва дидактик материаллар, мебель ва жиҳозларини харид қилиш мақсадида республика бюджетидан жорий йил охиригача **115,7 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кутилмоқда.

8-жадвал

Мактабгача таълим ташкилотларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш харажатлари

(млн. сўм)

Тадбирлар номи	2018 йил ижро	2019 йил ижро	2020 йил кутилаётган ижро
ЖАМИ	**26 961**	**96 551**	**115 678**
Ошхона анжомлари ва ўйинчоқлар харид қилиш	1 275	7 710	8 815
Чойшаблар ва кўрпа-тўшаклар харид қилиш	6 746	18 977	21 659
Ўқув қўлланмалар ва дидактик материаллар	7 994	11 390	18 330
Мебел ва жиҳозлар харид қилиш	6 718	50 079	62 690
Бошқа харажатлар	4 229	8 395	4 185

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 2020 йил якунига қадар республика бюджетидан **2,6 трлн. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 2,4 трлн. сўм, капитал қўйилмалар миқдори 0,2 трлн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.



2020 йилда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги бюджет параметрларининг кам ижро этилиши Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 16 апрелдаги “2020 йил учун Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг барқарорлигини таъминлаш ва харажатларни мақбуллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 232-сон қарори 1-иловасининг 10-бандига мувофиқ касб-ҳунар мактабларида таълим оладиган ўқувчиларнинг Давлат бюджети ҳисобидан ойлик стипендия *(223 минг сўмдан)* ҳамда уч маҳал овқат билан таъминлаш тартибини келгуси 2021/2022 ўқув йилидан жорий этиш муносабати билан 2020 йил бюджет параметрларидан 347,3 млрд. сўмга мақбуллаштирилиши ҳисобига юзага келган.

Шу билан бирга, ўрта махсус профессионал таълим дастурини тубдан такомиллаштириш ҳамда 9-синф битирувчиларини ижтимоий қўллаб-қувватлашга қаратилган бошланғич профессионал таълим тизимини жаҳон тажрибаси асосида жорий этиш, республика бўйича барча коллежлар тугатилиб, уларнинг негизида 340 та касб-ҳунар мактаблари, 196 та коллежлар ва 143 та техникумлардан иборат профессионал таълим муассасалари тармоғи ташкил этилди.

Қолган касб-ҳунар коллежларининг бўш бинолари умумий ўрта таълим муассасалари сифатида фойдаланишга оператив бошқариш ҳуқуқи билан бепул берилди.

2019/2020-ўқув йилида олий таълим тизимига харажатлар жорий йилда грант асосида давлат олий ўқув юртларига қабул квоталари 27 801 минг кишига кўпайиши (2018/2019-ўқув йилида 21 488 минг киши) ва қўшимча равишда 6 313 минг ўрин грант асосида алоҳида тоифадаги шахсларга имтиёзли равишда (етимлар, ногиронлар, ҳарбий хизматчиларнинг болалари ва шошилинч ҳарбий тайёргарликдан ўтган болалар) ажратилиши натижасида ошмоқда.

Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини ислоҳ қилиш, таълим сифатини янада ошириш, илмий салоҳиятни ривожлантириш ва меҳнат бозорида ўз ўрнини топа оладиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш тизимини йўлга қўйишда профессор-ўқитувчиларни моддий рағбатлантириш ва қўшимча шарт-шароитлар яратиш мақсадида давлат бюджетидан қўшимча қўйидаги тадбирлар учун маблағлар ажратилди:

илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи ходимларнинг лавозим маошига, фан номзоди ёки фалсафа доктори илмий даражасига (PhD) эга шахслар учун лавозим маошининг 30 фоизигача;

фан доктори илмий даражасига эга шахслар учун лавозим маошининг 60 фоизигача қўшимча ҳақ тўлаш тизими жорий этилди.

Шунингдек, 2020 йил 1 мартдан бошлаб агросаноат мажмуига кирувчи илмий, илмий-тадқиқот ва илмий-тажриба муассасаларининг бино ва иншоотларини сақлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларни молиялаштириш Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштириш шартларига ўтказилди.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2020 йил якунига қадар республика бюджетидан **3,1 трлн. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатлари 2,0 трлн. сўм, капитал қўйилмалар миқдори 1,1 трлн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.



Шу билан бирга, соғлиқни сақлаш тизим ташкилотларига Давлат бюджетидан ажратилаётган маблағлар натижасида соҳани ислоҳ қилиш ва аҳолига сифатли тиббий хизматлар кўрсатиш бўйича қабул қилинган дастурлар доирасидаги барча тадбирлар молиялаштирилиши таъминланмоқда. Жумладан:

аҳолига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш харажатларига **131,2 млрд. сўм;**

онкология хизматини янада ривожлантириш ва аҳолига онкологик ёрдам кўрсатишни такомиллаштириш дастурида кўзда тутилган тадбирларни бажариш учун давлат бюджетидан Соғлиқни сақлаш вазирлигининг марказлаштирилган тадбирларини молиялаштиришга харажатлар сметаси орқали – **50,7 млрд. сўм;**

юқумли касалликларга, шу жумладан, вирусли гепатитга ташхис қўйиш, улар профилактикаси ва даволаш усулларини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларга мувофиқ, сурункали “С” вирусли гепатити ва унинг асоратларини даволашда вирусга қарши махсус терапия ўтказиш, қимматбаҳо замонавий дори-дармонлар харид қилиш учун **10 млрд. сўм;**

юқумли касалликларга, шу жумладан вирусли гепатитларга ташхис қўйиш, улар профилактикаси ва уларни даволаш усулларини янада такомиллаштиришга **жами 10 млрд. сўм;**

болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури харажатларига **44,5 млрд. сўм**;

болаларни эмлашни кенгайтириш, болаларда учрайдиган касалликларни ва болалар нобуд бўлишини камайтириш, мамлакатда эпидемиология осойишталигини таъминлаш мақсадида вакциналар харид қилиш учун **131,6 млрд. сўм**;

2016-2020 йилларда Ўзбекистонда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирларида белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун 2020 йилда жами **59,8 млрд. сўм;**

аҳолига онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантиришга **50,7 млрд. сўм**;

одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш бўйича қўшимча чора-тадбирларга **50,8 млрд. сўм;**

аҳолига эндокринология ёрдами кўрсатиш учун **24,5 млрд. сўм**;

гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларга даволаш ва дори воситалари билан таъминлашга **87,2 млрд. сўм;**

кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш харажатларига **32,1 млрд. сўм;**

2019-2021 йилларда сил ва ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалишига қарши курашиш комплекс чора-тадбирларига **16,9 млрд. сўм**;

2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастурига мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида ҳомиладор аёллар ва кекса фуқароларни ҳар йили витамин-минерал комплекси билан таъминлаш бўйича кутилаётган харажатларга **10,7 млрд. сўм;**

нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказишга йил охиригача

26,5 млрд. сўм маблағ ажратилиши кутилмоқда.

Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан Санитария-эпидемиологик осойишталик агентлигига 2020 йилнинг 1 октябрига қадар қуйидаги тадбирлар учун маблағлар йўналтирилди:

шахсий ҳимоя воситалари, дезинфекция воситалари, изоляция воситалари, тест (ПЦР) диагностикумлари, дори воситалари, тиббий техника воситаларини харид қилиш учун **434** млрд. сўм;

коронавирус инфекциясига чалинган беморларни даволаётган тиббиёт ва бошқа ходимларга махсус қўшимча рағбатлантириш ҳамда Карантин тадбирларига жалб этилган ходимларга кунлик 6 фоиз қўшимча тўловлар учун **61,4** млрд. сўм;

130 та автотранспорт воситаларини харид қилиш (100 та “Дамас” ва 30 та “Нексия”) **10,6** млрд. сўм маблағ ажратилди.

Шунингдек, **Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар Санитария-эпидемиология** осойишталик марказларига:

карантинда сақланаётган фуқарорларни сақлаш харажатларига **532,6** млрд. сўм;

коронавирус инфекциясига чалинган беморларни даволаш учун жалб этилган тиббиёт ва бошқа ходимларга махсус қўшимча рағбатлантириш ҳамда карантин тадбирларига жалб этилган ходимларга кунлик 6 фоиз қўшимча тўлов харажатларига **1 052,8** млрд. сўм;

жамоат жойларини дезинфекция қилиш ва эпидемик ҳолати билан курашиш бўйича бошқа тадбирлар харажатларига **40** млрд. сўм маблағлар ажратилди.

Бундан ташқари, Соғлиқни сақлаш вазирлигига коронавирус инфекциясига чалинган беморларни даволаш учун жалб этилган тиббиёт ва бошқа ходимларга махсус қўшимча рағбатлантириш ва бошқа тўловлар учун **223,9** млрд. сўм ҳамда дори-дармон, шахсий ҳимоя воситалари, дезинфекция воситалари ва беморларни сақлаш билан боғлиқ бошқа харажатлар учун **46,4** млрд. сўм маблағлар ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига 2020 йил якунига қадар Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан **609,1 млрд. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатлари 546,7 млрд. сўмни, капитал қўйилмалар миқдори 62,4 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.



Шу билан бирга Маданият вазирлиги тизим ташкилотларига ажратилаётган маблағлар асосан:

2020 йилда 17 та маданият марказининг биносини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига – **50,5** млрд. сўм;

2018-2022 йилларда давлат театрларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш чора-тадбирлари дастурига асосан 2020 йилда 3 та театр биносини мукаммал таъмирлаш ва 1 та Каттақўрғон шаҳар драма театрини жиҳозлаш харажатларига – **19,2** млрд. сўм;

2017-2027 йилларда давлат музейлари фаолиятини такомиллаштириш ва моддий-техник базасини мустаҳкамлаш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастурига асосан 2020 йилда 10 та музей биноларини мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш харажатларига – **19,7** млрд. сўм йўналтирилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, республика бюджети маблағлари ҳисобидан маданий мерос объектларини таъмирлаш, тиклаш ва реставрация қилиш ишларини бажариш харажатларига жорий йилнинг охирига қадар **66,8 млрд. сўм** маблағ ажратилиши қўзда тутилган.

Мамлакатамизда сўз эркинлиги ҳамда оммавий ахборот воситалари фаолияти учун максимал даражада қулай имкониятлар яратилмоқда. Шу жумладан, хорижда Ўзбекистоннинг ижобий имиджини илгари суриш, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар тўғрисида тарғибот қилиш ва жамоатчиликни кенг хабардор қилишга қаратилган ахборот кампанияларини ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплаш учун Ўзбекистон Республикасининг ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш жамғармасига Давлат бюджети ҳисобидан **20,0** млрд. сўм маблағ ажратилди.

Бундан ташқари, йил охирига қадар миллий кинематографияни янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури доирасида 60 қисмдан иборат 30 та ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув-услубий фильмлар, киносолномалар, киножурналлар ишлаб чиқариш, мультипликацион фильмлар суратга олиш, шунингдек қисқа метражли ва болалар юмористик фильмларини суратга олиш, давлат буюртмаси асосида ишлаб чиқарилган фильмларни жаҳон бозорига чиқариш ва фестивалларда намойиш этиш учун чет тилларга субтитрлаштириш ва дубляж қилиш, миллий кинематографиянинг энг сара асарларини тиклаш, реставрация қилиш ва замонавий форматга ўтказиш сарф-харажатлари учун **55,8 млрд. сўм** миқдорида Давлат бюджети маблағлари йўналтирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига 2020 йил охирига қадар **623,8 млрд. сўм** маблағ, жу жумладан вазирликнинг жорий харажатлари **315,2** млрд. сўмни, капитал қўйилмалар миқдори **308,6** млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.



2020 йил 1 январдан Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги тасарруфидаги спорт мактабларининг директорлари, директор ўринбосарлари, тренер, инструктор-методистлари ҳамда олимпия ва миллий

спорт турлари бўйича ихтисослаштирилган давлат мактаб-интернатларининг тренер, инструктор-методистларининг базавий тариф ставкалари ўртача 1,35 бараварга оширилди.

Болалар ва спорт мактаблари моддий-техник базасини замонавий, илғор жаҳон стандартларга мос равишда шакллантириш мақсадида 2020-2024 йиллар учун Манзилли дастур қабул қилинди.

Шунга кўра 2020 йил янги қурилган, реконструкция ва капитал таъмирланган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари объектларини жиҳозлаш (қайта жиҳозлаш) тадбирлари учун Давлат бюджетидан **34,2 млрд. сўм** маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига 2020 йилда **1,3 трлн. сўм** миқдорида маблағ, жу жумладан вазирликнинг жорий харажатлари 0,1 трлн. сўмни, капитал қўйилмалар миқдори 1,2 трлн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.



Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш тизими бўйича жами бугунги кунда 18 та ташкилотда 1 429 та штат бирлиги мавжуд. Ушбу муассасалар ходимлари сақлаш ҳамда белгиланган тадбирларни амалга ошириш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2020 йилда **671,1 млрд. сўм** маблағлар йўналтирилиши кутилмоқда.

Ушбу маблағлар асосан:

жойлардаги кўп қаватли уй-жойларда болалар майдончасини таъмирлаш ва қуриш, ирригация тизимини таъмирлаш, пиёдалар йўлакчасини бетонлаш ҳамда ёритиш нуқталарини таъмирлаш ва бошқа бир қатор тадбирларга 62 млрд. сўм;

иссиқлик таъминоти корхоналарига аҳоли учун иссиқлик тизими тарифларини паст қўллаш ҳисобига кўрилган зарар миқдорларини қоплаш учун Давлат бюджети ҳисобидан йил якунига қадар **483 млрд. сўм** маблағлар йўналтирилиши кутилмоқда.

Бундан ташқари, республика бўйича жами 214 та **ободонлаштириш ташкилотлари** ҳамда уларда жами 53,9 мингта штат бирликги мавжуд.

Ободонлаштириш бошқармалари ишчи ходимлари ва уларга бириктирилган ҳудудларни сақлаш харажатлари учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2020 йилда жами **2 021,1 млрд. сўм** ажратилиши кутилмоқда. Жумладан:

шаҳарларни ободонлаштириш ва туман марказларини, шаҳар типидаги посёлкалар ва бошқа аҳоли пунктларини ободонлаштириш бошқармаларидаги **35 мингдан ортиқ** штат бирликлари иш ҳақи харажатларига **962,6 млрд. сўм** ва бошқа харажатларга **181 млрд. сўм**;

қаровсиз ҳайвонларни тутиш ва сақлаш бригадаларидаги **608** та штат

бирлиги иш ҳақи харажатларига **15 млрд. сўм** ва бошқа харажатларга **2,2 млрд. сўм**;

Дренажлар ва коллекторларни таъмирлаш ва сақлашга ихтисослаштирилган бошқарма ҳамда Дренаж хўжалигидан фойдаланиш участкаларида **723 та** штат бирлиги иш ҳақи харажатларига **20 млрд. сўм**, бошқа харажатларга **22,1 млрд.сўм;**

ташқи ёритиш тизимидан фойдаланиш участкаларида **700 та** штат бирликлари иш ҳақи харажатларига **19 млрд. сўм**, бошқа харажатларга **87,5 млрд. сўм;**

шаҳарлардаги дафн этиш жойлари ва туман марказларидаги, шаҳарчалар ва бошқа аҳоли пунктларидаги дафн этиш жойларини сақлаш ва ободонлаштириш участкаларида **15 607 та** штат бирлиги иш ҳақи харажатларига **354 млрд. сўм**, бошқа харажатларга **26 млрд. сўм;**

Ободонлаштириш бошқармаларининг шаҳар автомобиль йўлларини таъмирлаш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш, туман марказлари автомобиль йўлларини таъмирлаш, хўжаликлараро қишлоқ автомобиль йўлларини таъмирлаш, шаҳар посёлкалари автомобиль йўлларини таъмирлаш ишларига жами **259 млрд. сўм** маблағлар йўналтирилиши кутилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 4 июндаги “Аҳоли пунктларини ободонлаштириш соҳасида ишлар самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4351-сонли қарорига асосан 2020 йилдан ободонлаштириш ходимларининг иш хақига 15 фоиздан 30 фоизгача устама пуллари ва озиқ-овқат харажатлари учун компенсация тўловлари жорий этилиб, Давлат бюджетидан қўшимча **220 млрд. сўмга** яқин маблағ ажратилиш кутилмоқда.

Бунинг натижасида Тошкент шаҳри туман ободонлаштириш бошқармалари ишчи ходимларининг бугунги кунда ўртача ойлик иш ҳақи **1 148,0 минг сўмдан 1 508,3 минг сўмгача** ёки 31 фоизга, вилоятлар бўйсунувидаги шаҳар ва туманлар ободонлаштириш бошқармалари ишчи ходимларининг бугунги кунда ўртача ойлик иш ҳақи **1 003,1 минг сўмдан 1 508,3 минг сўмга**, ёки 50 фоизга оширилди.

Бундан ташқари, 2020–2024 йилларда туман (шаҳар) ободонлаштириш бошқармаларини махсус техника ва механизмлар билан жиҳозлашнинг параметрига асосан 2020 йилда **289 та** техникалар хариди учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **67,3 млрд. сўм** маблағлар йўналтирилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 2020 йилда **513,8 млрд. сўм** миқдорида, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатлари 390,1 млрд. сўмни, капитал қўйилмалар миқдори 3,7 млрд. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.



Республикада 32 442 та фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарида жами 205,2 минг гектар боғ мавжуд бўлиб, уларнинг 52,8 минг гектари (25,7%) интенсив боғ ҳисобланади. Бугунги кунда мазкур интенсив боғ майдонларининг 28 минг гектарида (53%) сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилган.

Жорий йил охиригача республика бўйича 26 минг гектар майдонда янги интенсив боғ барпо этиш режалаштирилган.

Жорий йилнинг январ-август ойларида 75 та фермер ва қишлоқ хўжалиги корхоналарига **7 минг 565 гектар** (*ёнғоқ – 3 601 гектар, бодом – 2 025 гектар, гилос – 656 гектар, олма – 433 гектар, нок – 358 гектар, ўрик – 274 гектар, шафтоли – 161 гектар, олхўри – 26 гектар, анор – 5 гектар, хурмо – 3 гектар, беҳи – 18 гектар, писта – 5 гектар*) майдондаги янги интенсив боғларда сув тежовчи суғориш технологиялари жорий этилгани ва **64 дона бурғиланган қудуқ** учун жами 50,8 млрд. сўм маблағ ўтказиб берилган. Натижада 1 300 та янги иш ўринлари яратилган.

2020 йил охиригача аграр секторни қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлашни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш харажатларига Давлат бюджети ҳисобидан 60 млрд. сўм маблағ ажратилиши кутилмоқда.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 1 майдаги “Коронавирус пандемияси даврида озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, мавжуд ресурслардан оқилона фойдаланиш, қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4700-сон қарорига асосан Инқирозга қарши курашиш дастури доирасида ажратилган маблағлардан ер майдонларини фойдаланишга киритиш учун туман бюджетларига **300 млрд. сўм** маблағ ажратилди.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига 2020 йилда **2,6 трлн. сўм** миқдорида маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатлари 1,6 трлн. сўмни, капитал қўйилмалар миқдори 1 трлн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.



Сув хўжалиги вазирлигига тизим ташкилотлари билан бирга қуйидаги маблағлар ажратилиши кутилмоқда.

Насос станциялари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси харажатларини қоплаш учун **3,1 трлн. сўм**, насос станцияларида энергия самарадор насослар (11,9 млрд. сўм) ва электродвигателларни (43,5 млрд. сўм) сотиб олиш учун жами 55,4 млрд. сўм ва энергия тежамкор қурилмалар сотиб олиш учун 17,1 млрд. сўм маблағлар ажратиш кутилмоқда.

Натижада қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун 59,6 млрд. куб метр сув билан таъминлашга 7,6 млрд. кв/соат электр энергияси истеъмол қилинади. Бунинг натижасида **1,0 млн. гектар пахта**, **1,4 млн. гектар** бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ўз вақтида суғорилиши таъминланади.

Шу билан бирга, Инқирозга қарши курашиш жамғармаси маблағлари ҳисобидан республика ҳудудларидаги ирригация ва мелиорация объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш учун 2020 йил якунига қадар **400 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг жорий харажатларига 2020 йил охиригача **1,5** трлн. сўм маблағ йўналтириш кутилмоқда.



Ушбу маблағлар ҳисобидан 2020 йилда минерал-хомашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш учун геология-қидирув ишларини молиялаштиришга **1,4 трлн. сўм** маблағ кўзда тутилган.

Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун **374,6 млрд. сўм** маблағ ажратиш кўзда тутилган бўлиб, ушбу маблағларга пармалаш, кон қазувчи ва геофизика-геодезия, лаборатория-майдалаш ва бошқа ускуналар ва асосий воситалар харид қилиниши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 2020 йилги Давлат бюджети харажатлари параметрларида 27,6 трлн. сўм режалаштирилган бўлиб, ижро **35,1 трлн. сўм**ни ташкил қилиши кутилмоқда.



Кутилаётган ижро билан тасдиқланган режа ўртасидаги фарқ асосан Молия вазирлиги ҳузурида ташкил этилган Инқирозга қарши курашиш жамғармасига йил охиригача **13,4** трлн. сўм қўшимча маблағлар ажратилиши ҳисобига юзага келади.

Шунингдек, ажратилган маблағларнинг кутилаётган ижроси қуйидагича:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича ижтимоий харажатлар – **3,4** трлн. сўм;

давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг фоиз харажатлари – **2,1** трлн. сўм;

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатлари – **1,4** трлн. сўм;

бюджет ташкилотлари ходимларига ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини

тўлаш билан боғлиқ харажатлар – **0,3** трлн. сўм;

қишлоқ хўжалиги кластерлари томонидан олинган кредитлар фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш харажатларига – **0,2** трлн. сўм.

Бундан ташқари, Молия вазирлигига ажратилган маблағлар таркибида бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига трансфертлар – **9,1** трлн. сўм, республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджетига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар – **5,1** трлн. сўмни ташкил этади.


2.3. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларининг 2020 йилги кутилаётган ижроси

Консолидациялашган бюджет қамровини ошириш ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида 2020 йилдан қўшимча 15 та давлат мақсадли жамғармалари Ўзбекистон Республикасининг консолидациялашган бюджети таркибига киритилиб, жами 18 та давлат мақсадли жамғармаларининг барча тушумлари ва харажатлари консолидациялашган бюджетга жамланди.

2020 йилда Давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари тушумининг кутилаётган ижроси (трансфертларсиз) тегишлича **22,1 трлн. сўм** ва **3,8 трлн. сўм**ни, харажатлари эса **36,2 трлн. сўм** ва **13,1 трлн. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.

11-расм

Давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2020 йилги кутилаётган ижроси (трансфертларсиз) *(трлн. сўм)*



Жорий йил якунларига кўра, Давлат мақсадли жамғармаларининг жами тушумлари тасдиқланган параметрга нисбатан 3,3 трлн. сўмга кам ёки 87,0 фоизни, харажатларининг кутилаётган ижроси эса 0,8 трлн. сўмга кўп ёки 102,1 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

9-жадвал

2020 йил учун Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари ва харажатларининг кутилаётган ижроси

(млн. сўм)

Т/р	Кўрсаткичлар	Йил бошига қолдиқ	Даромадлар прогнози	трансфертлар		Харажатлар	Йил охирига қолдиқ
				Давлат бюджетидан	Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан		
I.	**Жами — Давлат мақсадли жамғармалари**	**6 917 352,7**	**22 094 661,9**	**10 268 082,8**	**637 000,0**	**36 159 338,4**	**3 757 759,0**
1.	"Эл-юрт умиди" жамғармаси	1 376,5	210,0	17 074,9		17 161,4	1 500,0
2.	Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма	10 000,0		134 801,6		144 801,6	
3.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	5 069 997,4	20 134 035,9	9 000 000,0	117 000,0	31 921 033,3	2 400 000,0
4.	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	39 099,6	260 100,0	150 000,0	200 000,0	645 199,6	4 000,0
5.	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	124 200,0	25 400,0			62 400,0	87 200,0
6.	Жамоат ишлари жамғармаси	16 917,8	51 100,0	250 000,0	300 000,0	548 017,8	70 000,0
7.	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси	1 012 263,6	122 700,0	150 000,0		352 863,6	932 100,0
8.	Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	222 458,4	168 000,0			362 458,4	28 000,0
9.	Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	21 600,0	68 800,0	120 000,0		203 900,0	6 500,0
10.	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси	145,4	593 726,1			593 871,4	
11.	Бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси	145 102,4	184 441,6	66 206,3		232 612,3	163 138,0
12.	Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси	22 074,5	164 254,6	100 000,0		286 329,1	
13.	Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси	10,8	200,0			210,8	
14.	Бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси	164,1	35 893,8		20 000,0	56 057,9	
15.	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси	337,3	56 200,0	80 000,0		136 537,3	
16.	Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	160 992,8	108 000,0			205 992,8	63 000,0
17.	Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси	3 021,9	1 600,0			2 300,9	2 321,0
18.	"Yoshlar — kelajagimiz" жамғармаси	67 590,3	120 000,0	200 000,0		387 590,3	
II.	**Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси**		**3 838 000,0**			**13 130 000,0**	

Давлат мақсадли жамғармаларига ўзларига юклатилган давлат функцияларини тўлиқ амалга оширишлари учун Давлат бюджетидан **10,3 трлн. сўм** ва Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан **0,6 трлн. сўм** мақсадли трансфертлар ажратилиши кўзда тутилган.

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг **“Эл-юрт умиди” жамғармаси**нинг 2020 йилги даромадлари коронавирус пандемиясига қарши кураш бўйича хорижий давлатларда, шунингдек республикамизда олиб борилаётган кенг қамровли тадбирлар муносабати билан халқаро авиақатновларнинг ҳозиргача тикланмаганлиги ва бугунги кунга қадар стипендия танловлари эълон қилинмаганлиги сабабли Давлат бюджетидан ажратилиши режалаштирилган 40,0 млрд. сўмни мақбуллаштирилиши натижасида **17,3 млрд. сўм**ни ёки тасдиқланган режага нисбатан 30,3 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Жамғарма харажатлари **17,2 млрд. сўм**га ижро этилиши кутилмоқда. Шундан, 2018–2019 йилларда жамғарма танловларида қатнашиб, ғолиб бўлган 39 нафар докторантура ва 6 нафар магистратура дастурида таълим олаётган, шунингдек 2020 йилда 6 нафар докторантура ва 6 нафар магистратура дастурида таълим олишни бошлайдиган стипендиатлар харажатларини молиялаштиришга 11,8 млрд. сўм сарфланиши кутилмоқда.

2. Солиқ қонунчилигига киритилаётган ўзгартириш ва қўшимчаларга асосан 2020 йилдан баъзи юридик шахслар учун меҳнатга ҳақ тўлаш фондига солиқ юкини, яъни устав жамғармасида давлат улуши 50 фоиздан ортиқ бўлган юридик шахсларга ижтимоий солиқ ставкаси 25 фоиздан 12 фоизга пасайтирилиши, жорий йил 1 апрелидан 1 октябрига қадар якка тартибдаги тадбиркорлар учун ижтимоий солиқ тўлови 50 фоизга, 1 апрелдан 31 декабргача туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасидаги меҳмонхона хизматлари кўрсатувчи субъектларга ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга ҳамда 1 майдан йил якунига қадар кичик бизнес субъектларига ижтимоий солиқ ставкаси 12 фоиздан 1 фоизга пасайтирилди.

Мазкур имтиёзлар эвазига 2020 йилда Пенсия жамғармасига келиб тушиши лозим бўлган ўрта ҳисобдаги **2,9 трлн. сўм**лик маблағлар тадбиркорлик субъектлари ҳамда корхона ва ташкилотлар тасарруфида қолдирилиши натижасида Жамғарма даромадлари пасайиши кутилмоқда.

Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари **Пенсия жамғармасининг** 2020 йилги даромадларининг кутилаётган ижроси **20,1 трлн. сўм**ни ташкил этиши ёки ижро тасдиқланган параметрга нисбатан 86,0 фоизга бажарилиши кутилмоқда.


Жамғарма харажатлари **31,9 трлн. сўм**ни ташкил этиши ва жамғарма маблағларининг вақтинча бўш қолдиғи 2020 йил бошига нисбатан 2,7 трлн. сўмга камайиб, 2,4 трлн. сўмни ташкил этиши кутилмоқда.

Жамғарма тақчиллигини қоплаш (йил бошига қолдиқлар билан) ва пенсионерлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида молиялаштириш учун Давлат бюджетидан **9,0 трлн. сўм** ва ижтимоий солиқ бўйича кичик бизнес субъектларига берилган имтиёзлар натижасида жамғарманинг йўқотилган даромадлар ўрнини қоплаш учун Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан **117,0 млрд. сўм** миқдоридаги трансфертлар ажратилади.

12-расм

Пенсия жамғармаси даромадлари ва харажатларининг 2018–2019 йиллардаги ижроси ва 2020 йилги кутилаётган ижроси

трлн. сўм



Таъкидлаш зарурки, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қарийб 3,6 трлн. сўм, шу жумладан 284 мингдан ортиқ болаликдан ногиронларга 1,7 трлн. сўм миқдорида нафақалар тўланиши таъминланади.

3. Ўзбекистон Республикаси **Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси** даромадлари жорий йилда **260,1 млрд. сўм**ни ёки тасдиқланган режага (268,0 млрд. сўм) нисбатан 97,1 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Жамғармага 2020 йилда Давлат бюджетидан ажратиладиган **150,0 млрд. сўм** маблағларга қўшимча равишда “Ишга марҳамат” мономарказлари ва касб-ҳунарга ўқитиш марказларини сақлаш, қайта таъмирлаш, жиҳозлаш, ўқитувчи ва ишлаб чиқариш таълим усталарининг иш ҳақларини тўлаш ҳамда томорқа ер участкалари самарадорлигини оширишни ҳамда қишлоқ хўжалиги кооперативлари аъзолигига бадал тўлаш учун ишсиз, кам таъминланган ва камбағал оилаларга субсидиялар ажратишни

молиялаштириш учун Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан **200,0 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кутилмоқда.

Жамғарма харажатлар режаси 488,0 млрд. сўм бўлиб, **645,2 млрд. сўм**га ижро этилиши кутилмоқда.

Меҳнат бозоридаги кескин вазиятни юмшатиш, янги иш ўринлари яратилишини рағбатлантириш, шунингдек мавжуд иш ўринларини сақлаб қолиш, аҳоли бандлигига кўмаклашишга оид ижтимоий-иқтисодий тадбирларни рўёбга чиқариш жараёнида Жамғарма маблағларидан қуйидагиларга маблағлар ажратиш кўзда тутилган:

иш қидираётган ва ишсиз мақомига эга шахс сифатида рўйхатдан ўтган шахсларни касбга тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш учун 228,5 млрд. сўм;

субсидиялар тақдим этиш учун 181,8 млрд. сўм;

бандликка кўмаклашиш марказлари, вақтинчалик бир марталик иш билан таъминлаш марказлари, ишсиз ва банд бўлмаган аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш минтақавий марказларни моддий-техник таъминлаш, сақлаш, шунингдек меҳнат органларини жойлаштириш учун биноларни харид қилиш, қуриш, таъмирлаш учун 91,8 млрд. сўм.

Алоҳида эътироф этиш лозимки, жамғарма маблағлари ҳисобидан қуйидаги аҳоли қатламларига ва йўналишларга субсидиялар ажратилади:

ишсиз шахсларга якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтиш, кичик корхоналар ва микрофирмаларни давлат рўйхатидан ўтказиш учун сарфланадиган харажатларни тўлашга;

аҳолининг ижтимоий заиф қатламига мансуб шахсларни захираланган (квоталанган) энг кам сондан ортиқ миқдорда ишга қабул қилган ташкилотларга;

аҳолининг ижтимоий заиф қатламига мансуб ходимларни касбга ўқитиш ва уларнинг малакасини оширишга сарфланадиган харажатларни молиялаштириш учун иш берувчиларга;

енгил конструкцияли иссиқхоналар ўрнатиш, суғориш воситалари харид қилиш, уруғликлар ва кўчатлар сотиб олиш учун томорқа ер эгаларига.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги **Жамоат ишлари жамғармаси**нинг 2020 йилги даромадлари жамоат ишларини ташкил этиш ва бажариш бўйича харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан ажратиладиган 250,0 млрд. сўмни инобатга олган ҳолда **301,1 млрд. сўм**ни ёки белгиланган параметрга (251,1 млрд. сўм) нисбатан 119,9 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Жамғармага 2020 йил якунига қадар жамоат ишларини кенгайтириш учун ва битирувчиларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан **300,0 млрд. сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Жамғарма харажатлар режаси 251,1 млрд. сўм бўлиб, **548,0 млрд. сўм**га ижро этилиши кутилмоқда. Шундан, жамоат ишларига жалб этилган ишсизлар ва банд бўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳақи тўловларига 488,7 млрд. сўм сарфланиши кутилмоқда.

5. Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармасининг 2020 йилги тушумлари тасдиқланган параметр доирасида, яъни **188,8 млрд. сўм**ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Жамғарманинг асосий тушум манбаси 120,0 млрд. сўм миқдоридаги Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобланади.

Жамғарманинг харажатлар режаси 188,8 млрд. сўм бўлиб, йил бошидаги қолдиқ маблағлар ҳисобига **203,9 млрд. сўм**га ижро этилиши кутилмоқда. Шундан:

хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишда имтиёзли кредитлар бериш учун тижорат банкларига ресурслар тақдим қилишга 100,0 млрд. сўм;

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни турар-жой билан таъминлашда бошланғич бадалларини қайтарилмаслик шарти билан тўлаб беришга 34,0 млрд. сўм;

оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатишга 12,3 млрд. сўм йўналтирилиши кутилмоқда.

6. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари **Республика мақсадли китоб жамғармаси**нинг 2020 йилги даромадлари **250,6 млрд. сўм**ни, харажатлари **232,6 млрд. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.

2020 йилда жамғармага Давлат бюджетидан ажратиладиган 66,2 млрд. сўм маблағлар ҳисобидан 12 162,3 минг нусха, жамғарма айланма маблағлари ҳисобидан эса 159,7 млрд. сўмлик 21 460,2 минг нусха дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар нашр этилади.

7. Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги **Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси**нинг 2020 йилги даромадлари **264,2 млрд. сўм**ни ёки белгиланган параметрга (98,0 млрд. сўм) нисбатан 269,6 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Коронавирус пандемияси оқибатларини юмшатиш мақсадида тез тиббий ёрдам бригадалари ходимларини (врач, фельдшер, санитар ва ҳайдовчилар) бир марталик моддий рағбатлантириш учун республика бюджетидан 100,0 млрд. сўм ва ушбу мақсадлар учун таниқли тадбиркор ватандошимиз А. Б. Усмонов томонидан қўшимча равишда 102,1 млрд. сўм (10 млн. АҚШ доллари эквиваленти) миқдорида ҳомийлик хайрияси ажратилиши натижасида жамғарма даромадлари ошиқча ижро этилиши кутилмоқда.

Жамғарма харажатлар режаси 98,0 млрд. сўм бўлиб, **286,3 млрд. сўм**га ижро этилиши кутилмоқда. Шундан, тез тиббий ёрдам хизматининг махсус автотранспортини харид қилиш ва транспорт паркини ўз вақтида янгилаш, шунингдек уларни замонавий тиббиёт ускуналари билан жиҳозлашга 65,8 млрд. сўм сарфланиши кутилмоқда.

8. Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳузуридаги бюджетдан ташқари **Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси**нинг 2020 йилги даромадлари **35,9 млрд. сўм**ни ёки белгиланган параметрга (71,2 млрд. сўм) нисбатан 50,4 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Жамғарма даромадлари камайишининг асосий сабаби коронавирус пандемиясининг салбий таъсири оқибатида энг кўп зарар кўрган ва кўраётган туризм ҳамда унга бевосита боғлиқ бўлган тармоқларни қўллаб-қувватлаш мақсадида жорий йилнинг 1 апрелидан 2021 йил 1 январгача бўлган даврда туристик (меҳмонхона) йиғимини ҳисоблаш ва тўлашнинг тўхтатилиши ҳисобланади.

Шу муносабат билан, туризм соҳасидаги юз минглаб иш ўринлари ва малакали мутахассисларни сақлаб қолиш, уларнинг даромадларини ушлаб туриш мақсадида туроператорлар ва жойлаштириш воситаларига мақсадли фоизсиз ссудалар ажратиш учун Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан **20,0 млрд. сўм** ажратилди.

Жамғарма харажатлар режаси 77,0 млрд. сўм бўлиб, **56,1 млрд. сўм**га ижро этилиши кутилмоқда.

2020 йилда **Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси** даромадлари **3 838 млрд. сўмни,** харажатлари эса **13 130 млрд. сўм**ни ташкил этилиши кутилмоқда.

2.4. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2020 йилги кутилаётган баланси

Ўзбекистон Республикасининг 2020 йилги консолидациялашган бюджети кутилаётган тақчиллиги **32,2 трлн. сўмни** ёки **ялпи ички маҳсулотга** нисбатан **5,5 фоизни** ташкил этиб, тасдиқланган прогноз **5 фоиз бандга** ошган.

2020 йилги Давлат бюджети тақчиллиги 19,8 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 3,3 фоизни ташкил этиб, тасдиқланган прогноз **2,9 фоиз бандга** ошган.

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси тақчиллиги 9,3 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 1,6 фоизни ташкил этиши кутилмоқда.

Консолидациялашган бюджет тақчиллиги ўсишининг асосий сабаби Давлат бюджетидан ва Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан коронавирус пандемияси тарқалишининг олдини олиш, Бухоро вилоятида юз берган табиий офат ва Сардоба сув омборида юзага келган фавқулодда ҳодиса оқибатларини бартараф этиш учун қўшимча маблағлар ажратилиши ҳамда пандемия даврида кўрилган чоралар натижасида Давлат бюджетининг йўқотишлари, шунингдек иқтисодиётнинг кўплаб соҳаларида тузилмавий ўзгаришлар сабабли харажатларнинг ошиши ҳисобланади.

Консолидациялашган бюджет тақчиллигини, шунингдек **4,4 трлн. сўм миқдоридаги асосий қарзни** қайтариш харажатларини қоплаш қуйидаги манбалар ҳисобидан амалга оширилиши кутилмоқда:

Халқаро молиявий ташкилотларнинг қарз маблағлари ва еврооблигациялар чиқариш ҳисобидан – **19,9 трлн. сўм**;

ички бозорга давлат қимматли қоғозларини жойлаштиришдан тушган маблағлар ҳисобидан – **3,4 трлн. сўм**;

Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларининг йил бошига шаклланган қолдиқ маблағлари ҳисобидан – **4,0 трлн. сўм**;

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси маблағлари ҳисобидан – **9,3 трлн. сўм**.

III. Давлат бюджети, давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг 2021 йилги прогнози ва 2022–2023 йиллар учун мўлжаллари

3.1. Давлат бюджети даромадларининг 2021 йилги прогнози ва 2022–2023 йиллар учун мўлжаллари

Давлат бюджетининг **2021 йил**ги даромад қисми лойиҳаси қуйидагиларни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилди:

- **ялпи ички маҳсулот 5,1 фоиз**га ўсишини ва уни **689 трлн. сўм**га етказишни кўзда тутувчи 2021 йил учун республика ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш прогнози;

- солиқ сиёсатининг 2021 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари солиқ тизимининг янада динамик ривожланишини таъминлаш ва солиқ юкини Давлат бюджети бўйича **21,9 фоиз**дан **21,1 фоиз**гача камайтириш;

- солиқ ундиришнинг синалган тамойиллари ва ёндашувлари, шунингдек бошқа мамлакатларнинг ижобий тажрибасига асосланган янги таҳрирдаги Солиқ кодексини амалиётга жорий этилганлигининг кутилаётган самаралари;


- стратегик товарлар айрим турлари бўйича жаҳон бозорларида нархларнинг ўзгариш прогнози;

- айрим турдаги товарлар ишлаб чиқариш ва сотишнинг режалаштирилган ҳажми;

- 2020 йилда солиқ ва божхона имтиёзларини, асосан қўшилган қиймат солиғи бўйича бекор қилиш.

13-расм

Давлат бюджети даромадлари динамикаси



2021 йилда Консолидациялашган бюджет даромадлари **178,5 трлн. сўм**ни ёки **ялпи ички маҳсулотнинг 25,9 фоиз** даражасида прогноз қилинмоқда.

2021 йилда Давлат бюджети даромадлари **147 трлн. сўм**ни ёки **ялпи ички маҳсулотнинг 21,3 фоиз** миқдорида прогноз қилинмоқда *(2020 йилда 129,6 трлн. сўм ёки ЯИМнинг 21,9 фоизи).*

Давлат бюджети даромадларининг ўсиши ва солиқ юкининг пасайиши динамикаси қуйидагича бўлади:

1) 2021 йилда **бевосита солиқ** тушумлари **46,8 трлн. сўм** (***давлат бюджети даромадларидаги улуши 32,0 фоиз***), жумладан фойда солиғи – **27,8 трлн. сўм** *(19,0 фоиз)*, айланмадан олинадиган солиқ – **2,2 трлн. сўм** *(1,5 фоиз)*, жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи – **16,9 трлн. сўм** *(11,5 фоиз)*.

Бевосита солиқ тушумларини прогноз қилишда иқтисодий ўсиш суръатлари, янги ишлаб чиқариш қувватларининг жорий этилиши ва иш ҳақининг ўсиши ҳисобга олинди.

14-расм

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи - **16,9 трлн. сўм (2020 йилда 14,8 трлн. сўм)**	Фойда солиғи - **27,8 трлн. сўм (2020 йилда - 26,8 трлн. сўм)**	Айланмадан олинадиган солиқ - **2,2 трлн. сўм (2020 йилда - 1,3 трлн. сўм)**

Хусусан, 2021 йилда **фойда солиғи** 27,8 трлн. сўм бўлиши кўзда тутилган ва 2020 йилдаги кутилаётган тушумларга (26,8 трлн. сўм) нисбатан 993 млрд. сўмга (+3,7%) кўп бўлади.

Айланмадан олинадиган солиқ тушумлари 2,2 трлн. сўм миқдорида ёки жорий йилда кутилаётган тушумларга нисбатан 858 млрд. сўм ортиқ (+66 фоиз) бўлиши прогноз қилинмоқда. Бунинг асосий сабаби – жорий йилда кичик тадбиркорлик субъектларининг узоқ вақт давомида карантин чекловларида фаолият кўрсатганидан сўнг иқтисодий ўсишнинг тикланишидир.

Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи тушумлари 16,9 трлн. сўм миқдорида (+2,1 трлн.сўм) прогнозлаштирилмоқда. Бу даромадлар таркибида ёлланиб ишловчилардан олинадиган даромад солиғи, дивиденд ва фоиз кўринишидаги даромадлар бўйича солиқ, декларация асосида тўланадиган даромад солиғи тушумлари ҳисобга олинган.


2) Манбалар кесимида асосий даромадлар **билвосита солиқлар**га тўғри келиб, уларнинг жами миқдори **62,6 трлн. сўм**ни ёки умумий Давлат бюджети даромадларининг **42,6 фоизи** ва **ЯИМнинг 9,1 фоизи** (*2020 йилда 48,4 трлн. сўм ёки ЯИМнинг 8,2 фоиз*) миқдорида бўлиши кутилмоқда. Шуни таъкидлаш

лозимки, қўшилган қиймат солиғи ставкасининг камайиши туфайли ялпи ички маҳсулотга нисбатан билвосита солиқларнинг салмоғи камайиш тенденциясига эга бўлмоқда. 2019 йилда ялпи ички маҳсулотга нисбатан билвосита солиқларнинг салмоғи 9,1 фоизни ташкил этган бўлса, 2020 йилда 8,2 фоиз бўлиши кутилмоқда. 2021 йилда эса бу кўрсаткич яна 9,1 фоиз даражасида прогноз қилинмоқда.

Билвосита солиқлар бўйича асосий тушумлар қўшилган қиймат солиғи бўйича 47 трлн. сўм миқдорида прогноз қилинмоқда (билвосита даромадлардаги улуши – 75,0 фоиз).

15-расм


2020-2021 йилларда билвосита солиқлар таркиби (млрд. сўм)



а) 2021 йилда **қўшилган қиймат солиғи** бўйича **47,0 трлн. сўм** ёки жорий йилда кутилаётган тушумларга нисбатан **13,0 трлн. сўм**га (+38,4 фоиз) кўп даромад тушиши прогноз қилинмоқда.

Хусусан, республика ичида ишлаб чиқариладиган товарлар ва хизматлар бўйича – **29,3 трлн. сўм** (+37,3 фоиз), импорт қилинадиган товарлар бўйича – **24,5 трлн. сўм** (+22,4 фоиз), қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариб бериш бўйича – "- 6,9 трлн. сўм" прогноз қилинмоқда.

Ўтказилган ислоҳотлар, жумладан имтиёзларни бекор қилиниши натижасида қўшилган қиймат солиғи самарадорлигини кўрсатувчи ***C-efficiency*** коэффициенти (тушумлар ялпи ички маҳсулотдаги улушининг стандарт ставкага нисбати) 2019–2021 йилларда қуйидагича ўзгариши кутилмоқда.



Прогнозни ҳисоблашда, қўшилган қиймат солиғи бўйича таклиф қилинаётган ўзгаришлар, 2020 йил 1 октябрдан бошлаб бекор қилинаётган имтиёзлар бўйича тушумлар ва ижтимоий-иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари ҳисобга олинган.

б) Прогноз йилида **акциз солиғи** тушумлари **12,3 трлн. сўм**ни (+932 млрд. сўм) ташкил этиши ҳисоб-китоб қилинмоқда. Бу кўрсаткич 2021 йил солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари асосида ҳисоблаб чиқилган.

16-расм

2021 йилда акциз солиғи тушумлари прогнози



Алкоголь маҳсулотлари - **1,8 трлн сўм** (2020 йилда - 1,6 трлн сўм)

Сигарет - **1,9 трлн сўм** (1,6 трлн сўм)

Нефть маҳсулотлари - **437 млрд сўм** (343 млрд сўм)

Газ - **3,3 трлн сўм** (3,5 трлн сўм)

Полиэтилен гранулалари - **265 млрд сўм** (247 млрд сўм)

Мобиль алоқаси хизмати - **983 млрд сўм** (1,2 трлн сўм)

Якуний истеъмолчиларга сотиладиган бензин, дизель ёқилғиси ва газ **- 2,4 трлн сўм** (2,1 трлн сўм)

Цемент - **511 млрд сўм** (кўзда тутилмаган)

Импорт қилинадиган товарлар - **613 млрд сўм** (798 млрд сўм)

в) **божхона божи** бўйича тушумлар прогнози импорт ҳажмининг 2,8 фоизга ошиши, бож тўловига тортиладиган импорт ҳажми салмоғининг 54 фоиз миқдорида бўлишидан ва хатлов натижасида самарасиз имтиёзларни бекор қилишдан келиб чиқиб ҳисобланади. Шунингдек, божхона божларидан тушадиган даромадларни баҳолашда алоҳида товарлар гуруҳи учун “ноль” ставкали божлар ўрнига 1-2 фоиз миқдорида “фискал” божхона божининг жорий этилиши ҳам ҳисобга олинган. 2021 йилда бу даромад туридан Давлат бюджети даромадлари миқдори 3,3 трлн. сўм (+252 млрд. сўм ёки +8,3 фоиз) бўлиши тахмин қилинмоқда.

3) **Ресурс солиқлари ва мол-мулк солиғи бўйича** даромадлар **19,2 трлн. сўм** ёки жами давлат бюджети даромадларининг **13,1 фоиз** бўлиши кутилмоқда.



Мол-мулк солиғидан - 2,5 трлн. сўм
(2020 йилда - 2,2 трлн. сўм)



Ер солиғидан - 2,9 трлн. сўм
(2020 йилда - 2,3 трлн. сўм)



Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан - 13,3 трлн. сўм
(2020 йилда - 16,4 трлн. сўм)



Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан - 391 млрд. сўм
(2020 йилда - 350 млрд. сўм)

Хусусан, мол-мулк солиғидан **2,5 трлн. сўм** (умумий даромадлардаги салмоғи – 1,7 фоиз), ер солиғидан **2,9 трлн. сўм** (2 фоиз), ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқдан **13,3 трлн. сўм** (9,1 фоиз) ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқдан **391 млрд. сўм** (0,3 фоиз) келиб тушади. Ушбу даромад манбаларидан олинадиган даромадлар, ер солиғи ставкаларининг ҳар йиллик индексацияси ва айрим турдаги объектлар учун мол-мулк солиғи ва ер солиғининг пасайтирилган ставкалари миқдорининг ошиши натижасида ўсади.

2021 йилда Давлат бюджетининг бошқа даромадлари **17,9 трлн. сўм**ни ташкил қилиши прогнозлаштирилмоқда ёки жами даромадлар таркибидаги салмоғи **12,2 фоиз**ни ташкил қилади. Бу даромадлар, асосан, давлат улушига ҳисобланган дивидендлар, давлат божи, йиғимлар, жарималар каби тўловлардан шаклланади.


3.2. Давлат бюджети харажатларининг 2021 йилги прогнози ва 2022–2023 йиллар учун мўлжаллари

2021 йилги Давлат бюджети харажатлари 165,6 трлн. сўмни, ялпи ички маҳсулотга нисбатан 24 фоизни ёки 2020 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан 26 фоизга ўсиши прогноз қилиниб, бу алоҳида соҳалар ривожига мақсадли харажатларни ошириш йўли билан иқтисодий ўсишни рағбатлантиришни таъминлайди.

17-расм

Давлат бюджети харажатларининг вазифа жиҳатидан таснифи бўйича 2021 йил учун параметрлари (*трлн. сўм)*

Жами харажат	165,6
Ижтимоий ҳимоя	29,8
Таълим	41,7
Соғлиқни сақлаш	20,8
Иқтисодий масалалар	18,4
Умумий аҳамиятдаги давлат хизматлари	20,7
Уй-жой ва коммунал хизматлар	2,9
Дам олиш, маданият, спорт ва дин	3,5
Жамоат тартиби ва хавфсизлиги	2,9
Атроф-муҳитни муҳофаза қилиш	0,3
Бошқалар	24,5



1. 2021 йилда соҳаларни ривожлантириш Давлат дастурларининг молиялаштирилиши.

Давлат дастурларининг режалаштирилган давлат харажатлари билан уйғунлигининг назоратини кучайтириш мақсадида 2021 йил учун Давлат бюджети тўғрисидаги Қонунда биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларининг Давлат дастурларига ажратилаётган маблағлар алоҳида қаторларда кўрсатиш механизми жорий қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати қарорларига мувофиқ қабул қилинган **Давлат дастурлари ва тадбирларни амалга ошириш** учун Давлат бюджетидан 2021 йилда жами **44,5 трлн. сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Ушбу маблағлар иқтисодиёт, ижтимоий соҳа, транспорт-коммуникация, техник-муҳандислик, энергетика объектларини қамраб олган инфратузилма тармоқларини ривожлантириш бўйича давлат дастурларини ўз вақтида молиялаштиришни таъминлаш имконини беради *(маълумотнома-жадвал илова қилинади)*.

Жумладан, Давлат бюджетидан 2021 йилда соҳалар кесимида қуйидаги Давлат дастурларини амалга ошириш кўзда тутилмоқда:

таълим соҳасида ҳозирги кун талаблари даражасидаги юқори малакали кадрларни тайёрлашда узлуксиз таълим тизимини ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун **2 197 млрд. сўм**;

фанни ривожлантириш дастурларини амалга ошириш учун **168 млрд. сўм**;

соғлиқни сақлаш соҳасида аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш бўйича давлат дастурларига **3 952 млрд. сўм**;

маданият соҳасидаги давлат дастурларини молиялаштириш учун **242 млрд. сўм**;

жисмоний тарбия ва оммавий спортни ривожлантириш бўйича давлат дастурларига **407 млрд. сўм;**

қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги давлат дастурлари ва тадбирлар учун жами **4 790 млрд. сўм**, **шундан**:

замонавий насос ва электродвигателлар сотиб олиш харажатлари учун **103 млрд. сўм**;

мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш учун **365 млрд. сўм**;

зараркунандаларга қарши курашиш харажатларини қоплаш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш харажатларига **120 млрд. сўм;**

“Тоза ҳудуд” ДУКни махсус техника ва ускуналар билан жиҳозлаш ва чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш учун **206,5 млрд. сўм**;

фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун **445 млрд. сўм**;

пахта хом ашёси етиштирувчиларда ҳамда узумзорларда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш учун **239 млрд. сўм**;

сув насос станцияларининг электр энергия истеъмоли учун харажатларига 3 128 млрд.сўм ажратилиш режалаштирилмоқда.

Бундан ташқари, 2021 йилги Давлат бюджети лойиҳасида:

геология-қидирув ишлари харажатларига қабул қилинган дастурларни амалга ошириш учун **1 200 млрд. сўм;**

экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш харажатларига **100 млрд. сўм**;

республикадаги кўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш ишларига **105 млрд.сўм**;

уй ҳайвонларини вакцинация қилиш харажатларига **112 млрд. сўм**;

давлат кадастрларни юритиш ва маълумотлар базасини шаклантиришда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар

ҳамда чиқиндиларни кўмиб ташлаш ва утиллаштириш жойлари давлат кадастри учун Давлат бюджетидан **4 млрд. сўм;**

Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш конценцияси харажатларига **80 млрд.сўм**;

Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси тадбирларини молиялаштириш харажатларига **120 млрд. сўм**;

янги меҳмонхонани қуриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларининг бир қисмини қоплашга **100 млрд. сўм**;

экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга **165 млрд. сўм**;

аҳолини ижтимоий ҳимоялаш, жумладан қишлоқ жойларда ва шаҳарларда аҳолининг муҳтож қатламларини арзон уй-жойлар билан таъминлаш ҳамда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва материалларни қайта ишлаш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **2 409 млрд. сўм**;

иссиқлик таъминоти корхоналари учун аҳолига тарифларни паст нархларда ушлаб туриш натижасида кўрилган зарарни қоплаш харажатлари учун **556 млрд. сўм;**

нодавлат мактабгача таълим муассасаларга **600 млрд. сўм**;

маҳаллий автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналарга утиллаштириш харажатларига **200 млрд. сўм**;

чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликлари ва “Паррандасаноат” уюшмасига аъзо бўлган паррандачилик хўжаликларини давлат томонидан молиявий қуллаб-қувватлаш мақсадлари учун **70 млрд. сўм**;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифлари давомида ҳудудларни ижтимоий иқтисодий ривожлантириш учун **3 500 млрд. сўм** маблағ режалаштирилмоқда.

2. Давлат бюджетининг 2021 йилги соҳалар кесимидаги харажатлари прогнози

Таълим

2021 йилда Давлат бюджетининг жами **таълим соҳаси харажатлари 34,6 трлн. сўм** миқдорида ёки Давлат бюджети жами харажатларининг **21 фоизини** ёки 2020 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан 15,6 фоиз кўп режалаштирилмоқда.

18-расм



Шундан:

мактабгача таълим муассасаларини молиялаштиришга Давлат бюджетидан **6,5 трлн. сўм** ёки 2020 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан 25 фоиз кўп маблағ йўналтириш режалаштирилган;

10-жадвал

2017–2023 йилларда бир нафар тарбияланувчига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар

№	Кўрсаткичлар номи	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил кутилаётган	2021 йил прогноз	Бюджет мўлжаллари	
							2022 йил	2023 йил
1	Давлат мактабгача таълим ташкилотлари сони	4 917	5 598	5 856	5 960	5 981	5 995	6 015
2	Қуввати (минг ўрин)	739,4	765,4	831,0	849,2	852,5	854,6	857,6
3	Тарбияланувчилар сони (минг нафар)	655,9	838,7	991,4	1 048,3	1 130,7	1 185,3	1 239,6
4	Жами - жорий харажатлар, (млрд сўм)	1 745	2 840	4 049	4 774	5 372	5 718	6 078
	шундан бир нафар тарбияланувчига (млн сўм)	*2,7*	*3,4*	*4,1*	*4,6*	*4,8*	*4,8*	*4,9*
5	Жами - 4-гуруҳ харажатлари, (млрд сўм)	420	953	1 402	1 433	1 654	1 820	2 002
	шундан бир муассасага ўртача харажат (млн сўм)	*85*	*170*	*239*	*240*	*277*	*304*	*333*
6	Жами - капитал харажатлар, (млрд сўм)	256	1 341	1 844	1 943	2 173	2 555	3 014

умумий ўрта таълим харажатлари 23,8 трлн. сўмни ёки 2020 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан 14,8 фоизга ошган ҳолда Давлат бюджети жами харажатларининг 14,6 фоизини йўналтириш режалаштирилган;

11-жадвал

2017–2023 йилларда бир нафар ўқувчига Давлат бюджетидан ажратилган маблағлар

№	Кўрсаткичлар номи	2017 йил	2018 йил	2019 йил	2020 йил кутилаётган	2021 йил прогноз	Бюджет мўлжаллари	
							2022 йил	2023 йил
1	Умумтаълим мактаблари сони	9 388	9 456	9 698	9 708	9 718	9 728	9 738
2	Қуввати (минг ўрин)	4 899,0	4 924,1	5 028,0	5 148,0	5 167,7	5 210,8	5 229,3
3	Ўқувчи сони (минг нафар)	5 181,9	5 749,5	6 052,3	6 173,6	6 297,4	6 423,6	6 552,3
4	Жами - жорий харажатлар, (млрд сўм)	8 256	10 994	17 019	19 286	20 893	21 216	21 544
	шундан бир нафар ўқувчига (млн сўм)	*1,6*	*1,9*	*2,8*	*3,1*	*3,3*	*3,3*	*3,3*
5	Жами - 4-гуруҳ харажатлари, (млрд сўм)	482	774	1 059	890	979	1 077	1 185
	шундан бир муассасага ўртача харажат (млн сўм)	*51*	*82*	*109*	*92*	*101*	*111*	*122*
6	Жами - капитал харажатлар, (млрд сўм)	1 114	776	1 857	2 092	2 301	2 531	2 784

ўрта-махсус ва олий таълим харажатлари 4,3 трлн. сўмни ёки 2020 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан 7,8 фоизга кўп маблағ йўналтириш режалаштирилган. Жумладан:

академик лицейларни сақлаш харажатларига – 265,5 млрд. сўм;

коллежларни сақлаш харажатларига – 368,1 млрд. сўм;

касб-ҳунар мактабларини сақлаш харажатларига – 927,2 млрд. сўм;

техникумларни сақлаш харажатларига – 110,5 млрд. сўм;

олий таълим муассасаларини сақлаш харажатларига – 2 220,2 млрд. сўм маблағ режалаштирилмоқда.

Соғлиқни сақлаш

2021 йилда соғлиқни сақлаш соҳаси харажатлари 19,6 трлн. сўмни ёки 2020 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан 38 фоизга ошган ҳолда жами харажатларнинг 12 фоизини, ялпи ички маҳсулотнинг эса 2,8 фоизини ташкил этиши режалаштирилган.

Маданият ва спорт соҳаси

Маданият ва спорт соҳасига харажатлар 2021 йилда 2,6 трлн. сўмни ташкил қилиб, 2020 йилги тасдиқланган параметрга нисбатан **13,7 фоизга** ошиши кўзда тутилган.

Жумладан, маданият соҳасига 1,4 трлн. сўм, спортга 1,1 трлн. сўм маблағ йўналтирилиши режалаштирилмоқда.

Фан

Фанни янада ривожлантириш тадбирлари учун 2021 йилда **1,2 трлн. сўм** ёки 2020 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан **13,5 фоиз** кўп маблағ йўналтириш режалаштирилмоқда.

Ижтимоий ҳимоя

2021 йилда ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларга моддий ёрдам бериш, болали оилаларга барча турдаги ижтимоий нафақаларни тўлаш, кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам кўрсатиш, болаликдан ногиронларга нафақалар тўлаш, шунингдек уй-жой коммунал хизматларни тўлаш бўйича компенсация тўловларини амалга ошириш учун **10,2 трлн. сўм** ёки жами харажатларнинг 4,8 фоизи кўзда тутилган бўлиб, бу 2020 йил тасдиқланган параметрга нисбатан **3,7 трлн. сўмга** ёки 56,3 фоизга кўп маблағ ажратилиши режалаштирилган.




Ушбу харажатлар қуйидагиларга йўналтирилади:

- ҳар ойда ўртача 80 мингдан ортиқ бола туғилгани учун нафақа тўлаш билан боғлиқ харажатларга – 436 млрд. сўм;
- ҳар ойда ўртача 315 мингдан ортиқ болаликдан ногиронлар учун 1 833 млрд. сўм;
- ҳар ойда ўртача 133 мингдан ортиқ пенсия тайинлаш учун зарур бўлган иш стажига эга бўлмаган қарияларга ва меҳнатга лаёқатсизларга нафақа харажатларига – 476 млрд. сўм;
- ҳар ойда ўртача 1 900 мингга яқин пенсионерларга ун ва қолипли нон учун қўшимча харажатларини компенсация тўловларига – 1 138 млрд. сўм;
- ҳар ойда ўртача 1 200 мингга яқин нафақа олувчиларга ун ва қолипли нон учун қўшимча харажатларини компенсация тўловларига – 720 млрд. сўм;
- 400 минг нафар оналарга бола икки ёшга тўлгунга қадар уни парваришлаш учун бериладиган нафақага – 2 083 млрд. сўм;
- 700 мингта 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақаларга – 2 074 млрд. сўм;
- кам таъминланган 100 минг оилаларга моддий ёрдам учун – 391 млрд. сўм.

2021 йилда ижтимоий нафақаларни олувчи эҳтиёжманд оилалар сони **1,2 миллион оилагача**, яъни 2020 йилга солиштирганда **2 бараварга** оширилиши режалаштирилган.

19-расм



Бундан ташқари, аҳолини қўллаб-қувватлаш, пул тўланадиган жамоатчилик ишларига, тадбиркорликка кенг жалб этиш асосида бандликни таъминлаш мақсадида Жамоатчилик ишлари жамғармаси орқали 2021 йилда **250 млрд. сўм,** Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси орқали **250 млрд. сўм**, Хотин-қизлар ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси орқали **125 млрд. сўм** ажратилиши кўзда тутилмоқда. Шунингдек, шаҳар транспортларида имтиёзли тарифлар билан хизмат кўрсатишдаги йўқотишни қоплаш учун жами **350 млрд. сўм** миқдорида маблағлар ажратиш режалаштирилган.

Аҳолининг муҳтож қатламларини арзон уй-жойлар билан таъминлаш учун 2021 йилда қишлоқ жойларда ва шаҳарларда кўп квартирали уйларни қуришни молиялаштириш учун Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан **2,4 трлн. сўм** ажратиш кўзда тутилган.

Иқтисодиёт харажатлари

Давлат бюджетидан 2021 йилда иқтисодиётга ажратилиши режалаштирилаётган харажатлар 13,8 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2 фоизни ташкил этиб, жами харажатларнинг 8,5 фоизини ташкил этади.

Марказлашган инвестиция харажатлари

2021 йилги Давлат бюджети лойиҳасида марказлашган капитал қўйилмалари учун **17,2 трлн. сўм** ёки 2020 йилги тасдиқланган параметрларга нисбатан 3,2 трлн. сўмга кўп (ялпи ички маҳсулотнинг 2,5 фоизи) маблағ ажратилиши кўзда тутилган. Жумладан:

ижтимоий соҳа объектларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлаш ва жиҳозлаш ишларига 5 450 млрд. сўм (20-расм);

маъмурий, муҳандислик инфратузилма, сув хўжалиги, шунингдек алоҳида муҳим ва тоифаланган объектларни қурилиш-таъмирлаш ишларига 900 млрд. сўм;

суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тадбирларига 1 100 млрд. сўм;

автомобиль йўллари, кўприклар ҳамда йўл ўтказгичларини қуриш ва реконструкция қилиш, шунингдек объектларни жиҳозлаш ҳамда техникалар харид қилишга 2 600 млрд. сўм;

бошқа объектлар, жумладан ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва мудофаа органлари ҳамда маъмурий ва бошқа объектлар қуриш ва таъмирлашга 6 250 млрд. сўм;

Давлат-хусусий шериклик лойиҳаларига 900 млрд.сўм ажратилиши режалаштирилган.

20-расм



Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура ва суд органлари харажатлари

Давлат ҳокимияти, бошқаруви, адлия, прокуратура, суд ва фуқароларнинг ўзини-ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатларига 2021 йилда **7,4 трлн. сўм** ажратилиши режалаштирилган бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг 1 фоизини ташкил қилади.

3. Ўзбекистон Республикаси республика бюджетининг биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчилар (вазирлик ва идоралар) кесимида 2021 йил учун харажатлар прогнози

Мазкур бўлимда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари тўғрисида айрим вазирлик ва идоралар кесимида келтирилади.

Республика бюджетидан биринчи даражали бюджет маблағларини тақсимловчиларга ажратиладиган маблағларнинг чекланган миқдорлари **135,6 трлн. сўмни** ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлигига 2021 йилда республика бюджетидан **22,1 трлн. сўм**, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 20,2 трлн. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 1,9 трлн. сўм ҳамда Республика мақсадли китоб жамғармасига 0,1 трлн.сўм трансфертлар режалаштирилмоқда.

2021 йилда таълим муассасаларида ўқиш сифатини ошириш, ўсаётган ёш авлоднинг тайёргарлигини такомиллаштириш ва бошқа дастурларни молиялаштириш жадал давом эттирилади.

Халқ таълими соҳаси учун ажратилган маблағлар жами республика бўйича **9 718 та** умумтаълим мактаблари, **62 та** махсус интернатлар, **159 та** айрим фанларга ихтисослаштирилган мактаб-интернатлар, **24** та меҳрибонлик ва болалар уйлари, **22 та** Президент, ижод ва ихтисослаштирилган мактаблар ҳамда бошқа муассасаларда болаларга таълим бериш харажатларига йўналтирилади.

Шу билан бирга:

2021 йилда республика бўйича жами **4 мингга** яқин қўшимча синфлар очилиши кутилаётган бўлиб, ушбу тадбирларни молиялаштиришга Давлат бюджетидан қўшимча **455,3 млрд. сўм**;

математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш мақсадида 2021 йил 1 сентябрдан миллий сертификатга эга бўлган математика ўқитувчилари ойлик маошини 25-50 фоизда ошириш белгиланган бўлиб, ушбу тадбирлар учун Давлат бюджетидан **235 млрд. сўм;**

Президент мактабларининг жорий фаолиятини молиялаштириш учун кейинги йилда бюджет ҳисобидан **71 млрд. сўм;**

кам таъминланган оила фарзандлари бўлган ўқувчилар учун қишки кийим бош тўпламлари ҳарид қилиш ва жойларга етказиб бериш учун **77,2 млрд. сўм;**

чин етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш харажатлари учун **30 млрд. сўм;**

умумий ўрта таълим муассасалари педагог ходимларини синф раҳбарлиги учун устама тўловларини **1,5 бараварга ошириш** учун **408 млрд. сўм;**

умумтаълим мактабларини кенг полосали интернет тармоғига улаш учун 98 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, 2021 йилда Давлат бюджети ҳисобидан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан илгари сурилган 5 та ташаббуснинг:

биринчи ташаббуси — ёшларни маданият ва санъат муассасаларига кенг жалб этиш мақсадида мактабларни мусиқа асбоблари ва техникалари билан таъминлашга **8,4 млрд. сўм;**

иккинчи ташаббуси — ёшларни жисмоний тарбия ва спортга жалб этиш мақсадида спорт жиҳозлари харид килиш учун **45,0 млрд. сўм** маблағ кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлигига 2021 йилда республика бюджетидан **5,4 трлн. сўм** маблағ, жу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 4,7 трлн. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 0,7 трлн. сўм кўзда тутилган.

2021 йилда мактабгача таълим ташкилотлари сони 3 189 тага ва уларга қатновчи болалар сони 162 мингга ошиши натижасида кутилаётган қўшимча харажатлари **211 млрд. сўмни** ташкил этади.

2021 йилда мактабгача таълим ташкилотларининг озиқ-овқат харажатларини СанПиН нормасига етказиш, болалар сони ўсиши билан боғлиқ харажатлари ҳамда куз-қиш захираси учун **847,4 млрд. сўм** маблағ кўзда тутилмоқда.

Мактабгача таълим нодавлат муассасалари харажатларининг бир қисмини қоплаш учун давлат-хусусий шерикчилиги шартлари асосида ташкил қилинган шундай муассасаларга давлат мактабгача таълим муассасасининг бир нафар тарбияланувчисига сарфланадиган сумманинг 50 фоизигача миқдорда Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан қўллаб-қувватлаш тартиби жорий этилганлиги муносабати 2021 йилда **600 млрд. сўм** субсидия ажратиш кўзда тутилган.

Мактабгача таълим ташкилотларини санитария-гигиена воситалари билан белгиланган меъёрлар асосида таъминлаш учун 2021 йилда қўшимча **25 млрд. сўм** йўналтирилади.

Соғлом баркамол авлодни вояга еткизиш тадбирлари спорт жиҳозлари харид килиш учун **12,0 млрд. сўм** маблағ кўзда тутилмоқда.

Республикамизнинг барча ҳудудларида болаларни умумий бошланғич таълимга бепул мажбурий бир йиллик тайёрлашнинг ягона тизимини жорий қилиниши муносабати билан Давлат бюджетидан **159 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган.

Шунингдек, туман ва шаҳарлар мактабгача таълим бўлимлари ходимларининг иш ҳақи фондига 2 ойлик мукофот ва 1 ойлик моддий ёрдам фонди киритилиши натижасида Давлат бюджетидан **31 млрд. сўм** қўшимча маблағлар ажратилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига 2021 йилда республика бюджетидан **2,8 трлн. сўм**, жу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 2,6 трлн. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 0,2 трлн. сўм кўзда тутилган.

2021 йилда олий таълим муассасалари сони 106 та, шу жумладан хорижий олий таълим муассасалар филиаллари 10 та, уларда таълим олувчи талабалар сони 533 мингдан ошиши кутилмоқда.

2020/2021 ўқув йилидан бошлаб Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига давлат гранти асосида ўқишга қабул қилиш бўйича давлат буюртмаси параметрлари босқичма-босқич икки бараварга оширилиши муносабати билан 2021 йилда Давлат бюджети параметрларида **225,1 млрд. сўм** маблағ кўзда тутилмоқда.

Илмий даража олиш учун таянч докторантурага ва докторантурага қабул квоталари харажатлари учун 2021 йилда Давлат бюджетидан **175,7 млрд. сўм** ажратилиш режалаштирилган.

Илм-фан ва таълим соҳасидаги давлат ташкилотларида илмий, илмий-педагогик ва меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи илмий даражага эга ходимларга қўшимча ҳақ тўлашни янада такомиллаштириш мақсадида илмий даражага эга шахслар учун лавозим маошининг 30-60 фоизигача қўшимча ҳақ тўлаш тизими жорий этилиб, 2021 йилда **310 млрд. сўм** маблағ режалаштирилмоқда.

Шунингдек, илм-фан, таълим, ахборот ва маслаҳат хизматлари тизимини ривожлантириш йўналишида агросаноат мажмуига кирувчи илмий, илмий-тадқиқот ва илмий-тажриба муассасаларининг бино ва иншоотларини сақлаш, ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича харажатларини Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан базавий молиялаштириш шартларига ўтказилганлиги муносабати билан 2021 йилда **27,8 млрд. сўм** маблағ ажратиш кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Олий ўқув курслари Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси Академияси этиб қайта ташкил этилиб, Давлат бюджети ҳисобидан 2021 йилда **22 млрд. сўм** маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Бундан ташқари, янги ташкил этилган Адиблар хиёбони, Самарқанд ветеринария институти Тошкент филиалини ташкил этиш ва Археология илмий марказларини, “Маҳалла ва оила” илмий-тадқиқот институти фаолиятини, Тошкент шаҳрида Аджу университетини, Термиз давлат университети Денов филиали негизида Самарқанд давлат университетининг Денов тадбиркорлик ва педагогика институти фаолиятини молиялаштириш учун 2021 йилда Давлат бюджетидан салкам **30 млрд. сўм** маблағ ажратиш кўзда тутилган.

Таянч докторантура ва докторантурага Давлат бюджети маблағлари ҳисобига ва тўлов-контракт асосида ўқитиш учун қабул квотаси, қоида тариқасида, тегишли ўқув йили учун тасдиқланган олий таълим муассасаларига давлат буюртмаси асосида магистратура мутахассисликларига ўқишга қабул қилиш умумий параметрларининг 30 фоизидан кам бўлмаган миқдорда белгиланди. Шу муносабат билан ушбу мақсадлар учун **258 млрд. сўм** маблағлар йўналтирилади.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигига 2021 йилда республика бюджетидан **3,4 трлн. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 2,3 трлн. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 1,1 трлн. сўм кўзда тутилган.

Соғлиқни сақлаш соҳаси учун маҳаллий бюджетлар харажатлари билан бирга 2021 йилда дори-дармон ва тиббиёт буюмларини харид қилишга ажратиладиган маблағларни ошириш сиёсати давом эттирилиб, дори воситалари,

тиббиёт буюмлари, вакцина ва бакпрепаратлар ҳамда давлат дастурларида кўзда тутилган тадбирлар учун харажатлар қарийб **2,6 трлн. сўм**ни ёки 2020 йилга нисбатан **16 фоизга** ошириш режалаштирилган.

Бунинг натижасида, масалан:

туман марказий шифохонасида 2020 йилда бир ўрин-кунга ўртача дори учун харажат 11 495 сўмдан тўғри келган бўлса, 2021 йилга келиб 13 220 сўмга етади ёки 15 фоизга ошириш;

шошилинч тиббий ёрдам муассасаларида 2020 йилда бир ўрин-кунга ўртача дори учун харажат 42 013 сўмдан тўғри келган бўлса, 2021 йилга келиб 48 315 сўмга етади ёки 15 фоизга ошириш режалаштирилган.

Тиббиёт муассасаларига озиқ-овқат харажатлари учун 2021 йилда **614 млрд. сўмдан** ёки 2020 йилга солиштирганда 74 фоизга кўп маблағ ажратилиши режалаштирилган

Бунинг натижасида:


туман (шаҳар) шошилинч тиббий ёрдам бўлимларида 2020 йилда бир ўрин-кунга ўртача озиқ-овқат учун харажат 7 468 сўмдан тўғри келган бўлса, 2021 йилга келиб 21 000 сўмга етади ёки салкам 3 бараварга;

эндокринология муассасаларида 2020 йилда бир ўрин-кунга ўртача озиқ-овқат учун харажат 7 662 сўмдан тўғри келган бўлса, 2021 йилга келиб 22 000 сўмга етади ёки салкам 3 бараварга;

юқумли касалликлар шифохоналарида 2020 йилда бир ўрин-кунга ўртача озиқ-овқат учун харажат 7 400 сўмдан тўғри келган бўлса, 2021 йилга келиб 21 000 сўмга етади ёки салкам 3 бараварга;

силга қарши кураш муассасаларида 2020 йилда бир ўрин-кунга ўртача озиқ-овқат учун харажат 13 588 сўмдан тўғри келган бўлса, 2021 йилга келиб 25 000 сўмга етади ёки салкам 2 бараварга ва бошқа тиббиёт мауссасаларида ҳам озиқ-овқат учун харажатлар сезиларли даражада оширилмоқда.

21-расм



Соғлиқни сақлаш соҳасидаги Давлат дастурларини амалга ошириш мақсадида қуйидагилар учун Давлат бюджетидан маблағлар кўзда тутилган. Жумладан:

коронавирусга қарши курашиш тадбирлари ва вакцина сотиб олиш учун **3 трлн. сўм**;

Сирдарё вилоятида тажриба тариқасида “Электрон соғлиқни сақлаш” тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш учун **28 млрд. сўм**;

Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси учун **126 млрд. сўм**;

2018–2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш дастури бўйича 2021 йилда **39,3 млрд. сўм**;

2017–2021 йилларда аҳоли орасида онкологик касалликларнинг олдини олиш ва барвақт аниқлашнинг самарали тизимини яратиш, онкологик касалликларга ташхис қўйиш ва даволашнинг илғор усулларини жорий этиш дастури бўйича 2021 йилда **61,7 млрд. сўм**;

одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш ва шифохона ички инфекцияларини профилактика қилишга **90,9 млрд. сўм**;

кам учрайдиган ва бошқа ирсий генетик касалликлари бўлган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатишни ташкиллаштириш ҳамда жисмоний ва руҳий ижтимоий ривожланишда орқада қолиш хавфи бўлган, орқада қолган болаларга эрта ёрдам бериш мақсадида **37,2 млрд. сўм**;

болаларни вакциналар билан таъминлашга **198,6 млрд. сўм**;

мамлакатимизда юқумли касалликларга, шу жумладан вирусли гепатитларга ташхис қўйиш, уларнинг профилактикаси ва даволаш усулларини янада такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширишга **14,2 млрд. сўм**;

тиббиёт кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш учун хорижий етакчи тиббиёт ҳамда илмий муассасаларга юбориш, шунингдек республикага малакали хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш харажатлари учун **6,6 млрд. сўм;**

2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш давлат дастурини амалга ошириш доирасида 2021 йилда **14 млрд. сўм** маблағлар ажратиш кўзда тутилмоқда.

Аҳолига ихтисослаштирилган нефрологик ва гемодиализ тиббий ёрдам кўрсатиш самарадорлигини ошириш мақсадида чора-тадбирлар дастури бўйича **137,8 млрд. сўм** маблағ йўналтирилади.

Нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш учун **27,8 млрд. сўм** кўзда тутилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигига 2021 йилда республика бюджетидан **843,8 млрд. сўм**, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 652,0 млрд. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 191,8 млрд. сўм кўзда тутилган.

Маданият соҳасида Давлат бюджетидан маблағ олувчи жами 38 та театр, 45 та музей, 814 та маданият марказлари, 202 та кутубхоналар ва ахборот ресурс марказлари, 310 та халқ ҳаваскорлик жамоалари, 15 та филармония, 14 та мақом марказлари ва бошқа маданият муассасалари мавжуд.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳудудларга ташрифи доирасида берган топшириқларига ва қабул қилинган Ҳукумат қарорларига мувофиқ маданий ва археологик мерос объектларини реставрация ва тиклаш ишлари учун 2020 йилда **73,5 млрд. сўм** ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Кинематография соҳасини янада ривожлантириш Давлат дастурларини амалга ошириш доирасида давлат буюртмаси бўйича кино маҳсулотлари ишлаб чиқаришга бюджетдан **76,4 млрд. сўм** маблағ ажратилиши кўзда тутилган. “Ўзбеккино” Миллий агентлиги томонидан 2020 йилдан бошлаб – 30 та тўлиқ метражли бадиий фильмлар, 60 қисмдан иборат 30 та ҳужжатли, илмий-оммабоп, ўқув-услубий фильмлар, киносолномалар, киножурналлар ҳамда 15 та мультипликацион фильмлар ишлаб чиқариш назарда тутилган.

Замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларини шакллантириш ва моддий-техника базасини таъминлашга Давлат бюджетидан **55,8 млрд. сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлигига 2021 йилда республика бюджетидан **1,1 трлн. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 0,7 трлн. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 0,4 трлн. сўм кўзда тутилмоқда.

Республикамизда спорт соҳаси бўйича Давлат бюджетидан маблағ олувчи 245 та болалар-ўсмирлар спорт мактаблари, 15 та футбол академиялари, 11 та республика ўсмирлар олий спорт маҳорати мактаблари, 55 та ихтисослаштирилган болалар ва ўсмирлар спорт мактаблари, 3 та олимпия захиралари спорт мактаби, 1 та ихтисослаштирилган сув спортини ривожлантириш республика маркази мавжуд.

Республика миқёсида спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларни ташкиллаштириш ва календар режасига асосан кейинги йил бюджет лойиҳасида **189,2 млрд. сўм** маблағ йўналтирилмоқда.

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг 2021 йил учун республика календарь режасига асосан Ўзбекистон спортчиларининг 2021 йил Токио шаҳрида (Япония) бўлиб ўтадиган XXXII ёзги Олимпия ва XVI Паралимпия ўйинларида иштирок этишлари учун Давлат бюджетидан **180 млрд. сўм** маблағ йўналтириш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлигига 2021 йилда республика бюджетидан **1 трлн. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 0,1 трлн. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 0,9 трлн. сўм кўзда тутилган.

Бундан ташқари, ҳудудларни ободонлаштириш ва уй-жой коммунал хизматларни ривожлантириш ишлари, хусусан, ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган дастурлар ижросини таъминлаш ҳамда шаҳар ва туманларни ободонлаштириш мақсадида Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 2021 йилга жами **3 091 млрд. сўм** режалаштирилмоқда. Шундан,



- шаҳарлар ва туманлар ҳудудларини ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари учун **2 045,4 млрд. сўм**;

- махсус эксплуатация ва монтаж бўлимларини сақлаш харажатларига **56,3 млрд. сўм**;

- Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги ва ҳудудий бошқармаларини сақлаш харажатларига **60,4 млрд. сўм** ажратилиши режалаштирилган.

Бундан ташқари, давлат дастурлари бўйича қуйидаги тадбирларга маблағлар йўналтирилиши кўзда тутилмоқда. Жумладан;

шаҳар ва туманлардаги кўп хонадонли уй-жой фондига туташ ҳудудларни ободонлаштириш ишларига **73,6 млрд. сўм**;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари балансида бўлган ички йўлларини таъмирлаш тадбирларига республика бюджетидан маҳаллий бюджетларга 2021 йилда **268,1 млрд. сўм**;

ободонлаштириш бошқармаларини махсус техника ва механизмлар билан жиҳозлаш учун 294 та техника механизмлар харид қилишга **98,3 млрд. сўм**;

иссиқлик таъминоти корхоналарига аҳоли учун иссиқлик тизими тарифлари паст қўллаш ҳисобига кўрилган зарар миқдорларини қоплаш учун Давлат бюджети ҳисобидан 2021 йилда **556 млрд. сўм**;

56 та лифтларни таъмирлаш ҳамда 535 та лифт ускуналарни алмаштиришга жами **104,5 млрд. сўм** режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигига 2021 йилда республика бюджетидан **494,0 млрд. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 374 млрд сўм кўзда тутилган.

Шунингдек:

Виночиликни ривожлантириш жамғармасига **40 млрд. сўм**;

Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармасига **80 млрд. сўм** трансфертлар;

зараркунандаларга қарши курашиш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш билан боғлиқ харажатларга Давлат бюджетидан **120 млрд. сўм;**

республикада ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги техникаси лизинг ёки кредит шартларида харид қилинган кредитларнинг фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш харажатларига Давлат бюджети ҳисобидан **55 млрд. сўм** маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Сув хўжалиги вазирлигига 2021 йилда республика бюджетидан **2,8 трлн. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 1,7 трлн. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 1,1 трлн. сўм кўзда тутилган.

Сув хўжалиги вазирлигига тизим ташкилотлари билан бирга қуйидаги маблағлар ажратилиши кутилмоқда.

Насос станциялари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси харажатларини қоплаш учун **3,1 трлн. сўм**, насос станцияларида энергия самарадор насослар (15,3 млрд. сўм) ва электродвигателларни (59,2 млрд. сўм) сотиб олиш учун жами 74,5 млрд. сўм ва энергия тежамкор қурилмалар сотиб олиш учун 5,3 млрд. сўм маблағлар ажратиш кутилмоқда.

Натижада қишлоқ хўжалиги ерларини суғориш учун 56,2 млрд. куб метр сув билан таъминлаш учун 7,6 млрд. кв/соат электр энергияси истеъмол қилинади.

Бунинг натижасида, **1,0 млн. гектар пахта**, **1,2 млн. гектар** бошоқли дон ва бошқа қишлоқ хўжалиги экин майдонлари ўз вақтида суғорилишининг молиялаштирилиши таъминланади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитасининг 2021 йилда республика бюджетидан **1,3 трлн. сўм** маблағ, шу жумладан вазирликнинг жорий харажатларига 1,2 трлн. сўм, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш) ва жиҳозлаш учун капитал қўйилмаларга 0,1 трлн. сўм кўзда тутилган.

Ушбу маблағлар асосан 2021 йилда минерал-хом ашё базасини ривожлантириш ва қайта тиклаш давлат дастурини амалга ошириш учун геология-қидирув ишларини молиялаштиришга **1,2 трлн. сўм** маблағ кўзда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига 2021 йилда республика бюджетидан **54,3 трлн. сўм** маблағ, шу жумладан:

Молия вазирлиги харажатлари таркибида қуйидаги давлат дастурларини ва тадбирларни молиялаштириш учун 25,5 трлн. сўм маблағлар кўзда тутилмоқда:

иш ҳақи, пенсиялар, стипендиялар ва нафақалар миқдорларини ва айрим хизматларнинг тарифларини ошириш билан боғлиқ харажатлар – **8,4 трлн. сўм**;

бюджет ташкилотларда ишлайдиган ходимларга ҳомиладорлик ва туғиш нафақаларини тўлаш билан боғлиқ харажатлар – **0,4 трлн. сўм**;

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси бўйича ижтимоий харажатлар – **4,5 трлн. сўм**;

давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг фоиз харажатлари – **3,0 трлн. сўм**;

Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатлари – **3,5 трлн. сўм**;

уй-жойлар дастурини молиялаштиришга – **2,4 трлн. сўм**;

фермер хўжаликлари томонидан истеъмол қилинадиган электр энергияси қийматини қоплаш учун субсидиялар – **0,4 трлн. сўм**;

коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва вакцина сотиб олиш харажатлари – **3 трлн. сўм**;

иссиқлик ва ичимлик сув таъминоти хизматлари учун аҳолига ноль даражали ставкани қўллаш натижасида ҳосил бўлган қўшилган қиймат солиғининг ортиқча суммасини қайтариш – **0,1 трлн. сўм**;

адвокатлар томонидан юридик ёрдам кўрсатилганлиги учун ҳақ тўлаш харажатлари – **23,2 млрд. сўм**;

болали оилаларга нафақа, болани парвариш қилиш нафақаси ва моддий ёрдам тўлаш бўйича Халқ банки бўлинмалари (филиаллари) хизматларига ҳақ тўлаш харажатлари – **22,8 млрд. сўм**;

Молия вазирлиги ва унинг тузилмасидаги ташкилотларнинг жорий харажатлари ва бошқалар – **136,1 млрд. сўм** ажратилиши режалаштирилмоқда.

Шунингдек, объектларни лойиҳалаштириш, қуриш (реконструкция қилиш)

ва жиҳозлаш учун капитал қўйилма дастури харажатлари тақсимланмаган лимити **3,3 трлн. сўм** кўзда тутилган. Жумладан:

эркин иктисодий ва кичик саноат зоналари ҳамда тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар иштирокидаги йирик ишлаб чиқариш лойиҳаларининг инфратузилмасини ривожалантириш харажатлари **1 трлн.сўм**;

Давлат-хусусий шериклик шартлари асосида лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштириш **0,9 трлн.сўм**;

инвестиция дастурларининг тақсимланмаган маблағлари ва келгуси йиллар учун лойиҳалаш-қидирув ишлари ҳамда марказлашган инвестициянинг бошқа харажатлари **1,3 трлн.сўм** маблағ режалаштирилган.

Бундан ташқари:

бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига трансфертлар – **14,7 трлн. сўм**;

республика бюджетидан Қорақалпоғистон Республикаси бюджети, вилоятлар ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджетларига ажратиладиган тартибга солувчи трансфертлар – **10,4 трлн. сўм** кўзда тутилган.

3.3. Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларининг 2021 йил учун прогноз кўрсаткичлари

2021 йилда давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг даромадлари тушумининг кутилаётган ижроси (трансфертларсиз) тегишлича **26,2 трлн. сўм** ва **5,3 трлн. сўм**ни, харажатлари **40,7 трлн. сўм** ва **13,4 трлн. сўм**ни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

Давлат мақсадли жамғармалари бюджетларининг лойиҳаларини тақчилликка йўл қўймасдан ишлаб чиқиш мақсадида давлат мақсадли жамғармаларининг йил бошидаги **3,8 трлн. сўм**лик қолдиқ маблағлари инобатга олинган ҳолда ишлаб чиқилди.

Давлат бюджетидан давлат мақсадли жамғармаларига ўзларига юклатилган давлат функцияларини тўлиқ амалга оширишлари учун қуйидаги йўналишларга **15,9 трлн. сўм**лик мақсадли трансфертлар ажратилиши кўзда тутилмоқда:

- стипендиатларни хорижий таълим ва илмий муассасаларда ўқитиш, малакасини ошириш ва стажировка ўташини ташкил этиш, хорижий мутахассисларни, шу жумладан ватандошларимизни республикада меҳнат фаолиятини амалга оширишга жалб этиш учун 30,0 млрд. сўм;

- Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ҳукумати томонидан қабул қилинган дастурлар, топшириқлар асосида жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш учун 150,0 млрд. сўм;

- пенсионерлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида молиялаштириш учун 14 700,0 млрд. сўм;

- аҳоли бандлик даражасини ошириш учун 250,0 млрд. сўм;

- жамоат ишларини ташкил этиш ва бажариш бўйича харажатларни молиялаштириш учун 250,0 млрд. сўм;

- кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига, шунингдек аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларига уларнинг белгиланган мезонларга мос келадиган тадбиркорлик ташаббусларини амалга ошириш учун тадбиркорлик фаолиятининг барча йўналишларидаги лойиҳаларни молиялаштиришга кафолатлар ва кафилликлар ҳамда тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплашга компенсациялар тақдим этиш учун 200,0 млрд. сўм;

- хотин-қизларни ва оилани ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, шунингдек хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишда имтиёзли кредитлар бериш учун 125,0 млрд. сўм;

- умумий ўрта таълим муассасаларига нашр ва қайта нашр этиладиган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни харид қилиш ва етказиб бериш учун 71,4 млрд. сўм;

- янги боғлар ва иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш учун 80,0 млрд. сўм;

- узумчилик ва виночиликни ривожлантириш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш, шунингдек алкоголли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчиларнинг молиявий фаоллигини қўллаб-қувватлаш учун 40,0 млрд. сўм.

12-жадвал

2021 йил учун Давлат мақсадли жамғармалари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси даромадлари ва харажатларининг прогноз кўрсаткичлари

(млн. сўм)

Т/р	Кўрсаткичлар	Йил бошига қолдиқ	Даромадлар прогнози	Давлат бюджетидан трансфертлар	Харажатлар	Йил охирига қолдиқ
I.	**Жами — давлат мақсадли жамғармалари**	**3 757 759,0**	**26 173 898,6**	**15 896 435,7**	**40 739 950,3**	**5 088 143,0**
1.	"Эл-юрт умиди" жамғармаси	1 500,0	180,0	30 000,0	30 180,0	1 500,0
2.	Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғарма			150 000,0	150 000,0	
3.	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси	2 400 000,0	23 470 000,0	14 700 000,0	36 487 000,0	4 083 000,0
4.	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	4 000,0	285 000,0	250 000,0	532 000,0	7 000,0
5.	Хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш жамғармаси	87 200,0	51 000,0		67 700,0	70 500,0
6.	Жамоат ишлари жамғармаси	70 000,0	100,0	250 000,0	300 100,0	20 000,0
7.	Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси	932 100,0	170 000,0	200 000,0	814 100,0	488 000,0
8.	Давлат активларини бошқариш, трансформация ва хусусийлаштириш жамғармаси	28 000,0	150 000,0		150 000,0	28 000,0
9.	Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси	6 500,0	81 500,0	125 000,0	213 000,0	
10.	Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси		620 290,0		620 290,0	
11.	Бюджетдан ташқари Республика мақсадли китоб жамғармаси	163 138,0	206 400,6	71 435,7	146 752,3	294 222,0
12.	Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси		67 518,0		67 518,0	
13.	Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси		210,0		210,0	
14.	Бюджетдан ташқари Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси		74 400,0		73 400,0	1 000,0
15.	Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси		45 800,0	80 000,0	125 800,0	
16.	Виночиликни ривожлантириш жамғармаси	63 000,0	170 000,0	40 000,0	180 000,0	93 000,0
17.	Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси	2 321,0	1 500,0		1 900,0	1 921,0
18.	Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси		780 000,0		780 000,0	
II.	**Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси**		**5 336 230,6**		**13 423 631,0**	

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлигининг **“Эл-юрт умиди” жамғармаси**га Давлат бюджетидан **30,0 млрд. сўм** ажратилиши режалаштирилмоқда.

Харажатлари эса жамғарма даромадларига мутаносиб равишда **30,2 млрд. сўм**га прогноз қилинмоқда. Жамғарма маблағлари қуйидагиларга сарфланиши кўзда тутилмоқда:

- хорижда кадрларни тайёрлаш, малакасини ошириш ва стажировкадан ўтказиш харажатларини молиялаштиришга 21,0 млрд. сўм;

- хорижий мутахассисларни, шу жумладан ватандошларимиз билан алоқалар ўрнатиш ва уларни республикамизда меҳнат фаолиятини амалга оширишга жалб этишга 3,0 млрд. сўм;

- Жамғармани сақлаш харажатларига 6,2 млрд. сўм.

2. Келгуси йилда ижтимоий солиқ ставкалари бюджет ташкилотлари учун 25 фоиз, бошқа солиқ тўловчилари учун 12 фоиз миқдорида сақланиб қолиниши кўзда тутилган.

Шунингдек, қатъий белгиланган суммада ижтимоий солиқ тўловчи жисмоний шахсларнинг айрим тоифалари учун солиқ ставкалари қуйидаги миқдорларда белгиланади:

а) якка тартибдаги тадбиркорлар учун, шунингдек якка тартибдаги тадбиркорларнинг ёлланма ходимлари учун ижтимоий солиқнинг ойига базавий ҳисоблаш миқдори (БҲМ)нинг 75 фоизи;

б) фаолиятни юридик шахс ташкил этмаган ҳолда оилавий тадбиркорлик шаклида амалга оширувчи оила аъзолари томонидан:

якка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган оила аъзоси томонидан – ойига БҲМнинг 75 фоизи миқдорида;

оиланинг бошқа аъзолари томонидан – йилига БҲМнинг 2 баравари миқдорида;

в) бошқа жисмоний шахслар, жумладан ўз-ўзини банд қилувчилар учун – йилига БҲМнинг 2 баравар миқдорида;

г) хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи Ўзбекистон Республикаси фуқаролари томонидан – йилига БҲМнинг 2 баравари миқдорида.

Таклиф этилаётган чора-тадбирлар натижасида Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари **Пенсия жамғармаси**нинг 2021 йилдаги даромадлари прогнози **23,5 трлн. сўм**ни, харажатлари эса **36,5 трлн. сўм**ни ташкил этади.

2021 йилда пенсия ва нафақа тўловлари олувчи фуқаролар сони **3,6 млн. нафардан** ошиши кутилмоқда.

Жамғарма тақчиллигини қоплаш (йил бошига қолдиқлар билан) ва пенсионерлар олдидаги мажбуриятларни ўз вақтида молиялаштириш учун Давлат бюджетидан кейинги йилда **14,7 трлн. сўм** миқдорида трансферт ажратилиши кутилмоқда.

2022–2023 прогноз йилларда пенсия тизими тақчиллиги ошиши кутилаётган бўлиб, республика бюджетидан тегишлича 16,7 трлн. сўм ва 19,8 трлн. сўм ажратилиши назарда тутилган.

3. 2021 йилда Ўзбекистон Республикасининг **Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси** тушумлари **285,0 млрд. сўм**ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Жамғарманинг асосий тушум манбаси иш берувчининг ходимлар меҳнатига ҳақ тўлашга доир харажатларидан 137,5 млрд. сўм миқдоридаги мажбурий ажратмалар ҳисобланади.

Жамғармага келгуси йилда аҳоли бандлигини таъминлаш, аҳолини меҳнат фаолиятига жалб қилиш учун қулай шароитларни яратишда давлат органларининг иш самарадорлигини ошириш, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш бўйича дастурларни мақсадли молиялаштиришга республика бюджетидан **250,0 млрд. сўм** миқдоридаги мақсадли трансфертлар ажратилиши режалаштирилмоқда.

Жамғарманинг харажатлари эса **532,0 млрд. сўм**ни ташкил этиб, ишсизларни касбга тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, ишсизлик нафақаларини тўлаш, субсидиялар тақдим этиш, бандликка кўмаклашиш марказларини қуриш ва реконструкция қилиш ҳамда бошқа харажатларни молиялаштиришга йўналтирилиши кутилмоқда.

Давлат бюджетидан ажратилган мақсадли маблағлардан 125,0 млрд. сўмни республика туманлари ва шаҳарларида янги иш ўринлари ташкил этишни назарда тутувчи кичик ва мини-лойиҳаларни амалга ошириш учун кредит линияларини очишга ресурслар тақдим қилишга йўналтириш кўзда тутилган.

4. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузуридаги **Жамоат ишлари жамғармасига** 2021 йилда жамоат ишларини ташкил этиш ва бажариш бўйича харажатларни молиялаштириш учун Давлат бюджетидан 250,0 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилмоқда.

Жамғарманинг харажатлари эса йил бошидаги 70,0 млрд. сўм қолдиқни ҳисобга олган ҳолда **300,1 млрд. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда. Шундан жамоат ишларига жалб этилган ишсизлар ва банд бўлмаган шахсларнинг меҳнат ҳақи тўловларига 265,0 млрд. сўм, жамоат ишларида, жумладан уларни ижара асосида бериш йўли билан фойдаланиш учун мўлжалланган асосий воситалар, мини-ускуналар ва инвентарларни харид қилишга 27,0 млрд. сўм, жамоат ишларини бажариш учун хавфсизлик техникаси ва махсус кийим харид қилишга 3,4 млрд. сўм ҳамда жамғармани сақлаш харажатларига 1,9 млрд. сўм сарфланиши кутилмоқда.

5. Ўзбекистон Республикаси **Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси**нинг 2021 йилги даромадлари Ўзбекистон Республикаси Президентининг тегишли қарорларига мувофиқ кичик бизнес ва тадбиркорлик субъектларини, шу жумладан аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламларининг тадбиркорлик ташаббусларини молиявий қўллаб-қувватлаш учун тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини қоплаш мақсадида компенсациялар ва кафилликлар беришга Давлат бюджетидан ажратилиши кўзда тутилаётган 200,0 млрд. сўмни инобатга олган ҳолда **370,0 млрд. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда.

Жамғарма харажатлари эса йил бошига қолдиқ маблағлар билан бирга **814,1 млрд. сўм**ни ташкил этиб, шундан тижорат банкларига қарз олувчиларнинг кредитлари бўйича тақдим этилган кафолатлар билан боғлиқ тўловларни тўлашга 50 млрд. сўм, тижорат банкларининг кредитлари бўйича фоиз харажатларини бир қисмини қоплаш учун компенсациялар беришга 725,4 млрд. сўм ва жамғарма ҳамда Тадбиркорликни ривожлантириш агентлигини сақлаш харажатларига 23,1 млрд. сўм йўналтириш кутилмоқда.

6. 2021 йилда **Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш давлат мақсадли жамғармаси**нинг тушумлари **206,5 млрд. сўм**ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Жамғарманинг асосий тушум манбаси 125,0 млрд. сўм миқдоридаги Давлат бюджетидан ажратиладиган маблағлар ҳисобланади.

Жамғарманинг харажатлари эса йил бошига қолдиқ маблағлар билан бирга **213,0 млрд. сўм**ни ташкил этиб, Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигининг хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар билан ишлаш, хотин-қизлар масалалари бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари билан алоқалар ҳамда хотин-қизлар муаммолари билан ишлаш йўналишларидан ҳамда “Маҳалла ва оила” институтининг асосий фаолият йўналишларидан келиб чиқувчи тадбирларга йўналтирилиши кутилмоқда. Жумладан:

хотин-қизларга оилавий ва хусусий тадбиркорликни ташкил этишда имтиёзли кредитлар бериш учун тижорат банкларига ресурслар тақдим қилишга 100,0 млрд. сўм;

оғир ижтимоий вазиятга тушиб қолган хотин-қизларни, шу жумладан ногиронлиги бўлган, кам таъминланган, фарзандларини тўлиқсиз оилада тарбиялаётган ва уй-жой шароитини яхшилашга муҳтож оналарни турар-жой билан таъминлашда бошланғич бадалларини қайтарилмаслик шарти билан тўлаб беришга 36,8 млрд. сўм;

оғир ижтимоий аҳволга тушиб қолган хотин-қизлар ва оилаларга, ногиронлиги бўлган аёлларга моддий ёрдам кўрсатишга 18,5 млрд. сўм.

7. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари **Республика мақсадли китоб жамғармаси**нинг 2021 йилги тушумлари **277,8 млрд. сўм**ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда. Жамғарма даромадларини шакллантиришнинг асосий манбаси дарсликлар бўйича ижара тўловларидан 175,2 млрд. сўм, кейинчалик фойдаланишга яроқсиз бўлган дарсликлар ва ўқув-методик мажмуаларни утилизация қилишдан тушган тушумлардан 11,2 млрд. сўм ва Давлат бюджетидан мақсадли ажратиладиган 71,4 млрд. сўм ва бошқа тушумлар ҳисобланади.

Жамғарманинг 2021 йилги кутилаётган харажатлари эса **146,8 млрд. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда. Шундан Давлат бюджетидан мақсадли ажратиладиган маблағлар ҳисобидан 9 498,5 минг нусха дарсликлар ва ўқув-методик мажмуалар нашр этилиши режалаштирилган. Ушбу маблағлар доирасида қуйидаги харажатларни қоплаш кўзда тутилган:

- биринчи синф ўқувчиларини дарсликлар билан бепул таъминлаш;

- Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб ва мактаб-интернатларининг тарбияланувчи ўқувчиларини дарсликлар билан таъминлаш;

- ижтимоий ёрдамга муҳтож бўлган оилалардаги ўқувчиларни дарсликлар билан таъминлаш;

- бюджет маблағлари ҳисобидан нашр этилган дарсликлар, ўқув услубий қўлланмаларни етказиб бериш;

- ўқув-услубий қўлланмалар ва уларнинг мультимедия иловаларини харид қилиш.

Шунингдек, жамғарма айланма маблағлари ҳисобидан 9 311,7 минг нусха дарсликларни нашр этиш ва етказиб бериш харажатларига 67,9 млрд. сўм ва жамғарма ижро этувчи дирекциясини сақлаш харажатларига 7,4 млрд. сўм маблағ сарфланиши кутилмоқда.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш агентлиги қошидаги **Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси**нинг 2021 йилги тушумлари **45,8 млрд. сўм**ни ташкил қилиши прогноз қилинмоқда.

Ушбу маблағ Давлат активларини бошқариш агентлиги қошидаги “Электрон онлайн-аукционларни ташкил қилиш маркази” давлат унитар корхонасининг очиқ савдоларда сотилган ер участкаларига бўлган ҳуқуқларнинг бошланғич баҳосидан ошган сумманинг 50 фоизи ҳисобидан шаклланади.

Жамғармага келгуси йилда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан (ТИФ ТН коди 07 ва 08 бўлган товар гуруҳлари бўйича қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини импорт қилишдан тушган божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви учун йиғимлар бундан мустасно) суммасининг 10 фоизи) **80,0 млрд. сўм** миқдоридаги мақсадли трансфертлар ажратилиши режалаштирилган.

Жамғарманинг харажатлари эса жамғарма даромадларига мутаносиб равишда **125,8 млрд. сўм**га прогноз қилинмоқда. Шундан янги боғлар ва иссиқхона хўжаликларини ташкил этиш учун субсидиялар беришга 120,7 млрд. сўм йўналтириш кўзда тутилган.

9. Ўзбекистон Республикаси Алкоголь ва тамаки бозорини тартибга солиш ҳамда виночиликни ривожлантириш агентлигининг **Виночиликни ривожлантириш жамғармаси**нинг келгуси йил учун тушумлари **170,0 млрд. сўм**ни ташкил этиши кутилмоқда. Жамғарманинг асосий тушум манбаси алкоголь маҳсулотларнинг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналар соф тушумидан 120,0 млрд. сўм миқдоридаги ажратма ҳисобланади.

Шунингдек, жамғармага 2021 йилда **республика бюджетидан 40,0 млдр. сўм** миқдоридаги мақсадли трансфертлар ажратилиши режалаштирилган.

Жамғарманинг харажатлари эса **180,0 млрд. сўм**ни ташкил этиб, шундан 58,5 млрд. сўм техник навли узум плантацияларини яратиш ҳамда узум, мевалар ва резаворлардан алкоголь маҳсулотлари ишлаб чиқариш учун қарз бериш ҳамда тижорат банкларига кредит ресурсларини беришга, 79,0 млрд. сўм субсидиялар тақдим этишга йўналтириш кўзда тутилган.

Жамғарма томонидан субсидиялар:

сув тежовчи, шу жумладан томчилатиб суғориш технологияларини жорий этишга;

маҳаллий шароитда етиштирилган интенсив кўчатлар ҳамда пайвандтагларни сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплашга;

маҳаллий шароитда ток ўсимлиги тўқималаридан (меристема ҳужайра) “In vitro” усулида етиштирилган ток кўчатларини сотиб олиш харажатларининг бир қисмини қоплашга;

техник навли узум кўчатларини шпалерага кўтариш учун ажратилади.

2021 йилда **Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси** даромадлари **5 336,2 млрд. сўм**ни, харажатлари эса **13 423,6 млрд. сўм**ни ташкил этилиши прогноз қилинмоқда.

3.4. Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджети даромад ва харажатлари 2021 йилги прогнози ва 2022–2023 йиллар учун мўлжаллари

2021 йилги Давлат бюджетини шакллантиришдан бошлаб ташқи қарз ҳисобидан давлат дастурларига ажратиладиган харажатлар халқаро тажрибадан келиб чиқиб консолидациялашган бюджет таркибида акс эттирилди.


2021 йилги консолидациялашган бюджети харажатлари **215,9 трлн. сўмни** ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 31,3 фоиз миқдорида прогноз қилинмоқда. Консолидациялашган бюджетининг 2022-2023 йиллардаги мўлжаллари **231,3 трлн. сўм** ва **258,1 трлн. сўм** миқдорида прогноз қилинмоқда.

2021 йилда консолидациялашган бюджет тақчиллиги давлат дастурларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз маблағларини инобатга олган ҳолда **37,4 трлн. сўм**, ялпи ички маҳсулотга нисбатан **5,4 фоиз** тақчиллик билан прогноз қилинган бўлиб, 2023 йилга бориб тақчиллик **1,9 фоизгача** пасайиши прогноз қилинмоқда.

Консолидациялашган бюджет тақчиллигини (давлат дастурларини амалга ошириш учун жалб қилинадиган ташқи қарз маблағларисиз) ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2020 йилдаги кутилаётган 5,5 фоиздан 2021 йилда 3,7 фоизгача пасайтириш кўзда тутилмоқда. Ўрта муддатда эса консолидациялашган бюджет тақчиллигини ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,4 фоизгача пасайтириш мақсад қилинмоқда.

22-расм

Ўзбекистон Республикаси консолидациялашган бюджетининг 2021–2023 йиллардаги параметрлари (трлн. сўм)



2021 йилги консолидациялашган бюджет тақчиллиги, шунингдек **7,8 трлн. сўм миқдоридаги асосий қарзни** қайтариш харажатларини қуйидаги манбалардан қопланиши режалаштирилган:

5 трлн. сўм – ички бозорга Давлат қимматли қоғозлари чиқариш ҳисобига;

18,7 трлн. сўм – ташқи қарз маблағларини жалб қилиш ва еврооблигациялар жойлаштириш ҳисобига;

1,4 трлн. сўм – Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармаларининг йил бошига қолдиқ маблағлари ҳисобидан;


8,1 трлн. сўм – Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг йил бошига қолдиқ маблағлари ҳисобидан;

12,1 трлн. сўм Давлат дастурларини амалга ошириш учун вазирлик ва идоралар томонидан жалб қилинган ташқи қарз маблағлари ҳисобидан.

Шунингдек, **Давлат бюджети тақчиллиги** 18,6 трлн. сўмни ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан 2,7 фоизни ташкил этиши прогноз қилинмоқда.

23-расм

Иқтисодий ривожланган, бозор иқтисодиётига ўтаётган ва ривожланаётган ҳамда паст даромадли ривожланаётган давлатларнинг Давлат қарзи ва Фискал дефицити



Манба: IMF Fiscal Monitor and IMF staff calculations.
Global public debt (in percent of GDP) 2016: 82.7 / 2019: 83.0 / 2020: 98.6 / 2025: 100.0
Global fiscal deficit (in percent of GDP) 2016: -3.5 / 2019: -3.9 / 2020: -12.7 / 2025: -4.5

*ИРД-иқтисодий ривожланган давлатлар (АҚШдан ташқари); БИЎРД – бозор иқтисодиётига ўтаётган давлатлар ва ривожланаётган давлатлар (Хитойдан ташқари); ПДРД – паст даромадлари ривожланаётган давлатлар.

Давлат молия статистикасини юритишнинг халқаро стандартлари

Давлат молияси статистикаси маълумотлари тўлиқлиги ва ишончлилигини таъминлаш мақсадида Халқаро валюта жамғармаси экспертлари билан биргаликда олиб борилаётган ишлар натижаси ўлароқ 2021 йил Давлат бюджети лойиҳаси ҳалқаро валюта жамғармасининг давлат молия статистикасини юритишнинг 2014 йилда ишлаб чиқилган тавсияларига асосан ишлаб чиқилди.

Халқаро валюта жамғармасининг 2014 йилда ишлаб чиқилган давлат молия статистикаси қўлланмаси стандартига мувофиқ Марказий ҳукумат операциялари (млрд. сўм)

13-жадвал

Кўрсаткичлар	Республика бюджети	Давлат мақсадли жамғармалари *	Консолидация	Марказий хукуматнинг бюджети
А	1	2	3	4=1+2-3
1.Даромадлар	**120 160,4**	**7 711,7**	**946,4**	**126 925,7**
Солиқлар	105 479,9			105 479,9
Грантлар		946,4	946,4	0,0
Бошқа даромадлар	14 680,6	6 765,2		21 445,8
2.Харажатлар	**135 627,8**	**16 248,9**	**946,4**	**150 930,3**
Иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар	46 029,0	76,0		46 105,0
Товар ва хизматлардан фойдаланиш	5 481,0	295,4		5 776,4
Фоизлар	2 955,9	0,0		2 955,9
Субсидиялар	2 369,6	1 313,4		3 683,0
Грантлар	26 308,2	19,0	946,4	25 380,8
Ижтимоий нафақалар	4 517,7	13 209,1		17 726,8
Бошқа жорий харажатлар	28 135,7	1 267,9		29 403,6
Номолиявий активларга инвестициялар	19 830,7	68,1		19 898,8
3. Соф кредитлар (+) / Соф мажбуриятлар (-) (1-2)	**-15 467,4**	**-8 537,3**	**0,0**	**-24 004,7**
4. Соф молиялаштириш (4.1-4.2=3)	**15 467,4**	**8 537,3**	**0,0**	**24 004,7**
4.1 Молиявий активларнинг қиймати	**0,0**	**8 537,3**	**0,0**	**8 537,3**
Ички кредиторлар		8 537,3		8 537,3
Ташқи кредиторлар				0,0
4.2 Мажбуриятларнинг қиймати	**-15 467,4**	**0,0**	**0,0**	**-15 467,4**
Ички дебиторлар	-431,0			-431,0
Ташқи дебиторлар	-15 036,4			-15 036,4

* Давлат мақсадли жамғармалари ва Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси

2021 йил бюджет лойиҳаси билан ўтган йилги Бюджетномадаги бюджет харажатлари мўлжалларининг асосий фарқи

Консолидациялашган бюджет харажатларининг 2021–2022 йиллардаги мўлжаллари ҳажмининг “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Қонуни билан тасдиқланган мўлжаллардан фарқ қилиши асосан қуйидагилар билан тушунтирилади:

коронавирус пандемияси туфайли ялпи ички маҳсулот ва бошқа макроиқтисодий кўрсаткичлар прогнозлари қайта кўриб чиқилганлиги туфайли Давлат бюджетининг даромадлари прогнозлари ва фискал тақчиллик параметларининг ўзгарганлиги;

ижтимоий нафақа олувчи оилалар сонини 2021 йилнинг 1 январидан бошлаб 1,2 миллион оилага етказилиши;

2021 йилда COVID-19 коронавирус инфекциясига қарши курашиш тадбирлари учун қўшимча – **3 трлн. сўм кўзда тутилиши**;

2020 йил давомида қабул қилинган давлат дастурларига мувофиқ 2021 йилги Давлат бюджети харажатларининг қайта кўриб чиқилиши;

Ижтимоий ҳимояни янада кучайтириш оқибатида Пенсия жамғармасига бериладиган трансфертларнинг **6,7 трлн. сўмга** ошиши ва бошқалар.

IV. 2020 йилда кутилаётган давлат қарзи прогнози ва 2021–2023 йилларда давлат қарзини бошқариш сиёсати

4.1. Ўзбекистон Республикасининг давлат қарзи ҳолати ва динамикаси

2020 йилнинг охиригача жами давлат қарзи **20,4 млрд. АҚШ доллари** ёки ялпи ички маҳсулотга нисбатан **39 фоизни** ташкил этиши прогноз қилинмоқда.


Давлат қарзининг ўсиш суръатларига қарамасдан макроиқтисодий барқарорлик учун хавфсиз даражада сақланиб қолмоқда.

Шунингдек, Халқаро валюта жамғармасининг 2020 йилнинг май ойидаги ҳисоботида Ўзбекистон Республикасининг давлат ташқи қарзи билан боғлиқ хатарлар паст даражада қайд этилган бўлиб, Ўзбекистон Республикаси давлат қарзига хизмат кўрсатиш салоҳияти “кучли” деб баҳоланган.

24-расм

Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи динамикаси

(йил охирига)




Жорий йилда давлат қарзининг ўсиши COVID-19 пандемияси оқибатларини бартараф этиш учун Давлат бюджетининг қўшимча харажатларини молиялаштириш учун ташқи қарзлар жалб қилиниши билан боғлиқ.

2021 йил охиригача Давлат қарзи 25,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида прогноз қилинмоқда. Шундан 18 млрд. АҚШ доллари Ўзбекистон номидан жалб қилинган ва 7,5 млрд. АҚШ доллари Ўзбекистон Республикаси кафолатлаган ташқи қарзи ҳисобланади.

2021 йилда давлат қарзига хизмат кўрсатиш (асосий қарз ва фоиз) харажатлари 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида, жумладан Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан 0,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида маблағ ажратиш прогноз қилинмоқда.

25-расм

Давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш харажатлари



Макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида ташқи қарзни жалб этишнинг чегараланган ҳажми белгиланади.

Жумладан, 2020 йилда ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 4 млрд. АҚШ доллари миқдорида ҳамда давлат мақсадли дастурларини амалга ошириш учун Ўзбекистон Республикаси номидан ёки Ўзбекистон Республикаси кафолати остида жалб қилинадиган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан қайтариладиган ташқи қарзни ўзлаштиришнинг чекланган ҳажми 1,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида тасдиқланди.

Бироқ, 2020 йилдаги коронавирус пандемияси сабабли Ҳукумат ушбу чегараларни қайта кўриб чиқишга мажбур бўлди.

2020 йилда ташқи қарзни жалб этиш бўйича имзоланадиган янги шартномаларнинг чегараланган ҳажми 5,5 млрд. АҚШ доллари миқдорида прогноз қилинмоқда.

Давлат қарзини ўз вақтида ва тўлиқ қайтаришни таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилиги ҳузурида Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича Кафолат жамғармаси ташкил этилди.

4.2. Давлат қарзи билан боғлиқ хатарларни баҳолаш

Давлат қарзи билан боғлиқ хатарларнинг дастлабки (механик) баҳоси

Ўзбекистон Республикаси давлат қарзи барқарорлиги таҳлили шуни кўрсатмоқдаки:


- давлат қарзи (шу жумладан, давлат ташқи қарзи) ЯИМга нисбати энг кучли ички ва ташқи шоклар рўй берганда ҳам меъёрий кўрсаткичлардан пастда бўлиши кутилмоқда (26-расм);
- давлат қарзи, бошқа омиллар билан таққослаганда, тўғридан-тўғри инвестициялар оқими ва жорий ҳисоб операциялари даромадларининг салбий ўзгаришига юқори таъсирчанлик билдирмоқда.

Ҳисоб-китоблар натижасида олинган “механик” баҳони қўшимча равишда мантиқий тарзда қайта кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир.

26-расм

Ўзбекистон Республикаси давлат қарзининг ЯИМга нисбати

Жорий қийматларда (present value - PV)



Давлат қарзи билан боғлиқ хатарларнинг якуний баҳоси

Давлат қарзи билан боғлиқ хатарларнинг дастлабки (механик) баҳоси давлат қарзи барқарорлиги даражасини белгилашга асос бўла олмайди. Бунда, таҳлилда инобатга олинмаган, бироқ давлат қарзи барқарорлиги даражасига таъсир этувчи бошқа омилларни ҳам инобатга олиниши зарур.

Хусусан, давлат қарзи барқарорлиги даражасини баҳолашда **(1)** давлат қарзи нисбатларининг максимал меъёрларидан ошиши характери (бир марталик ёки бир неча йилда), **(2)** муддатлари (қисқа, ўрта ёки узоқ муддатларда), **(3)** давлат қарзи таркиби (сўндириш даври, фоизи, валютаси) ва **(4)** ҳукуматнинг ликвид активлари каби омилларни инобатга олиш мақсадга мувофиқдир.


Юқоридагилардан келиб чиқиб:

1. Базавий сценарийга мувофиқ, давлат ташқи қарзи (жорий қиймати – present value) максимал меъёрларидан ошмаслиги кутилмоқда. Қуйидаги расмда (27-расм) давлат ташқи қарзи кўрсаткичларининг максимал меъёрларига қадар “масофалари” уч тоифага ажратилган ҳолда акс эттирилган (етарлича масофа, бироз масофа ва чекланган масофа). “Масофалар”ни тоифалаш давлат қарзини жалб қилишда қанчалик “хона” мавжуд эканлигини баҳолашга ёрдам беради.


27-расм


Давлат ташқи қарзи кўрсаткичларининг максимал меъёрларига қадар “масофалари”

Давлат ташқи қарзининг (жорий қиймати)



Давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш жами харажатларининг





2. Давлат ташқи қарзига хизмат кўрсатиш жами харажатлари бўйича хатарлар паст даражада баҳоланмоқда. Бундай харажатларнинг экспортга нисбати 2021–2022 йиллардаги салбий экспорт шокига узоқ муддатлардагина (2027–2029) таъсирчанлик кўрсатмоқда, бу эса хатар аҳамиятини пасайтиради. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, давлат ташқи қарзининг салмоқли улушини халқаро молия институтларнинг узоқ муддатли имтиёзли кредитлари ташкил этади.

3. Давлат ташқи қарзи бўйича хатарлар мўтадил даражада баҳоланмоқда. Давлат ташқи қарзи (жорий қиймати) экспортга нисбатининг кучли экспорт шокига таъсирчанлиги тез бўлиб (нисбатнинг 2021–2022 йилги экспорт шоки сабаб 2022 йилдаёқ максимал меъёридан ошиши баҳоланмоқда), мазкур таъсир 4 йил давом этиши (2026 йилдагина ортга қайтиши) эҳтимоли мавжуд. Буни экспорт ҳажмининг тушиши ортидан қўшимча ташқи молиялаштиришга бўлган эҳтиёжнинг ортиши (сурат) ва экспорт ҳажмининг пасайиши (маҳраж) билан изоҳлаш мумкин.

4. Ҳукуматнинг ликвид активлари давлат ташқи қарзи қолдиғи бўйича хатарларни пасайтиришга хизмат қилади.

2021 йил Бюджетномасига
1-илова

Асосий мақсадли макроиқтисодий кўрсаткичлар

Т/р	Кўрсаткичлар	2020 й. Кутилаётган	2021 й. Прогноз
1.	**ЯИМ, млрд. сўм**	**590 261**	**688 936**
	ўтган йилга нисбатан фоизда	101,0-101,5	105,1
	ЯИМ дефлятори, фоизда	113,8	111,1
	ЯИМ, млн. АҚШ долл.	**58 546**	**63 205**
	ЯИМ аҳоли жон бошига, АҚШ долл.	**1 720**	**1 805**
1.1.	**Саноат, млрд. сўм**	**150 553**	**176 423**
	ўтган йилга нисбатан фоизда	101,1-101,6	105,8
1.2.	**Қурилиш**	**37 394**	**44 785**
	доля, в %	6,1	6,5
	ўтган йилга нисбатан фоизда	107,0-108,0	106,5
1.3.	**Қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги**	**158 390**	**183 477**
	доля, в % к ВВП	29,7	27,9
	ўтган йилга нисбатан фоизда	102,7-103,0	102,7
1.4.	**Хизматлар**	**190 510**	**222 572**
	доля, в % к ВВП	35,1	35,3
	ўтган йилга нисбатан фоизда	99,5-100,0	106,4
1.5.	**Чистые налоги на продукты и экспортно-импортные операции**	**50 669**	**57 746**
	доля, в % к ВВП	9,7	8,8
	в % к предыдущему году	105,0	103,2
2.	**Йил охирига инфляция даражаси, фоизда**	**11,0-11,5**	**9,0-10,0**
3.	**Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалар даромадлари, млрд сўм**	**151 670**	**173 176**
	ЯИМга нисбатан фоизда	25,7	25,1
	Давлат бюджети ва Давлат мақсадли жамғармалар харажатлари, млрд сўм	**174 586**	**190 499**
	ЯИМга нисбатан фоизда	29,6	27,7
4.	**Капитал қўйилмалар ҳажми, млрд. сўм**	**208 191**	**246 299**
	ўтган йилга нисбатан фоизда	93,3	106,5
5.	**Чакана савдо айланмаси, млрд.сўм**	**159 614**	**193 649**
	ўтган йилга нисбатан фоизда	105,7	105,6
6.	**Ташқи савдо айланмаси, млн.АҚШ долл.**	**38 528**	**41 851**
	ўтган йилга нисбатан фоизда	92,3	108,6
7.	**Товар ва хизматлар экспорти, млн.АҚШ долл.**	**17 639**	**19 163**
	ўтган йилга нисбатан фоизда	101,0	108,6
	в % к 2018 году	131,1	144,8
	доля в ВВП, в %	32,1	31,0
	Экспорт товаров и услуг на душу населения, долл.	56,0	61,0
8.	**Товар ва хизматлар импорти, млн.АҚШ долл.**	**20 889**	**22 688**
	ўтган йилга нисбатан фоизда	86,0	108,6
	доля в ВВП, в %	41,1	38,7
9.	**Ташқи савдо айланмаси сальдоси, млн. АҚШ долл.**	**-3 249**	**-3 525**

2021 йил Бюджетномасига
2-илова

2020-2021 йиллар Давлат бюджети даромадлари

млрд.сўм

	2020 йил кутилаётган		2021 йил прогноз	
	сумма	ЯИМга нисбатан, *фоизда*	сумма	ЯИМга нисбатан, *фоизда*
ЯИМ	**590 261**		**688 936**	
I. Д А В Л А Т Б Ю Д Ж Е Т И Д А Р О М А Д Л А Р И	**129 575**	**22,0**	**147 002**	**21,3**
- ДСҚ	*101 596*	*17,2*	*112 962*	*16,4*
- ДБҚ	*24 404*	*4,1*	*28 993*	*4,2*
- Бошқалар	*3 575*	*0,6*	*5 047*	*0,7*
шундан:		0,0	0	0,0
1. Бевосита солиқлар - жами	**42 908**	**7,3**	**46 845**	**6,8**
1.1 Юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи	26 786	4,5	27 779,4	4,0
- ДСҚ	8 364	1,4	10 116,1	1,5
- Бошқалар	18 422	3,1	17 663,2	2,6
1.2 Кичик корхоналар товар айланмасидан солиқ	1 301	0,2	2 160	0,3
1.3 Жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи	14 821	2,5	16 906	2,5
1.4 Тадбиркорлар учун қатъий белгиланган солиқ	0	0,0	0	0,0
2. Билвосита солиқлар - жами	**48 364**	**8,2**	**62 585**	**9,1**
2.1 Қўшилган қиймат солиғи	33 919	5,7	46 955	6,8
- ДСҚ	21 364	3,6	29 334	4,3
- ДБҚ	20 027	3,4	24 503	3,6
- Бошқалар	-7 472	-1,3	-6 882	-1,0
2.2 Акциз солиғи	11 399	1,9	12 331	1,8
- ДСҚ	10 601	1,8	11 718	1,7
- ДБҚ	798	0,1	613	0,1
- Бошқалар		0,0		0,0
2.4 Божхона божи	3 047	0,5	3 298	0,5
3. Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи	**21 246**	**3,6**	**19 169**	**2,8**
3.1 Мол-мулк солиғи	2 167	0,4	2 510	0,4
юридик шахслар мол-мулк солиғи	1 362	0,2	1 584	0,2
жисмоний шахслар мол-мулк солиғи	805	0,1	926	0,1
3.2 Ер солиғи	2 290	0,4	2 941	0,4
юридик шахслар ер солиғи	1 238	0,2	1 763	0,3
жисмоний шахслар ер солиғи	1 052	0,2	1 178	0,2
3.3 Ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ	16 439	2,8	13 330	1,9
3.4 Сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ	349	0,1	387	0,1
4. Қўшимча фойда солиғи		**0,00**	**0**	**0,0**
5. Маҳсулот тақсимотига оид битимлар бўйича давлат улуши		**0,0**		**0,0**
4. Бошқа даромадлар ва солиқ бўлмаган тушумлар	**17 057**	**2,9**	**18 404**	**2,7**
- ДСҚ	5 477	0,9	5 497	0,8
- ДБҚ	532	0,1	521	0,1
- Бошқалар	11 047	1,9	10 579	1,5
II. ДАВЛАТ МАҚСАДЛИ ЖАМҒАРМАЛАРИ ДАРОМАДЛАРИ	**33 000**	**5,6**	**42 070**	**6,1**
Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси		0,0		0,0
Республика йўл жамғармаси		0,0		0,0
Таълим ва тиббиёт муассасаларини моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси		0,0		0,0
Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси		0,0		0,0
Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш жамғармаси		0,0		0,0
Давлат ва жамият эҳтиёжлари учун ер участкаларининг олиб қўйилиши муносабати билан жисмоний ва юридик шахсларга етказилган зарарларни қоплаш бўйича марказлаштирилган жамғармаси		0,0		0,0

Меҳнат мигрантларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси		0,0		0,0
Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси		0,0		0,0
Туризм соҳасини қўллаб-қувватлаш жамғармаси		0,0		0,0
Боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини ривожлантириш жамғармаси		0,0		0,0
Балиқчиликни ривожлантириш жамғармаси		0,0		0,0
Ногиронлиги бўлган шахсларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси		0,0		0,0
Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси		0,0		0,0
“Эл-юрт умиди” жамғармаси		0,0		0,0
Жамоат ишлари жамғармаси		0,0		0,0
Тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси		0,0		0,0
“Yoshlar – kelajagimiz” жамғармаси		0,0		0,0
Узум етиштирувчилар ва вино тайёрловчиларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси		0,0		0,0
Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди		0,0		0,0
Республика мақсадли китоб жамғармаси		0,0		0,0
III. ТИКЛАНИШ ВА ТАРАҚҚИЁТ ЖАМҒАРМАСИ ДАРОМАДЛАРИ	**3 838**	**0,7**	**5 336**	**0,8**
КОНСОЛИДАЦИЯЛАШГАН БЮДЖЕТ ДАРОМАДЛАРИ, ЖАМИ	**166 413**	**28,2**	**194 409**	**28,2**

2021 йил Бюджетномасига
3-илова

2020-2021 йиллар учун ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ХАРАЖАТЛАРИ

млрд.сўм

Кўрсаткичлар	2020 йил - кутилаётган ижро		2021 йил - лойиҳа	
	сумма	ЯИМ %	сумма	ЯИМ %
ЯИМ	**590 261**		**688 936**	
Давлат бюджети харажатлари	**149 332**	**25,2**	**165 578**	**24,0**
1. Ижтимоий соҳа ва аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш харажатлари	**75 342**	**12,7**	**86 379**	**12,5**
шу жумладан:				-
1.1 Таълим	31 184	5,3	34 553	5,0
1.2 Соғлиқни сақлаш	19 314	3,3	19 576	2,8
1.3 Маданият ва спорт	2 384	0,4	2 570	0,4
1.4 Фан	993	0,17	1 151	0,2
1.5 Нафақалар, моддий ёрдам ва компенсация тўловлари	8 519	1,4	10 245	1,5
1.6 Аҳоли бандлиги даражасини ошириш, Хотин-қизлар ва ёшларни қўллаб қуватлаш	1 220	0,2	595	0,1
1.7 Пенсия жамғармасига трансфертлар	9 117	1,5	14 700	2,1
1.8 Уй-жойлар қуриш дастурида қатнашаётган банклар учун кредит линиялари	1 905	0,3	2 409	0,3
2. Иқтисодиёт харажатлари	**21 980**	**3,7**	**13 835**	**2,0**
2.1 Сув хўжалиги эксплуатацияси харажатлари	4 462	0,8	4 531	0,7
2.2 Геологик қидирув ишлари	1 373	0,2	1 200	0,2
2.3 Аҳоли пунктларини ободонлаштириш ишларини амалга ошириш	2 479	0,4	2 042	0,3
2.4 Умумий фойдаланишдаги автомобиль йўлларни ривожлантириш	2 414	0,4	2 200	0,3
2.5 Уй-жой коммунал ишлари	672	0,1	909	0,1
3. Марказлашган инвестиция харажатлари	**17 715**	**3,0**	**17 200**	**2,5**
4. Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига асосан ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш учун харажатлар	**1 400**	**0,2**	**3 500**	**0,5**
5. Марказий давлат бошқарув органлари харажатлари	**5 484**	**0,9**	**4 891**	**0,7**
6. Адлия, прокуратура ҳамда суд органларини сақлаш харажатлари	**1 168**	**0,2**	**1 588**	**0,2**
7. Ўзини ўзи бошқариш органларини сақлаш харажатлари	**747**	**0,1**	**891**	**0,1**
8. ННТ ва фуқаролик жамиятнинг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш харажатлари	**43**	**0,01**	**46**	**0,01**
9. Вазирлар Маҳкамаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, шаҳар ва туманлар бюджетларининг захира жамғармалари	**1 389**	**0,2**	**1 450**	**0,2**
11. Иш ҳақи ва коммунал хизматлар тарифларини ошириш харажатлари			**8 401**	**1,2**
12. Давлат қарзига хизмат кўрсатишнинг фоиз харажатлари	**2 650**	**0,4**	**3 059**	**0,4**
13. Бошқа харажатлар	**21 414**	**3,6**	**24 338**	**3,5**

2021 йилги иқтисодий тасниф бўйича давлат бюджети харажатлари
ЁЙИЛМАСИ

млрд. сўм

Т/р	Иқтисодий тасниф бўйича харажатлар	2021 йил - прогноз
	Жами харажатлар	**2 000,0**
	шундан:	
1	Иш ҳақи ва стипендияларни тўлаш	62 867,5
	шундан:	
1.1	Иш ҳақи	61 983,0
1.2	Стипендиялар	884,5
2	Ижтимоий солиқ	14 852,1
3	Капитал қўйилмалар	17 200,0
4	Товар ва хизматлар бўйича харажатлар	16 942,9
	шундан:	
4.1	Хизмат сафарлари харажатлари	231,5
4.2	Коммунал тўловлар, шундан:	4 634,9
	Электроэнергия	*4 078,7*
	Табиий газ	*233,8*
	Иссиқ сув ва иссиқлик энергияси	*154,5*
4.3	Сақлаш ва жорий таъмирлаш	2 993,9
4.4	Моддий айланма воситалар захираларига харажатлар, шундан:	6 687,1
	Озиқ-овқат маҳсулотлари	*2 652,1*
	Дори-дармонлар ва тиббиётда фойдаланиладиган воситалар	*1 899,6*
	Ёнилғи ва ЁММ	*710,5*
5	Асосий воситалар бўйича харажатлар	4 155,3
	шу жумладан:	
	Асосий воситаларни капитал таъмирлаш	*1 544,4*
	Асосий воситаларни сотиб олиш	*2 606,4*
6	Фоиз тўловлари	3 058,9
7	Субсидиялар (Пенсия жамғармаси, ДХШ Мактабгача таълим муассасалари)	15 872,7
8	Грантлар (Республика мақсадли китоб жамғармаси)	72,8
9	Ижтимоий нафақалар	13 607,7
10	Молиявий активлар ва мажбуриятлар бўйича харажатлар	2 429,1
11	Бошқа харажатлар	-149 058,8

2021 йил Бюджетномасига
4-илова

Ўзбекистон Республикаси ва Ҳукумати қарорларига асосан 2020-2021 йилги Давлат бюджети маблағлари ҳисобига амалга оширилиши кўзда тутилган

Давлат дастурлари ва тадбирлар

млрд.сўм

Т/р	Давлат дастури ва тадбирлар номи	Давлат бюджетидан	
		2020 йил кутилаётган	2021 йил кўзда тутилган
	ҲАММАСИ	**34 780,2**	**44 481,7**
I	**Ижтимоий соҳа дастурларини молиялаштириш учун**	**7 246,5**	**6 965,5**
	Халқ таълими соҳаси бўйича	**186,6**	**1 110,5**
1	Педагог ходимларни синф раҳбарлиги учун устама тўловларини 1,5 бараварга оширилиши учун		408,0
2	Математика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий-тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирларини амалга ошириш (2021 йил 1 сентябрдан миллий сертификатга эга бўлган математика ўқитувчилари ойлик маошини 25-50 фоизда ошириш тадбирлари харажатлари)		234,8
3	Умумий ўрта таълим муассасаларини спорт анжомлари билан таъминлаш		45,0
4	Кам таъминланган оила фарзандлари учун қишки кийим бош билан таъминлаш	54,3	77,2
5	Етим болалар ва ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган болаларни уй-жой билан таъминлаш		30,0
6	Кам таъминланган оилаларнинг болаларини дарсликлар ҳамда бошқа ўқув қўлланмалари билан бепул таъминлаш	66,2	71,4
7	Умумтаълим мактабларини кенг полосали Интернет тармоғига улаш		98,0
8	Халқ таълими соҳасидаги ислоҳотларга кўмаклашиш жамғарма маблағларини шакллантириш	66,1	146,0
	Мактабгача таълими соҳаси бўйича	**430,0**	**880,8**
1	Бошланғич таълимга мажбурий бир йиллик тайёрлов тадбирлари учун	50,0	158,8
2	Нодавлат мактабгача таълим муассасаларига Давлат бюджетидан субсидиялар	300,0	600,0
3	Мактабгача таълим вазирлигининг бюджетдан ташқари жамғарма маблағларини шакллантириш	80,0	110,0
4	Мактабгача таълим муассасаларини спорт анжомлари билан таъминлаш		12,0
	Олий ва ўрта таълим соҳаси бўйича	**168,6**	**205,7**
1	Илмий даража олиш учун таянч докторантурага ва докторантурага қабул квоталари харажатлари	151,5	175,7
2	"Эл-юрт умиди" жамғармаси учун	17,1	30,0
3	Касб ҳунар мактаблари ўқувчилари учун озиқ-овқат ва стипендия тўловлари учун (2021 йилда 511 млрд. сўм маблағ ажратилиши талаб этилади)		
	Фан (илмий-тадқиқот муассасалар) соҳаси бўйича	**108,2**	**167,6**
1	Илмий даража олиш учун таянч докторантурага ва докторантурага қабул квоталари харажатлари	58,2	67,6
2	Инновацион ривожланиш ва новаторлик ғояларини қўллаб-қувватлаш жамғармаси маблағларини шакллантириш	50,0	100,0
	Соғлиқни сақлаш соҳаси бўйича	**5 883,7**	**3 951,6**
1	Болаларни вакцинация қилиш билан боғлиқ харажатлар	131,6	198,6
2	Коронавирус пандемиясига қарши курашиш ва вакцина сотиб олиш харажатлари	5 178,0	3 000,0
3	Юқумли касалликларга, шу жумладан вирусли гепатитларга ташхис қўйиш, улар профилактикаси ва уларни даволаш усулларини янада такомиллаштириш	10,0	14,2
4	Болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури харажатлари	44,5	39,3
5	Аҳолига онкология ёрдамини такомиллаштириш ва онкология хизматини янада ривожлантириш	50,7	61,7
6	Одамнинг иммунитет танқислиги вируси келтириб чиқарадиган касаллик тарқалишига қарши курашиш бўйича қўшимча чора-тадбирлари	50,8	90,9
7	Ўзбекистон Республикаси аҳолисига нефрология ва гемодиализ ёрдами кўрсатиш самарадорлигини ошириш харажатлари	131,2	137,8

8	Нейросенсор карлик ёки заиф эшитадиган болаларда кохлеар имплантатлардан фойдаланган ҳолда операциялар ўтказиш	26,5	27,8
9	Давлат тиббиёт ташкилотлари хамда Республика ахолисини дори воситалари ва тиббиёт буюмлари билан таъминлаш	13,8	17,3
10	Республика аҳолисига эндокринология ёрдами кўрсатиш	24,5	25,8
11	Кам учрайдиган (орфан) ва бошқа ирсий-генетик касалликларга чалинган болаларга тиббий ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш харажатлари	32,1	37,2
12	Репродуктив ёшдаги аёллар, ҳомиладорлар ва болаларга кўрсатиладиган тиббий ёрдам сифатини ошириш харажатлари	4,2	4,4
13	2017-2021 йилларда Оролбўйи минтақасини ривожлантириш Давлат дастури	10,7	14
14	2019-2021 йилларда сил ва ўпканинг носпецифик касалликлари тарқалишига қарши курашиш комплекс чора-тадбирлари	16,9	24,7
15	Ўзбекистон Республикасида гематология ва трансфузиология хизматларини ривожлантириш ҳамда онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган шахсларни янада қўллаб-қувватлаш чора-тадбирлари	87,2	91,4
16	«Электрон соғлиқни сақлаш» тизимини кенг жорий этиш, ягона миллий стандартлар асосида интеграциялашган ахборот тизимлари ва маълумотлар базаси мажмуасини яратиш		28,0
17	Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлигини ривожлантириш харажатлари	2,9	3,6
18	Малакали хорижий тиббиёт мутахассисларини жалб этиш харажатлари	6,0	6,6
19	Грипп юқтириш ва унинг оғир асоратлари билан курашиш харажатлари	2,1	2,4
	Оналик ва болаликни муҳофаза қилиш тизимини янада такомиллаштириш	59,8	
20	Онкогематологик ва даволаш қийин бўлган касалликларга чалинган беморларни соғломлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари		126,0
	Маданият соҳаси бўйича	**231,5**	**242,1**
1	Маданий меърос объектлари билан боғлиқ реставрация ва тиклаш шунингдек археологик харажатлар учун	66,8	73,5
2	"Ўзбеккино" Миллий агентлиги томонидан бадиий, қисқа метражли, ҳужжатли, мультипликацион фильмларни ишлаб чиқариш, уларни дубляж қилиш, субтитрлаш, қайта тиклаш (реставрация) ва реклама ишларини амалга ошириш	55,8	76,4
3	Оммавий ахборот воситаларини ва давлат органларининг матбуот хизматларининг ривожлантириш	20,0	20,0
4	Давлат театрлари моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини ривожлантириш	18,7	8,5
5	Давлат музейларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш	19,7	7,9
6	Замонавий маданият ва аҳоли дам олиш марказларининг шакллантириш ва моддий-техника базаси билан таъминлаш	50,5	55,8
	Спорт соҳаси бўйича	**237,9**	**407,2**
1	Болалар спорт мактабларини жихозлаш (қайта жихозлаш)	34,2	38,0
2	Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирларининг календар режаси	113,7	189,2
3	"Tokio-2021" Олимпияда спорт мусобақасига тайёргарлик кўриш ва қатнашиш харажатлари	90,0	180,0
II	**Қишлоқ ва сув хўжалиги соҳасидаги тадбирлар учун**	**4 393,2**	**4 789,6**
	шу жумладан		
1	Замонавий насос ва электродвигателлар сотиб олиш харажатлари учун	102,6	102,6
2	Мелиорация объектларини таъмирлаш-тиклаш ишларини амалга ошириш учун	332,5	365,2
3	Зараркунандаларга қарши курашиш харажатларини қоплаш ҳамда фавқулодда вазиятларда ҳосилни сақлаб қолишни таъминлаш харажатлари	60,0	120,0
4	"Тоза ҳудуд" ДУКни махсус техника ва ускуналар билан жиҳозлаш ва чиқинди тўплаш шохобчаларини қуриш учун	187,7	206,5
5	Суғориладиган ерларни шамол эрозиясига ҳамда сув хўжалиги объектларини қум босишига қарши иҳота дархатзорлари барпо этиш харажатлари	35,0	38,5
6	Фермер хўжаликларининг насос агрегатлари ва суғориш қудуқлари истеъмол қиладиган электр энергияси қийматини қоплаш учун	339,6	444,6
7	Пахта хом ашёси етиштирувчиларда ҳамда узумзорларда томчилатиб суғориш технологиясини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларини қоплаш учун	100,0	238,9
8	Боғлар ва иссиқхона хўжаликларини яратиш мақсадида сув тежовчи суғориш технологияларини жорий қилиш билан боғлиқ харажатларни қоплаш	80,0	80,0
9	Лалми ва яйлов ер участкаларида томчилатиб ва ёмғирлатиб суғориш технологиясини жорий қилиш учун озуқабоп экинлар етиштирувчиларнинг суғориш тик қудуқларини бурғулаш билан боғлиқ харажатларини қоплаб бериш	6,0	10,0

10	Қишлоқ хўжалиги кластерлари томонидан олинган кредитларни фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш харажатлари	21,5	55,0
11	Сув насос станцияларининг электр энергия истеъмоли учун харажатлар	3 128,3	3 128,3
III	**Геология-қидирув ишлари харажатлари**	**1 373,0**	**1 200,0**
IV	**Бошқалар**	**21 767,6**	**31 526,6**
1	Вақтинча ишсиз аҳолини "Жамоат ишлари жамғармаси" орқали иш билан таъминлаш	250,0	250,0
2	Бандликка кўмаклашиш давлат жамғармаси	150,0	250,0
3	Ўзбекистон Касаба уюшмалари федерацияси тадбир харажатларига	120,0	120,0
4	Хотин-қизларни ва оилани қўллаб-қувватлаш жамоат фонди харажатлари	120,0	125,0
5	Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги ҳузуридаги Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб -қувватлаш жамғармаси	150,0	200,0
6	Экспорт қилишда транспорт харажатларининг бир қисмини компенсация қилиш харажатлари	12,7	100,0
7	Республикадаги кўп квартирали уйларнинг лифт ускуналарини таъмирлаш ва янгилаш	27,5	104,5
8	Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Ободонлаштириш бош бошқармасининг моддий-техника базасини мустаҳкамлашга	6,0	6,1
9	Туман (шахар) ободонлаштириш бошқармаларининг махсус техника ва бошқа механизмлар билан таъминлаш учун	67,3	98,3
10	Йўл белгиларини ўрнатиш харажатлари	26,8	29,5
11	Кўп хонадонли уй-жой фондини сақлаш ва ундан фойдаланиш тизимини янада такомиллаштириш	61,7	73,6
12	Уй ҳайвонларини вакцинация қилиш харажатлари	111,6	112,0
13	Гидрометеорология хизмати марказининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, кузатув пунктларини жиҳозлаш ҳамда бино ва иншоотларини капитал таъмирлаш харажатлари	15,0	17,1
14	Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси тизимидаги таҳлилий лабораторияларнинг моддий-техник базасини такомиллаштириш		17,6
15	Ҳайвонот ва ўсимлик дунёси, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар, чиқиндиларни утилизация қилиш жойлари давлат кадастрларини юритиш харажатлари		4,0
16	Қишлоқ хўжалиги кластерлари томонидан олинган кредитларни фоиз тўловларининг бир қисмни қоплаш харажатлари	200,0	
17	Ўзбекистон Республикаси Президенти топшириқларига мувофиқ ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш харажатлари	1 400,0	3 500,0
18	Ўзбекистон Республикасида 2022 йилда аҳолини рўйхатга олишни ўтказиш конценцияси харажатлари (2021 йилда синов тариқасида аҳолини рўйхатга олишга тайёргарлик кўриш, ўтказиш ва материалларни қайта ишлаш харажтлари учун)	30,0	80,0
19	Эталонлар ва юқори аниқликдаги ўлчаш воситаларини харид қилиш харажатлари		2,9
20	Ўзбекистон Республикасининг хориждаги элчихоналари ва консулик идораларини сақлаш харажатлари	173,9	284,4
21	Иссиқлик таъминоти корхоналари учун аҳолига тарифларини паст нархларда ушлаб туриш натижасида кўрилган зарарни қоплаш харажатлари учун	225,1	556,0
22	Аҳолига арзон уй-жойлар қуриш мақсади учун харажатлар	1 905,0	2 409,0
23	Маҳаллий автомобиль ишлаб чиқарувчи корхоналарига утилизация харажатлари	161,5	200,0
24	Янги меҳмонхонани қуриш ва жиҳозлаш учун инвесторлар харажатларининг бир қисмини қоплаш	34,0	100,0
25	Экспортни рағбатлантириш агентлигига экспорт қилувчи корхоналар фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлаш	150,0	165,0
26	Чорвачилик маҳсулотлари етиштирувчи хўжаликларга, интенсив усулда балиқ етиштирувчи ва паррандачилик хўжаликларига субсидиялар		70,0
27	"Тошшахартранс" учун субсидиялар (тарифни паст нархларда ушлаб туриш натижасида зарарни қоплаш учун)	239,1	264,5
28	Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасига трансфертлар	9 117,0	14 700,0
29	Давлат қарзининг фоиз тўловлари	2 617,1	3 058,9
30	Сув хўжалиги вазирлиги ташкилотлари сув насос станцияларининг электр энергия истеъмоли учун харажатлар	3 128,3	3 128,3
31	Бошқа мақсадли тадбирлар	1 268,0	1 500,0